

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИ

«Машинасозлик технологияси» кафедраси

«МУТАХАССИСЛИК КИРИШ»
фанидан

ўқув услугий мажмуа



Бухоро-2017

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО МУХАНДИСЛИК –ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

Рўйхатга олинди

«Тасдиқлайман»

№_____

Ўқув ишлари бўйича проректор

201__ й. «__» _____

prof.Қ.Т.Олимов

«__» _____ 201__ й

“МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ” КАФДРАСИ

“Мутахассисликка кириш” фанидан

ЎҚУВ УСЛУБИЙ МАЖМУА

Билим соҳаси: **300000 – Ишлаб чиқариш техник соҳа**

Таълим соҳаси: **320000 – Ишлаб чиқаришлар технологияси**

Таълим **5321500 - Технологиялар ва жиҳозлар**

йўналиши: **(машинасозлик)**

Бухоро – 2017

Ўқув –услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта маҳсус таълим вазирлигига №_____ рақам билан рўйхатга олинган ва 201_____йил “_____да _____-сонли буйруқ билантасдиқланган намунавий фан дастури асосида тузилган.

Тузувчилар:

Н.Ф.Ўринов – Бухоро мұхандислик – технология институти, “Машинасозлик технологияси” кафедраси мудири, доценти.

М.Х.Сайдова – Бухоро мұхандислик – технология институти, “Машинасозлик технологияси” кафедраси катта ўқитувчisi.

Тақризчилар:

Х.М.Нуриддинов – Тошкент ирригация мелиорация институти, Бухоро филиали, “Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизатсиялаш” кафедраси дотсенти, техника фанлари номзоди.

З.Р.Насуллаев - “УЗБЕК НЕФТЕГАЗ” МХК, “УЗНЕФТГАЗМАШ” АҚ, “Бухоро таъмирлаш механика заводи” ОАЖ бошқаруви раиси.

Ўқув – услугбий мажмуа “Мұхандислик – қурилиш” факултетининг “Машинасозлик технологияси” кафедраси мажлисида (2017 йил “25.08.” “1” -сон баённома) мұхокама этилди ва факултетнинг ўқув –услубий кенгашига тавсия этилди.

Кафедра мудири: _____ доц. Н.Ф.Ўринов

Котиб: _____

Фаннинг ишчи ўқув дастури “Машинасозлик технологияси” кафедрасининг 2017 йил 25- августдаги “_1_” - сон йиғилишида мұхокамадан ўтган ва факултет кенгашида мұхокама қилиш учун тавсия этилган.

Кафедра мудири: _____ дотс. Н.Ф. Ўринов

Фаннинг ишчи ўқув дастури “Мұхандислик – қурилиш” факултети кенгашида мұхокама этилган ва фойдаланишга тавсия қилинган. (2017 йил 29- августдаги _1_- сонли баённома).

Факултет кенгаши раиси: _____ дотс. Ш.М. Мурадов

Ўқув услугбий бошқарма бошлиги _____ дотс. Ш.М.Ходжиев

МУНДАРИЖА

Кириш.....

- 1. Фан бўйича ишчи дастур.....**
 - 2. Фан бўйича назарий маълумотлар материаллари.....**
 - 3. Презентация(СД дискда илова қилинган).....**
 - 4. Тарқатма материаллар, мустакил таълим бўйича материаллар...**
 - 5. Амалий машғулотларнинг материаллари.....**
- Глоссарий.....**

КИРИШ.

Хар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми ва ҳаётий зарурияти бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Бугунги кунда мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомоллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш, унга илғор педагогис ва ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда таълим самарадорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар таёrlаш миллий дастури” нинг қабул қилиниши билан узлуксиз таълим тизими орқали замонавий кадрлар таёrlашнинг асоси яратилди.

Таълимнинг барча босқичларига оид умумий педагогик ва дидактик талаб талабанинг дастурий билим, тасаввур ва қўникмалари асосида мустақил ишлаш самарадорлигини такомиллаштириш, илмий фикрлашга, ўқув фанига қизиқишини қучайтириш, касбий билимларини чуқурлаштириш, назарий ва амалий машғулот мобайнида уларнинг фаоллигини оширишдан иборатdir. Жаҳон педагогик тажрибаси, замонавий педагогик технологияларнинг талабаларни фанларга қизиқтиришга, уларнинг мустақил ишлашда фаолликларини оширишга имконияти чексиз эканлигини тасдиқламоқда.

Таълимнинг бугунги вазифаси ўқувчиларни кун сайин ошиб бораётган ахборот- таълим муҳити шароитида мустақил равишдафаолият кўrsatiшга, ахборот оқимида оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборатdir. Бунинг учун уларга узлуксиз равишда мустақил ишлаш имконияти ва шароитини яратиб бериш зарур.

Таълимнинг самарадорлигини ошириш, шахснинг таълим марказида бўлишини ва ёшларнинг мустақил билим олишларини таъминлаш учун таълим муассасаларига яхши таёргарлик кўрган ва ўз соҳасидаги билимларни мустаҳкам эгаллашдан ташқари замонавий педагогик технологияларни ва интерфаол усулларни биладиган, улардан ўқув ва тарбиявий машғулотларни ташкил этишда фойдаланиш қоидаларини биладиган ўқитувчилар керак.

Таълим тамойиллари ўқув юртлари олдида турган улкан вазифалар асосида белгиланади. Улар таълим олдида турган асосий мақсадларни ҳал этишга ўз хиссасини қўшади.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” га мувофиқ республикамиизда жаҳон андозаларига мос бўлган кўп босқичли таълим йўналишлари жорий қилинди. Таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳатларнинг асосини янги тизимда ташкил қилинган ўқув дастури ишлаб чиқилди ва дастурлар таркибига замонавий техника ва технологияни акс эттирувчи янги фанлар киритилди, мавжудлари такомиллаштирилди.

Ушбу ўқув услубий мажмуада “Инновацион технологилар” усули асосида назарий ва амалий дарс машғулотларини ўтказишда фойдаланиши мумкин бўлган замонавий педагогик технологиялар ҳамда интерфаол дарсларда ижодий равишда фойдаланиш мумкин бўлган тақдимот материаллари келтирилган.

№	МАЪРУЗА машғулоти мавзулари	МАЪРУЗА машғулоти соати	Муста-қил таълим соати
1.	Кириш. Фаннинг мақсад ва вазифалари. Фаннинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги. Фан ривожининг тарихи. Умумий тушунчалар.	2	2
2.	Ўзбекистон республикасининг конститутсияси, “таълим тўғрисида”ги, “кадрлар тайёрлаш миллый дастури тўғрисида”ги қонун	2	4
3.	Олий таълимнинг тузилиши ва олийгоҳ ҳақида тушунча. Бакалавр иш фаолияти.	2	4
4.	Талабанинг ҳуқуқ ва вазифалари. Институт устави. Институт ички тартиб қоидалари. Ўқувтарбиявий ва илмий – методик ишларнинг субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.	2	4
5.	Библиография. Босма асарлар. Библиографиянинг тарихи. Китобнинг жамиятдаги урни.	2	4
6.	Ўқув жараёнини илмий асосда ташкил этиш. Намунавий ва ишчи ўқув режа. Намунавий ва ишчи фан дастурлари.	2	2
7.	Метрология, стандартлаш ва сертификатлаш. Катталиклар, бирликлар, халкаро бирликлар тизими.	2	4
8.	Соҳа тараққиётининг тарихий маълумотлари. замонавий ишлаб чиқариш корхоналари. Умуммасинасозлик буюмлари ишлаб чиқариш.	2	4
9.	Масинасозлик буюмлари технологиялари ва жихозлари. Намунавий технологик ва ностандарт технологик жихозлар элементлари, мослама ва ўлчаш асбоблари ва деталларини лойихалаш.	2	4
ЖАМИ:		18	36
Ҳаммаси:		54 соат	

№	Амалий машғулотлари мавзулари	Амалий машғулотлари соати	Мустақил таълим соати
1.	Таълим тўғрисидаги қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастури билан ишлаш, унинг моддаларини ўрганиш.	2	2
2.	Олий таълим ва унинг тузилмасини ўрганиш	2	2
3.	Соҳа давлат таълим стандартини ва малака талабларини ўрганиш.	2	2
4.	Институт устави ва ички тартиб қоидаларини ўрганиш	2	2
5.	Библиография устида ишлашни ўрганиш.	2	2
6.	Намунавий ва ишчи ўқув режалар тузишни ўрганиш.	2	2
7.	Намунавий ва ишчи фан дастурлари билан ишлашни ўрганиш.	2	2
8.	Ўзбек тилида иш юритиш услуби ва хужжат турлари билан танишиш.	2	2
9.	Метрологик асосий аталамалар ва тушунчаларни ўрганиш.	2	2
Жами:		18 соат	18 соат

т/р	Назорат турлари ва топшириқларнинг номланиши	Назорат турлари бўйича максимал балл	Ўтказиш вақти
	I. Жорий назорат учун баллар тақсимоти	40 балл	Семестр давомида
МАЪРУЗА машғулотларида			
1.	Талабанинг МАЪРУЗА машғулотларида фаол иштирок этиши, мунтазам равишда конспект юритиб бораётганлиги учун	8	
Амалий машғулотларида			
2.	Талабанинг машғулотларда фаол иштирок этганлиги, берилган саволларга тўғри жавоб қайтарганлиги, амалий топшириқларни (ўқув элементлари бўйича) бажарганлиги учун	22	Муддати Семестр давомида
II. Оралиқ назорат		30 балл	Муддати


1.	МАЪРУЗА асосида тузилган модул топшириқлари бўйича	22	Семестрнинг 7-ҳафтаси
2.	Мустақил таълим учун тузилган модул топшириқлари бўйича	8	Семестрнинг 14-ҳафтаси
	III. Яқуний назорат	30 балл	Муддати
1.	Умумий ўқув курси бўйича тузилган топшириқлар асосида ўтказилади	0-30	Семестрнинг охирги ҳафтаси
	ЖАМИ:	100 балл	

Талабалар билимини баҳолаш тизими:

т/р	Назорат туридаги топшириқларнинг номланиши	Максимал балл	ЖН ва ОН баллар тақсимоти
	1. Жорий назоратдаги баллар тақсимоти	40 б	20 20
	МАЪРУЗА ва амалий машғулотларда	Максимал балл	1-ЖН 2-ЖН
1	Талабанинг маъруза ва амалий машғулотлардаги фаоллиги ва ўзластириш даражаси, дафтарларнинг юритилиши ва ҳолати	14	0-12 0-12
2	Мустақил таълим топшириқларининг ўз вақтида сифатли бажарилиши (кейс-стадилар, эссе, реферат, тақдимот ва бошқа турдаги мустақил таълим топшириқлари)	16	0-8 0-8
	2. Оралиқ назорат	30 б	Муддати
1	Оралиқ назорат ёзма шаклида ўтказилади (ёзма иш ўқитувчи томонидан қабул қилинади). Савол варианtlари оралиқ назораттагача ўтилга мавзулар юзасидан тузилган ҳисобланади.	30	Семестр давомида 18-ҳафтада
	3. Яқуний назорат	30 б	Муддати
1	Яқуний назорат тест шаклида ўтказилади(тест ўқитувчи томонидан қабул қилинади). Талабалар тестга мустақил иш топшириғидан кейин қабул қилинади., вариантдаги саволлар умумий ўқув курсининг барча мавзуларини қамраб олган бўлиши шарт. тест варианти 30 та савол-жавобдан иборат Тўгри ва аниқ кўрсатилган ҳар бир савол учун 1 балл қўйилади.	30	Семестернинг охирги ҳафтасида
	Жами:	100 б	

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА

МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



БУХОРО МУҲАНДИСЛИК - ТЕХНОЛОГИЯ

ИНСТИТУТИ

“МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ” КАФДРАСИ

“Мутахасисликка кириш” фанидан

Nazariy materiallar



Бухоро шаҳри

КИРИШ

Мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажагини таъминловчи маънавий етук, юксак маданиятли, ватанпарвар ҳамда жаҳон андазалари даражасидаги юқори малакали ходимларни тайёрлаш жамиятимизнинг, хусусан барча таълим-тарбия масканларининг долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда.

Миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш бўлгуси мутахассисларнинг онглилик даражаси ривожи билан уйғун олиб борилишини тақозо этади. Ходимларнинг онглилиги, лаёқати, салоҳияти хақида гап кетганда уларнинг иқтисодий қарашларини, иқтисодий тафаккурини ўстириш давр талабидан келиб чиқадиган долзарб масалага айланганлигига эътиборни қаратиш зарур. Шунинг учун бозор иқтисодиёти шароитида ёшларда бозор муносабатларига мос даражадаги иқтисодий тафаккур маданиятини шакллантириш шу куннинг муҳим муаммоларидан биридир. Бироқ одамларнинг онгини, ижтимоий руҳиятини, тафаккурини мустақилликнинг мазмуни ва талабларига мос, бозор эҳтиёжларига жавоб бера оладиган тарзда қайта ўзгартириш амалда осон кечмагани каби кишиларнинг ижтимоий фаолиятларида иқтисодий тафаккур маданиятини юксак даражага қўтариш ҳам ўзига хос мураккабликларга эгадир.

Мамлакатимизда мустақиллик йиллари қабул қилинган таълим ва тарбияга оид меъёрий ҳужжатлар Олий ва ўрта маҳсус тизимида талаба ёшларда иқтисодий тафаккурни шакллантиришда муҳим омиллардан ҳисобланади. Улар моҳијати ва мазмунининг асосан икки ёналиши ёшларга иқтисодий билим бериш ва тарбиявий ишларни иқтисодиёт масалалари билан қўшиб олиб бориш орқали амалга оширилади. Янги тизимнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Шунга амал қилинмаса орқага кетиш бўлиши табиий, албатта. Шу мезондан келиб чиқадиган бўлсак, таълим тизими ўзгартирилгач, барча соҳада ютуқларга эришилади.

Ёшларга чуқур ва пухта билим бериш ҳамда уларнинг билимини назорат этиш, шу ёъл билан ҳар томонлама этук мутахассисларни тайёрлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги 1999 йил 8 июнда 124-рақамли Низомни тасдиқлаган эди. Ушбу Низомга кўра талабалар билимини яқуний баҳолаш ёзма равишда олиб борилиши қўрсатилган ва шу муносабат билан ҳар бир фан ўқитувчиси ўз фанига тегишли бўлган "таянч" ибораларини маъруза матнини тузиши топширилган.

Мазкур маърузалар матни юқорида айтиб ўтилган талаблар асосида ёзилган бўлиб, машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш мутахассисликлари учун услубий қўрсатма сифатида ёзилди, у бўлгуси бакалаврларни тайёргарлигини таъминлаш масаласини ҳал этишни кўзда тутади.

1-МАРГУЗА

МАВЗУ: КИРИШ. “МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ” ФАНИНИНГ МАЗМУНИ, ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДИ

РЕЖА:

1. Кириш. Фаннинг мазмуни.
2. Фаннинг предмети ва объекти.
3. Фаннинг методи ва унинг элементлари.
4. Фаннинг “Машинасозлик технологияси” бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасида тутган ўрни ва бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби.-Т.: Ўзбекистон, 1997.-222 б.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. -Т.: Шарқ, 2000. – 245 б.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод–Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: Шарқ, 1999.-64 б.

Менинг энг катта ишончим ёш авлоддир. Замонавий билимга эга, одобли, илмли, кўрсанг ҳавасинг келадиган, баркамол ва шижаотли фарзандларимиздир. Мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз тақдирини ҳам ана шуларнинг қиёфасида кўраман – деб мамлакатимизнинг биринчи президенти И.Каримов таъкидлаганлар.

Республикамизнинг биринчи Президенти Ислом Каримов Ватанимизни юксак даражада ривожланган, тсивилизатсиялашган мамлакатга айлантиришга асос бўладиган беш асосий тамойилни ишлаб чиқди:

1. Иқтисоднинг сиёsatдан устунлиги.
2. Давлат бош ислоҳотчи.
3. Қонун устуворлиги.
4. Кучли ижтимоий сиёsat
5. Ислоҳотларнинг босқичма-босқичлиги.

Бу тамойиллар тараққиётнинг ўзбек модели бўлиб, унинг асосида мамлакатимизда ислоҳотлар амалга оширилиб борилди. Улар халқимиз томонидан тўла қувватланди, янги жамият қуриш сари ташланган биринчи қадамлар йўлида энг тўғри йўл эканлигини кўрсатди. Аммо ҳаёт тўхтаб қолмайди, шароит ўзгаради, вазият бошқача бўлади, мавжуд қадриятлар ўрнига бошқаси келади. Бундай ҳол факат республикамизда эмас, балки бутун дунё миқёсида содир бўлмоқда.

Хозирги куннинг энг муҳим вазифаси мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида юз берадиган ислоҳотларни янги поғонага кўтаришдан иборатдир. Бунда ворисликни ва узвий кетма-кетликни сақлаб қолиш катта аҳамиятга эга. Шу муносабат билан мамлакатимиз биринчи Президентининг 2002 йил августда Ўзбекистон Республикаси олий Мажлисида демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва Ўзбекистонда фуқоралик жамияти **асосларини шакллантиришнинг қўйидаги етти устувор йўналишлари тўғрисидаги кўрсатмалари муҳим аҳамият касб** этди:

1. Мустакиллиқни бундан буён ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш.
2. Мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг худудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш.
3. Бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш.
4. Инсон ҳукуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қофозда эмас, амалий ҳаётда жорий қилиш.
5. Жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кўтариш, “Кучли давлатдан кучли жамият сари” деган тамойилни ҳаётга жорий этиш.
6. Суд-хукуқ соҳасини ислоҳ қилишни давом эттириш, суд-хукуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирchan фаолиятини сўзда эмас, амалда таъминлаш.
7. Барча ислоҳотларимизнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезони эканлигини назарда тутиш. Бу устувор йўналишнинг марказида маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўлмас қадриятларининг туриши.

Мамлакатимиз биринчи Президенти “Ўзбекистон келажаги буюк давлат” деганларида Сиздек юксак дидли, ўкув-укувли, қобилиятди, салоҳиятли, фозил фарзандларимизни назарда тутганликларини унутманг. **“Елим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак” лигини дилингизга жо этинг**, Сизлардан аждодлар руҳи шод бўлсин, ота-боболарингиз, халқингиз, миллатингиз ва келажак авлод мамнун бўлсин. Баркамол, чинакам инсоний фазилатларга эга бўлган инсон бўлиб улғайинг. Бунинг учун:

Мустақил Ватан тақдирини ўз тақдирингиз билан чамбарчас боғланг, бутун фаолиятингизни она диёрга ва унинг буюк келажагига бахшида этинг.

Ватанимиз мустақиллиги, Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси асосида барпо этилган давлат тузумини, демократия ва қонунчиликни, халқ томонидан сайланган мамлакат Президентининг обрў-еътиборини сақланг ва мустаҳкамланг.

Демократия неъматларининг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячиси бўлиб етишинг.

Халқимиз тарихини пухта ўрганинг. Боболаримиз – Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, ат – Термизий, Абу НАср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурдек аждодларимиз қолдирган меросга амал қилинг, уларнинг номлари билан фахрланинг.

Аждодлар, ота-боболар эътиқод қилган динимиз маънавий қадриятларини ҳармат қилинг. Одамлар руҳиятини, уларнинг қувонч ва ташвишлари, мақсад ва интилишларини англашга, ахил, покиза, меҳр-мурувватли, оқибатли, номусли, ориятди бўлишга,adolat ва инсоф билан яшашга интилинг.

Сиз муқаддас динимиздан ғаразли сиёсий мақсадларда фойдалнишга интилувчи шахслар ва кучларга қарши аёвсиз кураш олиб боринг.

Фуқаролик жамиятининг энг муҳим таркибий қисмлари бўлган маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат келгуси фаолиятингизни асосини ташкил этсин.

Ёшлик – доноликни ўрганадиган давр. Ҳозирги замон билимларини чуқур эгалланг. Соҳибқиқрон Амир Темурнинг “**Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни**” деган ўйтита амал қилинг.

Умрни бугун-ерта деб орқага сурманг. Вақтдан оқилона фойдаланинг. Ўз устингизда тинмай ишланг. Билингки, халқингиз, ота-онангиз Сиздан етук инсон, жамиятнинг фаол фуқароси бўлиб етишиб чиқишингизни кутмоқда.

Тил бойлиги тафаккур бойлигидир. Давлат тилини мукаммал эгалланг, уни ҳурмат қилинг. Хорижий тилларни ўрганинг ва пухта билинг.

Кексалар, ўқитувчилар, устозлар, мураббийларни эъзозланг ва улуғланг. Уларнинг ўйтларига доимо амал қилинг.

Оила жамиятнинг дуру гавҳари, унинг фаровонлиги, миллат кўзгуси эканлигини дилга жо этинг. Ота-оналар олдидағи фарзандлик бурчингизни тўла адо этинг.

Аввало, гўзал ахлоқни, кейин донишмандликни ўрганинг. Одамга ярашадиган, унинг ҳуснига –ҳусн қўшадиган либос бу одоб-ахлоқ либоси эканлигини доимо ёдда тутинг.

Оқил ва донолар билан сұхбатдош бўлинг, илмингиз ҳар қанча қўп бўлса ҳам, уни янада бойитишга интилинг.

Билингки, қўп нарсани билиб кам сўзлаган, ўз билимига мағрур бўлиб, билимдонлик қилмаган одам энг ақлли ва ҳурматга сазовор одам ҳисобланади.

Ёшлик чоғингизда унга хос бўлган жасорат, келажакка ишонч, бунёдкорлик, билимга чанқоқлик, соғдиллик, самимиятлик каби олижаноб хислатларни ўзингизда мужассамлантиринг, токи улар камолотга интилган йўлингизда Сизга ҳамроҳ бўлсин.

Мамлакатимиз биринчи Президентимиз Ислом Каримов Сизларга шу муқаддас заминни сақлаш зарурлиги тўғрисида қалб сўзлари билан мурожаат этади: “**Ей болам, сенинг Ватанинг битта – барчамизга азиз, бетакрор мана шу Ўзбекистон. Ота-боболарингни хоки шу ерда ётибди. Шу муқаддас замин сени дунёга келтирган, сен уни обод этишинг, ҳимоя қилишинг шарт**” деб таъкидлаганлар.

Фанни ўрганишдан мақсад - мутахассислик ҳақида тушунча олиш, мутахассисликка оид атама ва иборалар билан танишиш, ишлаб чиқариш корхоналарига саёҳат уюштириб яқиндан танишиш, кутубхоналардан фойдаланишни ургатиш, давлат тилида иш юритиш хужжатларини ургатишдан иборат.

Фаннинг вазифаси – таълим муассасаси, мутахассислик кафедраси, библиография коидалари, “Ўзбекчармпоязали” ишлаб чиқариш соҳасида ҳозирги даврда олиб борилаётган илмий изланиш йўналишлари, етакчи

мамлакатларда олиб борилаётган ишлар, республикамизда фаолият кўрсатиб турган саноат корхоналари ҳақида билимга эга бўлиш, давлат тилида иш юритиш хужжатларини қўллашни ўргатиш.

“Мутахассисликка кириш” фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:

- олий таълим муассасалари ва кафедралари;
- соҳа тараккиёти ва ривожланиш боскичлари;
- библиографиянинг профессионал хизматлари;
- бакалаврларга қўйиладиган малакавий ва ахлоқий талаблар;
- иш хужжатларини юритиш **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- олий таълим муассасаси ва кафедраларини;
- китоб устида ишлаш усулларини;
- талабанинг хукуки ва вазифаларини;
- ташкилотларнинг ишчи хужжатларини;
- метрология асосларини қўллашни **билиши ва фойдалана олиши;**
- ўкув жараёнини илмий асосда ташкил этиш;
- китоб устида ишлаш;
- конспект ва тезисларни тайёрлаш;
- корхона ва ташкилотларда узбек тилида иш юритиш;
- иш юритища керакли хужжатлар;
- хизмат хатларини қўллаш кўникмаларига эга бўлиши керак;
- кутубхоналардан фойдаланиш;
- техник улчашлар.
- улчаш воситалари.
- ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш;
- китоб устида ишлаш.
- конспект ва тезисларни тайёрлаш **малакаларига эга бўлиши керак.**

“Мутахассисликка кириш” - умумкасбий фани ҳисобланади. Мазкур дастурни амалга ошириш учун талаба ўқув режасида режалаштирилган “Чарм ва мўйна буюмлари материалшунослиги ва товаршунослик”, “Полимерлар физикаси ва кимёси” “Тармоқ кимёси ва технологияси”, “Чарм ва мўйна буюмлари конструкциялаш”, “Чарм ва мўйна буюмлари технологияси” фанларидан билим ва кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади.

“Мутахассисликка кириш” фани – асосий фан хисобланиб, шу соҳадаги мутахассисларни тайёрлашда конструкторлик, технологик ва ишлаб чиқаришда зарур бўладиган билим ва кўникмаларни шакллантиришда асос бўлиб хизмат қиласди. “Мутахассисликка кириш” фанини тўлиқ ўзлаштирган талаба технологиялар ва жихозлар йўналиши бўйича етук мутахассис сифатида фаолият кўрсатади, ўз билимини шу йўналишда тинимсиз ошириш имкониятига эга бўлади.

Талаба “Мутахассисликка кириш” фанини ўзлаштиришда таълимнинг инноватсион усулларидан фойдаланиши, янги педагогик, ахборот ва интернет технологияларини тадбиқ қилиши мухим аҳамият касб этади. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, МАЪРУЗА матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, вертунал стендлар, илғор педагогик технологиялардан, компьютер дастурларидан ва интернет тизимларидан фойдаланилади.

Таянч иборалар:

Олий таълим, муассаса, кафедра, соха тараккиёти, бакалавр, талаб, - талабанинг хукуки ва вазифаларини, метрология, ўкув жараёни.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

- 1. Фанни ўрганишдан мақсад**
- 2. Фаннинг вазифаси**

2-МАЪРУЗА

МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ КОНСТИТУТСИЯСИ, “ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА”ГИ, “КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН

РЕЖА:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конститутсияси.
2. Таълим тўғрисидаги қонун. Қонуннинг мақсади, қонун ҳужжатлари, таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари.
3. Билим олиш хукуки.
4. Давлат таълим стандарти.
5. Таълим тизими ва турлари. Таълим жараёнида қатнашувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш. Таълим тизимини бошқариш.
6. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Миллий дастурнинг мақсади ва вазифалари.
7. Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели. Кадрлар тайёрлаш тизимининг асосий йўналишлари

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси. Т.:2014.
2. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Т.: 1997
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т.:1997
4. Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишининг меъёрий-хукуқий асослари. Т.:2015
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидаларни тасдиқлаш тўғрисидаги №343 сонли қарори.

Ўзбекистон Республикасининг Конститутсияси ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган.

2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Конститутсиянинг ХВИИИ, XIX, XX, XXIIИИ бобларига тузатиш ва қўшимчалар киритилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелдаги Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Конститутсиясининг 89-моддасига, 93-моддасининг

15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилган, 2008 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-194 билан 77-моддага ўзгартиш киритилаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, №1, 4- модда; 1994 й., №1, 5-модда; 2005 й., № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, №3-4, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, №4, 162-модда; 2008 йил, №12, 637- моддага тузатишлар киритилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конститутсияси **муқаддима, олти бўлим, йигирма олти боб ва 128 моддадан** иборат. Шунга кўра Конститутсиянинг қўйида моддалари:

41- модда. Ҳар ким билим олиш хуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

42- модда. Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш хуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қиласди.

Ўзбекистон Республикасининг Конститутсияси муқаддимаси қўйидагиларни ўз ичига олади:

Ўзбекистон халқи:

инсон хукукларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидағи юксак масъулиятини англаған ҳолда, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб, халқаро хуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда, республика фуқароларининг муносаб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик хуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида, ўзининг муҳтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конститутсиясини қабул қиласди.

"**Таълим тўғрисида**"ги қонун 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX-сессиясида қабул қилинган. Ушбу Қонун фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-хунар ўргатишнинг хуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конститутсиявий хуқуқини таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги қонун **В боб, 34 моддадан** ташкил топган.

Қонуннинг мақсади: қонун фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-хунар ўргатишнинг хуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конститутсиявий хуқуқини таъминлашга қаратилган.

Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари: ушбу Қонундан ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида таълим соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари: Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилинади.

Таълим соҳаидаги давлат сиёсатининг асосий принципларини қўйидагилардан иборат:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда экандиги;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- умумий ўрта, шунингдек ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги;
- ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг йўналишини: академик литсейда ёки касб-хунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;
- таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
- билимни бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;
- таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

Билим олиш ҳуқуқи: Жинси, тили, ёши, ирқий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи Ўзбекистон Республикаси худудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар, ҳар кимга билим олишда teng ҳуқуқлар кафолатланади.

Бошқа давлатларнинг фуқаролари Ўзбекистон Республикасида халқаро шартномаларга мувофиқ билим олиш ҳуқуқига эга.

Республикада истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар билим олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан teng ҳуқуқларга эга.

Давлат таълим стандартлари. Давлат таълим стандартлари умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Давлат таълим стандартларини бажариш Ўзбекистон Республикасининг барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

Таълим тизими:

Ўзбекистон Республикасининг **таълим тизими** қўйидагиларни ўз ичига олади:

давлат стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;

таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар;

таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксиздир.

Таълим турлари:

Ўзбекистон Республикасида таълим қўйидаги турларда амалга оширилади:

мактабгача таълим;
умумий ўрта таълим;
ўрта маҳсус, касб-хунар таълими;
олий таълим;
олий ўкув юртидан кейинги таълим;
кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
мактабдан ташқари таълим.

Таълим олувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш.

Таълим муассасасида таълим олувчилар қонун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга мувофиқ имтиёзлар, стипендия ва ётоқхонада жой билан таъминланади.

Таълим муассасалари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиши. Таълим муассасалари ходимларига иш вақтининг қисқартирилган муддат белгиланади, ҳақи тўланадиган йиллик узайтирилган таътиллар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар берилади.

Таълим муассасалари иш ҳақига мўлжалланган мавжуд маблағлар доирасида мустақил равишда ставкалар, мансаб окладларига табақалаштирилган устама белгилашга ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришнинг турли шаклларини қўллашга ҳақли.

Етим болаларни ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиши. Етим болаларни ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиши ва уларни боқиши давлатнинг тўла таъминоти асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиши. Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган, шунингдек узоқ вақт даволанишга муҳтоҷ бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиши, уларни тарбиялаш ҳамда даволаш учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари ташкил этилади. Болалар ва ўсмирларни ушбу таълим муассасаларига юбориш ва улардан чиқариш ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг розилиги билан психолого-тиббий-педагогик комиссиянинг хуносасига биноан амалга оширилади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ўкувчилари қисман ёки тўла давлат таъминотида бўлади.

Ижтимоий ёрдамга ва тикланишига муҳтож бўлган шахслар учун ўқувтарбия муассасалари. Алоҳида шароитларда тарбияланиш ва ўқишига муҳтоҷ бўлган болалар ва ўспириналар учун уларнинг билим олиши, касб тайёргарлиги ва ижтимоий тикланишини таъминлайдиган ихтисослаштирилган ўкув-тарбия муассасалари ташкил этилади.

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ муассасаларида сақланаётган шахсларнинг таълим олиши ва мустақил билим олиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шароитлар яратилади.

Таълим соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг таълим соҳасидаги ваколатларига қўйидагилар киради:

- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;
- таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларига раҳбарлик қилиш;
- таълимни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилаш;
- таълим муассасаларини аккредитатсиядан, педагог, илмий кадрларни аттестатсиядан ўтказиш тартибини белгилаш;
- бошка давлатларнинг таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар бериш;
- қонун хужжатларига мувофиқ хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги хужжатларини тан олиш ва хужжатларнинг эквивалент эканлигини қайд этиш тартибини белгилаш;
- давлат таълим стандартларини тасдиқлаш;
- давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги хужжатларни тасдиқлаш ва уларни бериш тартибини белгилаш;
- давлат грантлари миқдори ва таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини белгилаш;
- давлат олий таълим муассасасининг ректорларини тайинлаш;
- таълим оловчиларни аккредитатсия қилинган бир таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартибини белгилаш;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

Таълимни бошқариш бўйича маҳсус ваколат берилган давлат органларининг ҳуқуқ доираси. Таълимни бошқариш бўйича маҳсус ваколат берилган давлат органларининг ҳуқуқ доирасига қуйидагилар киради:

- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини рӯёбга чиқариш;
- таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услуб масалаларида уларга раҳбарлик қилиш;
- давлат таълим стандартлари, мутахассисларнинг билим савияси ва касб тайёргарлигига бўлган талаблар бажарилишини таъминлаш;
- ўқитишининг илгор шакллари ва янги педагогик технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш;
- ўқув ва ўқув-услибият адабиётларини нашр этишни ташкил қилиш;
- таълим оловчиларнинг якуний давлат аттестатсияси ва давлат таълим муассасаларида экстернат тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;
- давлат олий таълим муассасасининг ректорини тайинлаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;
- педагог ходимларни тайёрлашни, уларнинг малакасини оширишни ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

Таълим муассасасини бошқариши. Таълим муассасасини унинг раҳбари бошқаради. Таълим муассасаларида қонун хужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатадиган жамоат бошқаруви органлари ташкил этилиши мумкин.

Таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари билан нодавлат таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар. Таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари нодавлат таълим муассасаларида таълим тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилишини назорат қилади.

Нодавлат таълим муассасалари таълим тўғрисидаги қонун хужжатларини бузган тақдирда, аккредитатсия қилган органлар уларнинг фаолиятини қонун хужжатларига мувофиқ тўхтатиб қўйишга ҳақли.

Нодавлат таълим муассасаларига қабул давлат ўқув юртлари учун белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида 1997 йил 29 августда қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури **умумий қоидалар, В боб, 25- бўлимдан ташкил топган.**

Мазкур дастурнинг **мақсади** таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла ҳалос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир.

Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш қўйидаги **вазифалар** ҳал этилишини назарда тутади:

- «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат мухитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-илмий ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш;
- таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик ҳукуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаш;
- кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтариш;
- кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиқсан ҳолда қайта қуриш;
- таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестатсиядан ўтказиш ва аккредитатсия қилиш сифатига баҳо беришнинг холис тизимини жорий қилиш;
- янги ижтимоий- иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар таерлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишининг

кафолатларини, устуворлигини таъминловчи норматив, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш;

- таълим, фан ва ишлаб чиқариш самарали интегратсиялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек нодавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқиш;
- узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимиға бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан чет эл инвеститсиялари жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш на амалиётга жорий этиш;
- кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари босқичма-босқич рўёбга чиқарилади.

Биринчи босқич (1997-2001 йиллар) – мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий – услубий, молиявий – моддий шарт – шароитлар яратиш.

Иккинчи босқич (2001-2005 йиллар) – Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий – иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш.

Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар) – тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари қўйидагилардан иборат:

шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва обьекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

давлат ва жамият - таълим ва кадарлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;

узлуксиз таълим – малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш мухитини ўз ичига олади;

фан – юқори малакали мутахассилар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи;

ишлаб чиқариш – кадрлар бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Давлат ва жамият узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими барча учун очиқ бўлишини ва ҳаёт ўзгаришларига мосланувчанлигини таъминлайди.

Кадрлар тайёрлаши тизими ривожлантиришининг асосий йўналишилари:

Кадрлар тайёрлаш тизимни шакллантириш ва ривожлантириш қўйдаги устувор йўналишларни қамраб олади:

Таълимнинг узлуксизлигини таъминлаши

Таълимнинг ўз ичига мактабгача таълим, умумий ўрта ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълимини қамраб оловчи янги узлуксиз ва изчил тизими барпо этилади. Олий қасб-хунар таълимнинг бакалаврлар ва магистрлар тайёрлашни назарда тутувчи икки босқичли тизими жорий этилади. Аспирантура ва докторантурда фаолияти ривожланиб боради. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича рақобатбардош таълим муассасалари вужудга келтирилади.

Педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаши, қайта тайёрлаши ва уларнинг малакасини ошириши

Педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг замон талабларига мослашувчан, таълимнинг юқори сифатли ва барқарор ривожланишини кўзловчи тизими вужудга келтирилади. Педагог кадрларни илдам қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, рақобатбардош даражада уларнинг қасб сифатини қўллаб-қувватлаш таъминланади.

Олий таълим муассасаларида давлат таълим стандартларига мос юқори малакали ўқитувчилар тайёрлаш бўйича маҳсус факултетлар, шунингдек республика вилоятларида умумий ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими учун ўқитувчилар ва мутахассислар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш юзасидан маҳсус марказлар ташкил этилади.

Таълим жараёнини мазмунан ислоҳ қилиши

Кадрларни ўқитиши ва тарбиялаш миллий тикланиш принциплари ва мустақиллик ютуқлари, ҳалқнинг бой миллий, маънавий ва интеллектуал салоҳияти ҳамда умумбашарий қадриятларга таянган, инсонпарварликка йўналтирилган таълимнинг мазмунни давлат таълим стандартлари асосида ислоҳ қилинади. Таълим оловчининг шахсиға, унда таълим ва билимларга бўлган иштиёқни кучайтиришга, мустақил иш тутишни, ифтихор ва инсоний қадр-қиммат туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор берилади.

Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар

Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлиги таъминланади. Умумий ҳамда педагогик маданиятни ошириш мақсадида, мамлакат, аҳолиси орасидаги маърифий ишлар такомиллаштириб борилади.

Иқтидорли болалар ва исътедодли ёшлар

Иқтидорли болалар ва исътедодли ёшларни аниқлаш ва ўқитиши услугияти, психологик-педагогик ва ташкилий шароитлари яратилади, бундай болалар ва ёшларга оид маълумотларнинг республика банки ва мониторинги шаклланади. Маҳсус ўкув дастурлари ва прогрессив педагогик технологиялар илаб чиқиши учун энг яхши педагог ва олимлар жалб қилинади, ўқув-тарбия жараённида уларнинг фаол иштироки таъминланади. Фан ва техникани,

сиёсат ва иқтисодиётни, маданият ва съяннатни ўргатиш марказлари қабилидаги ҳамда миллий (елита) таълим муассасалари ташкил этилади.

Таълим тизимини бошқариши

Узлуксиз таълим тизимини ва кадрлар тайёрлашнинг давлат ва нодавлат таълим муассасаларини таркибий жиҳатдан ўзгартериш ва уларни изчил ривожлантириш давлат йўли билан бошқариб борилади. Барча даражадаги таълим бошқарув органларининг ваколат доиралари «Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ белгиланади. Таълимнинг норматив-хуқуқ базаси ривожлантирилади. Молия- хўжалик фаолияти олиб бориш ҳамда таълим жараёнини ташкил этишда ўкув юртларининг ҳуқуқлари кенгайяди ва мустақиллиги таъминланади. Таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аттестатсиядан ўтказилади ҳамда аккредитатсияланади. Аккредитатсия якунларига кўра таълим соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи берилади.

Таълим ва кадрлар тайёрлаши соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорлик

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг ҳалқаро-хуқуқий базаси яратилади, ҳалқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари рўёбга чиқарилади, ҳалқаро таълим тизимлари ривожлантирилади, илмий-педагог кадрлар, талабалар ва ўқувчилар алмашиш кенгайяди. Таълим тўғрисидаги миллий ҳужжатлар ҳалқаро миқиёсда эътироф этилиши учун асос яратилади. Манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг, Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги элчиҳоналарининг кадрлар тайёрлаш соҳасига чет эл инвеститсияларини бевосита ва билвосита кенг жалб қилиш борасидаги фаолияти кучайтирилади.

Таянч иборалар:

Ўзбекистон Республикасининг Конститутсияси, "Таълим тўғрисида"ги қонун, Билим олиш ҳуқуқи, Давлат таълим стандартлари, таълим тизим, таълим турлари, ижтимоий ҳимоя, таълим муассасасини бошқариш, Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Кадрлар тайёрлаш миллий модели, давлат ва жамият, шахс, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш, таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш

Назорат саволлари:

- 1. Таълим ва кадрлар тайёрлаши соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорлик ?**
- 2. Таълим тизимини бошқариши?**

З-МАЪРУЗА МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ТУЗИЛИШИ. ОЛИЙГОҲ ҲАҚИДА ТУШУНЧА.

РЕЖА:

1. Олий таълим. Олий таълимнинг тузилиши.
2. Институт, факултет ва кафедра ҳақида тушунча.
3. Бакалавр. Магистр.
4. Олий таълим таснифлагичи.
5. Соҳа давлат таълим стандарти.
6. Билим ва таълим соҳалари.
7. Олий таълимнинг малака талаблари.

8. Йўналиш. Мутухассислик.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси. Т.:2014.
2. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Т.: 1997
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т.:1997
4. Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишининг меъёрий-хуқукий асослари. Т.:2015
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидаларни тасдиқлаш тўғрисидаги №343 сонли қарори.

Олий таълим ўзи танлаган фаолият соҳасида чукур умумилмий ва маҳсус билимни зарур касбкор кўникмаси билан уйғунлаштирадиган юқори малакали мутахассислар, шунингдек илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш мақсадини кўзлади.

Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш умумий ўрта, ўрта хунар техника, ўрта маҳсус таълим асосида амалга оширилади. Олий ўқув юртларида таълим олиш учун саралаш ва ўқишга қабул қилиш қонунлар билан тартибга солинади.

Олий ўқув юртларидаги таълим икки босқичли асосда, Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати тасдиқлаган Низомга мувофиқ изчил тарзда бакалавр ва магистр даражаси бериш орқали амалга оширилади.

Олий ўқув юртларининг фаолияти ўз уставлари билан тартибга солинади. Олий ўқув юртлари қонунларда белгиланган тартибда вақти-вақти билан аттестатсия ва аккредитатсиядан ўтказиб турилади.

Бакалавриат – олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим беради, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлиб, ойлий маълумот ва таянч мутахассислик дипломини олиш билан тугайди.

Магистратура – аниқ мутахассислик бўйича бакалавриат негизида камида икки йил давом этадиган олий таълим бўлиб, ундаги таҳсил якуний квалификатсион давлат аттестатсияси ва магистрлик диссертатсиясини ҳимоя қилиш билан ниҳоясига етказилади.

Аспирантура – магистрлик негизида З йил давом этади ва номзодлик диссертатсиясини ҳимоя қилиш ҳамда танланган мутахассислик бўйича «фан номзоди» илмий даражасини олиш билан якунланади.

Доктарантура – фан номзоди илмий даражаси негизида З йил давом этади, «фан доктори» илмий даражасини олиш учун диссертатсия ҳимоя қилиш билан ниҳоясига етади.

Ректор - лотинча «ректор» сўзидан олинган бўлиб, олий таълим муассасасининг раҳбари деган маънони англатади. Ректор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади ва у, ўзи раҳбарлик қилаётган олий таълим муассасасида «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» асосида таълим соҳасидаги ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга маъсул. Шу билан бирга ректор олий таълим муассасаси фаолиятига таалуқли келажакка мўлжалланган ишларни режалаштиради ва уларни амалга оширишни таъминлайди, олий таълим муассасаси ваколати доирасида ходимлар ва

талабалар бажаришлари мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради, талабаларнинг ўқиш шароитларини яхшилашга ва уларни ўз вақтида стипендия билан таъминлаб туришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади. Ректор олий таълим муассасасига раҳбарлик қилишда ўз ҳузурида тузилган илмий кенгаш, ўринбосарлари – проректорлар, факултет деканлари ва кафедра мудирлари фаолиятларига таянади.

Илмий кенгаш – олий таълим муассасасининг ректори раҳбарлигига проректорлар, факултет деканлари, етакчи мудирлари, профессор-ўқитувчилар, аъло даражада ўқийдиган фаол талабалар таркибидан иборат жамоатчилик ташкилоти бўлиб, у таълим муассасасидаги ўқув, илмий-услубий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни уйғунлаштиришга қаратилган асосий масалаларни муҳокама этади ва улар бўйича қарорлар қабул қиласди. Талабалар илмий кенгаш мажлисига киритилган масалаларнинг муҳокамасида ундаги ўз вакиллари орқали иштирок этишлари мумкин.

Проректор – сўзи «про» - бирга ва «ректор» сўзларидан ташкил топган бўлиб, бирга бошқариш маъноасини билдиради. Олий таълим муассасаларида проректорлар, асосан, қўйидаги маслалар бўйича фаолият юритадилар: маънавият ва маърифат масалалари бўйича проректор; ўқув ишлари бўйича проректор; илмий ишлар ва ахборот технологиялари бўйича проректор; иқтисод ва тадбиркорлик ишлари бўйича проректор.

Факултет – лотинча «факултас» сўзидан олинган бўлиб, олий таълим муассасасининг ўқув-илмий ва маъмурий бўлинмаси маъноасини билдиради. Факултетни декан бошқаради. Факултетда унинг йўналишига қараб бир нечта кафедралар фаолият кўрсатишлари мумкин.

Декан – лотинча «десанус» - ўнбоши; Қадимий Рим қўшинида 10 та аскарнинг бошлиғи бўлган. Олий таълим муассасасида факултетнинг ўқув, илмий ва тарбиявий ишлари раҳбари. Факултет деканининг маънавият ва маърифат масалалари ҳамда ўқув ишлари бўйича ўринбосарлари бўлади. Деканнинг идораси деканат деб аталади. Деканат олий таълим муассасасининг талабалар билан ишлайдиган асосий бўлинмасидир.

Кафедра – юононча «катхедра» - стул, ўриндиқ деган маъноларни билдиради.

1) минбар, унга кўтарилиб маруза ўқиласди, нутқ сўзланади ва аудитория олдида чиқиш қилинади;

2) олий таълим дастуридаги ўзаро боғлиқ фанларни ўқитиши ва шу соҳа бўйича илмий ва илмий-услубий тадқиқотлар ўтказувчи бўлинма.

Кафедралар умумтаълим, умумкасбий ёки ихтисослик йўналишлари бўйича ташкил этилади. Кафедра олий таълим муассасасининг бошланғич ва асосий ўқув – илмий марказидир. Кафедрани унинг мудири бошқаради

Профессор – лотинча «профессор» - мураббий деган маънони англатади. У тегишли илмий унвонли, олий таълим муассасасида асосий назарий машғулотлар (лекциялар)ни олиб борувчи ҳамда илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилувчи юқори малакали ўқитувчи.

Дотсент - лотинча «досенс» сўзидан олинган бўлиб – ўқитаётган деган маънони англатади. Дотсент тегишли илмий унвонли, фанлар бўйича назарий ва амалий дарслар, илмий тадқиқотлар олиб борувчи етакчи ўқитувчи.

Катта ўқитувчи – кўп йиллик илмий-педагогик иш тажрибасига эга бўлган, одатда, илмий дарражаси бўлмаган ўқитувчи.

Ассистент (лотинча ассистент – катнашаётган, ёрдамлашаётган) – профессор ёки дотсент раҳбарлиги остида талабалар билан лабаратория ва амалий машғулотларни ўтказувчи ўқитувчи. У кафедранинг илмий-тадқиқот, илмий-услубий ишларида иштирок этади.

Куратор - лотинча «суратор» сўзидан олинган бўлиб, бирор иш, бирор шахс, бирор нарса устидан назорат олиб боориш топширилган ҳомий. Олий таълим муассасасида гурух мураббийси талабалар билан маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни олиб боради, яккама-якка сұхбатлар ўтказади, ҳаётий маслаҳатлар беради, зарур бўлган ҳолларда талабалар ота-оналари билан боғланади, ўз фаолияти тўғрисида деканатга мунтазам равишда ҳисобат бериб беради.

Ўқитиши муддати – талабалар томонидан ўқув режа ва дастур ўзгартирилиши учун белгиланган меёрий муддатдир. Бакалавриат учун бу камида 4 йил, магистратура учун камида 2 йил. Ўқув жараёни ўқув йиллари бўйича амалга оширилади.

Ўқув йили – 2 сентябрдан 30 июнгача бўлган олий таълим муассасасининг фаолият даври. Ўқув йили, одатда, икки ўқув семестрига бўлинади.

Ўқув семестри – олий таълим муассасасида ўқув йилининг ярмини ташкил этувчи, ўзаро боғлиқ фанларнинг маълум мажмуини ўзлаштиришга мўлжалланган ва улар бўйича якуний назорат билан тугалланадиган қисми.

Ўқув режаси – тегишли йўналиш ва мутахассисликлар бўйича ўқитиладиган ўқув фанлари ва курсларининг таркибини ҳамда уларнинг ўқув семестри бўйича ҳажмини соатларда белгилайдиган меёрий хужжат.

Дарс жадвали - олий таълим муассасасида ҳар ўқув семестри бўйича ўқув ҳафтасида (олти кунлик) муайян фандан машғулотларни ўтказиш кетма-кетлигини белгилайдиган хужжат. Дарс жадвали, одатда, факултет декани томонидан тасдиқланади.

Лекция – ўқиши, ўқитувчининг ижодий тавсифидаги аудиторияда ўқув режаси бўйича ўтказиладиган назарий дарс машғулотидир. Зарур ҳолларда ўқитувчи тегишли мавзу бўйича дарсдан олдин қўшимча материаллар тарқатиши мумкин.

Лаборатория ишлари – ёки амалий машғулот назарий билимларни чукур ўзлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган аудиториядаги ўқув машғулотидир.

Семинар – лотинча «семинариум» - кўчириб ўтказиш. Талабаларни мустақил таълим олиш, мустақил фикрлаш ва ижодий меҳнатга тайёрлаш учун мўлжалланган, уларнинг фан бўйича билимларини чукурлаштириш ва кенгайтиришга қаратилган аудитория ўқув машғулотларининг тури.

Талабалар уйи – таълим олиш даврида бошқа вилоятлардан келган талабаларни вақтинчалик яшаш жойи билан таъминлайди. Талабалар уйидан жой олиш учун факултет декани номига ариза ёзилади. Мазкур ариза ўрнатилган тартибда кўриб чиқилгач, талабага яшаш жойи берилади.

Стипендия – лотинча «стипендиум» - тўлов, маош – давлат олий таълим муассасасининг кундузги бўлимида яхши баҳолар билан ўқиётган талабаларга мунтазам (ҳар ойда) тўлаб бориладиган пул.

Фуқаролар иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни шартнома асосида олишга ҳақлидирлар.

олий ўқув юртидан кейинги таълим — жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга йўналтирилган узлуксиз таълим тури;

катта илмий ходимлар-изланувчилар институти — ишлаб чиқаришдан бўшаган ҳолда мутахассисликни чукур ўрганиш ва докторлик диссертатсиясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида улар томонидан илмий изланишлар олиб бориш бўйича фан доктори даражаси изланувчилари учун олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасаларида ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлар бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли;

мустақил изланувчилик — ишлаб чиқаришдан бўшамаган ҳолда докторлик диссертатсиясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида мутахассисликни чукур ўрганиш ва улар томонидан илмий изланишлар бўйича фан доктори илмий даражаси изланувчилари учун олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасаларида ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли;

катта илмий ходим-изланувчи — олий таълим муассасасига ёки илмий-тадқиқот муассасасига катта илмий ходим-изланувчи лавозимига белгиланган тартибда қабул қилинган шахс;

мустақил изланувчи — олий таълим муассасасига ёки илмий-тадқиқот муассасасига мустақил изланувчиликка белгиланган тартибда қабул қилинган шахс.

Олий таълим йўналишлари таснифлагичи. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори олий маълумотли кадрлар тайёрлаш учун бакалавриат таълими йўналишлари ва магистратура мугахассисликларининг тизимлаштирилган рўйхати.

Классификаторда таълим босқичлари, билим ва таълим соҳалари, таълим йўналишлари ва мутахассисликлари еттита **ракамли код** билан белгиланади.

Таълимиинг халқаро «стандарт» классификатсиясига биноан таълим босқичлари бакалавриат йўналишларида 5 раками, магистратура мутахассисликларида — 5A (ракам ва ҳарф) билан белгиланган. Масалан: бакалаврлар коди 5140100, 5211300, 5520400 ва ҳоказо; магистрлар 5A140101, 5A211301, 5A520403 ва ҳоказо.

Масалан: 5321500:

5- таълим дастурлари босқичи коди;

3 -билим соҳаси коди;

2- таълим соҳаси коди;

15- йўналиш коди;

00- мутахассислик коди.

320 000- Ишлаб чиқариши технологиялари таълим соҳасининг давлат таълим стандарти «Таълим тугрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури

тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сон қарори ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив -хуқуқий хужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

320 000 - Ишлаб чиқарии технологиялари таълим соҳаси давлат таълим стандарти (ДТС) ўқув жараёнини, таълим муассасалари фаолиятини, кадрлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрлаш сифатини баҳолашни тартибга солувчи тегишли норматив хужжатлар: бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун малака талаблари, ўқув режалари, фанлар дастурлари ва бларни яратиш учун асос хисобланали.

320000 - Ишлаб чиқарии технологиялари таълим соҳасининг умумий маснифи:

320 000 - Ишлаб чиқарии технологиялари таълим соҳасининг муайян бакалавриат таълим юналишлари буйича бакалаврлар тайёрлаш олий таълимнинг малака талаблари, ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади. Фан дастурларининг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестатсиясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» даражаси ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий хужжат берилади.

320 000 - Ишлаб чиқариш технологиялари таълим соҳасининг муайян магистратура мутахассисликлари бўйича магистрлар тайёрлаш олий таълимнинг малака талаблари, ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади. Фан дастурларининг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, магистрлик диссертатсиясини мувафақиятли ҳимоя қилган, якуний давлат аттестатсиясидан муваффақиятли ўтган шахсга «магистр» даражаси ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий хужжат берилади.

Мазкур ДТС ишлаб чиқишида қўйидаги норматив-хуқуқий хужжатларга асосланилиди.

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури». Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги 5-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2004 йил 20 июлидаги 341-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-153 З-сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий- педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестатсиядан ўtkазиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ- 1875-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўкув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестатсиядан ўtkазиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365-сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги “Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 371-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 26 марта даги “Ахборот- коммуникатсия технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ- 1942-сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида”ги 3-сон Қарори.

Кўлланиш соҳаси:

Мазкур ДТС 320 000 - Ишлаб чиқариш технологиялари таълим соҳаси бўйича олий маълумотли бакалавр (магистр)лар тайёрловчи Ўзбекистон Республикаси худудидаги олий таълим муассасалари учун умумий талаблар мажмуини ифодалайди.

Олий таълим муассасаси 320 000 - Ишлаб чиқариш технологиялари таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда ушбу ДТС ва малака талаблари асосида тайёрланган ўкув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

ДТСнинг асосий фойдаланувчилари:

олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, бўлимлар ходимлари ва талабалари;

ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиги, деканлар ва кафедра мудирлари;

Давлат аттестатсия комиссиялари;

олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

олий таълим тизимини аккредитатсия ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

абитуриентлар, ота-оналар ва бошқа манфаатдор шахслар.

Мазкур ДТСда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Конуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда олий таълим соҳасидаги халқаро хужжатларга мос равишда қуйидаги атамалар ва таърифлардан фойдаланилган:

касбий фаолият тури - таълим йўналишига ўзгартишлар киритиш мақсадида касбий фаолият обьектига таъсир қилишнинг усуллари, услублари ва тавсифи;

компетентсия - тегишли соҳада касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатлар мажмуи;

модуль - тарбиялаш ва ўқитишига йўналтирилган мақсадлар ва натижаларга нисбатан муайян мантиқий тугалланганликка эга бўлган ўқув фани (курси) ёки ўқув фанлари (курслари)нинг маълум бир қисми;

касбий фаолият обьекти - предметлар, воқеликлар, жараёнлар ва фаолият доирасида ҳаракатга йўналтирилган тизимлар;

касбий фаолият соҳаси - илмий, ижтимоий, иқтисодий, ишлаб чиқаришда намоён бўладиган касбий фаолият обьектларининг мажмуи;

профиль - таълим дастурининг аниқ касбий фаолиятнинг муайян тури ёки обьектига йўналганлиги;

ДТС - Давлат таълим стандарти;

АРМ - ахборот ресурс маркази;

ИТИ - илмий тадқиқот институтлари;

ОТМ - олий таълим муассасаси.

Йўналиш — 5-боскичнинг таълим дастури бўйича олий таълим муассасаси битирувчиси томонидан эгалланган ва бериладиган «бакалавр» академик даражаси доирасида касб фаолиятининг муайян турини бажаришни таъминловчи базавий ва фундаментал билимлар, ўқувлар ва кўникмалар комплекси.

Мутахассислик - 5А-боскичнинг таълим дастури бўйича олий таълим муассасаси битирувчиси томонидан эгалланган ва бериладиган «магистр» академик даражаси доирасида касб фаолиягининг муайян турини бажаришни таъминловчи муайян мутахассислик бўйича билимлар, ўқувлар ва кўникмалар комплекси.

Олий таълим узлуксиз таълимиинг юқори малакали мугахассислар тайёрловчи мустақил тури. Олий таълим муассасаларида амалга оширилади. Олий таълим икки босқичдан иборат:

- бакалавриат ва магистратура, бакалавриат ўрта маҳсус, касб-хунар таълими негизида олий таълим йўналишларидан бири бўйича фундаментал билимлар берадиган, ўқиш муддати тўрт йилдан кам бўлмаган таянч олий таълим;
- магистратура бакалавриат негизида ўқиш муддати камида икки йил бўлган аниқ мутахассислик бўйича олий таълим;
- бакалавр, магистр олий таълимиинг тегишли боскичига мувофиқ дастурларни муваффақиятли ўзлаштирган шахсларга бериладиган академик даражалар.

Бакалавриат -ихтисосликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими негизида, муддати камида тўрт йиллик таянч олий таълим босқичидир.

Бакалавр дастури тугатилгандан сўнг битирувчиларга давлат аттестатсияси якунларига биноан касб бўйича «бакалавр» даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-хунар фаолияти билан шуғулланиш

ёки олий таълимнинг кейинги босқичида ўқиши давом эттириш хуқуқини берадиган диплом топширилади.

Магистратура аниқ ихтисослик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриатдан кейин, унинг негизида таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълим босқичидир. «Магистр» даражасини берадиган давлат малака аттестатсию магистрлик дастурининг якунидир. Магистрларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги касбий фаолият билан шуғуланишни ёки таълимнинг кейинги турларида ўқиши давом эттириш хуқуқини берадиган диплом топширилади.

Таълим йўналишлари бўйича касбий таълим дастурлари мазмунига талаблар:

Бакалавриат;

Касбий таълим дастурлари олий таълимнинг биринчи босқичи (бакалавриат) талаба томонидан ўзлаштириладиган қуидаги мажбурий фанлар блоклари қуидагилар:

- гуманитар ва ижтимоий-иктисодий;
- математика ва табиий;
- умумкасбий;
- ихтисослик.

Касбий фаолият куникмаларига эга бўлиш учун малакавий амалиётлар ҳам кўзда тутилган.

Бакалавриат, касбий таълим дастурлари бажарилгач, малакавий битирув ишини ёлашни ҳам ўз ичига олган якуний давлат аттестатсию билан тамомланади.

Бакалаврларга қўйиладиган умумий малакавий талаблар.

Бакалаврият – кундузги ўқиши муддати камида 4 йил бўлган, билим соҳаларидаги йўналишларнинг бири бўйича фундаментал ва амалий билимларни ўз ичига олган таянч олий маълумот.

Бакалавриатнинг касбий таълим дастурлари битирувчини якуний давлат аттестатсиюдан ўтказиб, унга диплом билан далолатланган бакалавр малака даражасини бериш билан тугалланади.

Бакалавр малака даражаси унинг соҳиси бўйича ишга кирганда таянч олий маълумот малакавий талабларида назарда тутилган лавозимларни эгаллаш хуқуқини беради. Ўзбекистон Республикасида бакалаврлар билимларининг саккизта соҳаси бўйича тайёрланади:

- таълим (111 йўналиш);
- гуманитар фанлар ва санъат (28 йўналиш);
- ижтимоий фанлар, бизнес ва хуқуқ (32 йўналиш);
- математика ва табиий фанлар (14 йўналиш);
- инженерлик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари (49 йўналиш);
- қишлоқ хўжалиги (27 йўналиш);
- соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот (18 йўналиш);
- хизматлар (14 йўналиш).

Бакалавр ўз таълимини кундузги ўқиши муддати камида икки йил бўлган магистратурада давом эттириши мумкин. Магистратура табиий-илмий ва гуманитар фанлар, муайян билимлар соҳасининг тарихий ва фалсафий

жихатлари, ихтисос фанлар, шунингдек, битиувчининг илмий-тадқиқот ва ёки илмий-педагогик фаолиятини назоратда тутувчи амалиётини ўз ичига олган касбий таълим дастурига эга. Ушбу дастур малакавий битиув иши диссертацияни ўз ичига олган якуний аттестатсия ва битиувчига диплом билан далолатган «Магистр» малака даражасини бериш билан тугалланади.

Ишга дастлаб қабул қилинган бакалаврлар иш берувчиларнинг ўқув марказларида 6 ойдан 2 йилгача давом этувчи маҳсус дастурлар бўйича ўқиши мумкин.

Бакалавр билимiga умумий талаблар:

- гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар асосларини билиши, ижтимоий муаммо ва жараёнларни илмий таҳлил қила олиши, шу фанлар услубларидан турли касбий ва ижтимоий фаолиятда фойдалана олиши
- исонларга, жамиятга, атроф-мухитга бўлган муносабатни белгилайдиган меъёрий ва қонуний асосларни билиши, уларни ижтимоий ва экологик лойихалар тайёрлашда қўллай олиши
- жонсиз ва жонли табиатда содир бўладиган жараён ва ходисаларни тулиқ тассавур қила олиши, табиатни билишнинг замонавий илмий услубларини биладиган ва уни эгаллаган бўлиши
- соғлом яшаш тарзи ҳақида илмий тасаввурга, ўзини жисмоний такомиллаштириш бўйича билим ва қуникмаларга эга бўлиши
- илғор тафаккур юритиш маданиятига эга бўлиши, ўз фикрини оғзаки ва ёзма равища мантиқан тўғри баён қила олиши
- молиявий ва инсон омилларини инобатга олган холда ишлаб чиқариш муносабатлари асослари ҳақида тасаввурга эга бўлиши, касбий фаолияти соҳасида қулланиладиган маълумотларни компьютер усулларида йифиши, сақлаш ва уларни қайта ишлаш (тахрир қилиш) услубларини билиши, ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила олиши
- илм-фан ривожи ва ўзгарувчан ижтимоий амалиёт шароитида йифилган тажрибаларни баҳолай олиши, ўз имкониятларини қайта кўриб чиқиб, замонавий ахборот-ўқув воситаларидан фойдаланган холда, янги билимларни эгаллаш қобилиятига эга бўлиши
- егаллаётган касбининг моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини тўлиқ тушуниши, соҳа фаолиятини аниқлайдиган фанлар муаммоларини билиши, уларнинг яхлит тизимидаги ўзаро боғлиқликларни кўра олиши
- турли ходисаларни таърифлаш, уларнинг истиқболини белгиловчи моделларини яратиш ва ишлатишни билиши, ходисаларнинг миқдор ва сифат таҳлилини амалга ошириш имконига эга бўлиши
- меҳнат жамоасига қўшила олиши, бошқариш усулларини қўллай олиши, ижрочилар ишини ташкил қила олиши, турли фикрлар мавжудлиги шароитларида бошқариш ечимларини топиш ва қабул қила олиши, педагогик фаолият асосларини билиши, ўз касбий ишлашга услубий ва психологик жихатда тайёр бўлиши лозим.

Олий таълим ҳақидаги «Низом» Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 30.10.98 й. 305-сонли буйруғига асосан тасдиқланган.

А). Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими негизидаги олий таълим узликсиз таълим тизимининг мустақил тури бўлиб «Таълим тўғрисида» ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувоффик амалга оширилади.

Б). Олий таълим соҳасидаги давлат сиёсати қўйидаги тамойилларига асосланади:

- таълим ва тарбиянинг гуманистик, демократик мазмунда эканлиги
- университет таълимининг устиворлиги
- ўрта махсус, касб, олий ва олий таълимдан кейинги таълимнинг узлуксизлиги ва кетма-кетлиги
- таълим тизимининг дунёвий мазмунда эканлиги
- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги
- таълим дастурларини танлашга умумий ва тавакалашган ёндашув
- билимдонлик ва истеъдодни рафбатлантириш
- олий таълим тизимида давлат ва жамият бошқарувини уйғунлаштириш
- олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш бирлашувини таъминлаш.

В). Талабаларни олий таълим муассасаларига қабул қилиш давлат грантлари ва тулов-контракт воситаси билан турларига биноан аниқлаш йўли орқали амалга оширилади.

Г). Олий таълим муассасалари – юридик шахс, улар олий таълим дастурларини амалга оширадилар, амалдаги қонуний тартибда ташкил этиладиган, ўзларининг устави ва мазкур Низом асосида фаолият кўрсатадилар.

Олий таълим муассасаси устави мазкур Низом, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 1998 йил 5 январ 5 – сонли қарори билан тасдиқланган «**Таълим муассасаси уставини ишлаб чиқиш тартиби**»га мувофиқ тайёрланади, Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги томонидан тасдиқланади, махаллий маъмурий идораларда рўйхатга олинади.

Олий таълимнинг мақсади, вазифалари ва ташкил қилиниши қўйидагилардан иборат:

А). Олий таълимнинг мақсади Ўзбекистонни юксак ривожланган демократик мамлакатлар даражасида илмий-техникавий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланиш билан таъминлай оладиган, юксак маънавий, маданий ва ахлоқий фазилатларга эга юқори малакали рақобатбардош кадрлар етиштиришидир.

Б). Олий таълимнинг асосий вазифалари қўйидагилар:

- давлат таълим стандартларига мувоффик илғор, замонавий таълим ва касб-хунар дастурлари асосида юқори самарали ўқитиши ташкил қилиш ва малакали кадрлар етиштириши таъминлаш,
- мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ривожланиши истиқболлари, жамият талабларига биноан фан, техника, илғор технология, иқтисодиёт

ва маданиятнинг замоновий ютуқлари асосида кадрлар ўқитишни ташкил қилиш ва унинг услубларини мунтазам такомиллаш,

- ёшларни миллий тикланиш мафкураси ва умуминсоний қадриятларни билиш асосида, мустақиллик ғоялари, Ватан, оила, табиатга меҳр ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш,
- ўқув амалиётига янги педагогик ва ахборот технологияларини киритиш, ўқитишни шахсийлаштириш ва масофавий воситалар билан таъминлаш,
- таълим, фан ва ишлаб чиқариш бирлашувининг амалий тизимларини ишлаб чиқкариш ва амалиётга киритиш,
- илмий-педагогик кадрлар ва талабаларнинг илмий тадқиқотлари ва ижодий фаолиятлари орқали фан, техника ва технологияни ривожлантириш,
- давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш асосида таълим хизматлари бозорида рақобатли муҳитни шакллантириш,
- олий таълим муассасалари бошқарувини такомиллаш ва улар мустақиллигини кенгайтириш, таъсисчилар, ваъсийлар жамоат кўзатув кенгашлари шаклида янги жамоат бошқарувини киритиш,
- олий таълим соҳасида юксак ривожланган мамлакатлар билан ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш.

Д). Олий таълим муассасалари мутахассислар тайёрлашнинг «Олий таълим йўналишлари ва ихтисосликлари Классификатори» га мувофиқ амалга оширади. Фақат давлат таълим муассасаларида тайёрланадиган таълим йўналишлари ва ихтисосликлари рўйхатини Ўзбекистон республикаси Вазирлар Мажхамаси жорий қиласиди.

Е). Олий таълим муассасалари томонидан таълим йўналишлари ва ихтисосликларининг рўйхати таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги маркетинг ривожланиши билан аниҳлаб борилади ва меҳнат бозори талаби ҳисобига олинган холда, даврий қайта кўриб чиқилади.

Олий маълумот даражаси - шахс томонидан олий таълимнинг муайян таълим дастурини ўқув режалари ва фанлар дастурини мазкур маълумот хақида тегишли давлат хужжати берилган ҳолда, ўзлаштириши натижаси;

Олий маълумот ҳақида давлат хужжати (диплом)- аккредитатсиядан ўтган олий таълим муассасалари битирувчилирига бериладиган ва уларнинг олий таълимнинг таълим дастурларини ўқув режалари ва фанлар дастурини бажарганликларини тасдиқловчи давлат намунасидаги хужжат. Хужжат узлуксиз таълимнинг кейинги боқичларида ўқишини давом эттириш ёки олинган академик даражага мувофиқ ишлаш хуқуқини беради;

Олий таълим юналишлари ва мутахассисликларн классификатори- олий маълумотли кадрлар тайёрлаш учун бакалавриат таълими йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг тизимлаштирилган рўйхати;

Классификатор - олий маълумотли кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларининг тизимлаштирилган рўйхати. Унда **6 билим соҳаси, 26 таълим соҳаси, 186 та бакалавриат йўналиши ва 434 та магистратура мутахассисликлари** рўйхати келтирилган:

Билим соҳаси: Гуманитар соҳа -100 000

Таълим соҳаси: Педагогика - 110 000
Таълим соҳаси: Гуманитар фанлар - 120 000
Таълим соҳдси: Математика - 130 000
Таълим соҳдси: Табиий фанлар - 140 000
Таълим соҳдси: Санъат - 150 000

Билим соҳаси: Ижтимоий соҳа, иктиносод ва хукук - 200 000;

Таълим соҳаси: Сотсиология ва психология - 210 000
Таълим соҳдси: Журналистика ва ахборот - 220 000
Таълим соҳдси: Иктиносод - 230 000
Таълим соҳаси: Хукук - 240 000

Билим соҳаси: Ишлаб чиқариш-техник соҳа - 300 000

Таълим соҳаси: Муҳдиидислик иши - 310 000
Таълим соҳаси: Ишлаб чиқариш технологиялари - 320 000
Таълим соҳаси: Компьютер технологиялари ва информатика - 330 000
Таълим соҳаси: Архитектура ва курилиш - 340 000
Таълим соҳаси: Алока ва ахборотлаштириш, телекоммуникатсия технологиялари - 350 000

Билим соҳаси: Кишлок ва сув хўжалиги - 400 000

Таълим соҳаси: Кишлок, ўрмон ва балиқ хўжалиги - 410 000
Таълим соҳаси: Кишлок хўжалигига менежмент - 420 000
Таълим соҳаси: Кишлоқ хўжалик техникаси - 430 000
Таълим соҳаси: Ветеринария - 440 000
Таълим соҳаси: Ирригатсия ва мелиоратсия - 450 000

Билим соҳаси: Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот - 500 000

Таълим соҳаси: Соғлиқни сақлаш - 510 000
Таълим соҳаси: Ижтимоий таъминот - 520 000

Билим соҳаси: Хизматлар соҳаси - 600 000

Таълим соҳаси: Хизмат курсатиш соҳаси - 610 000
Таълим соҳаси: Транспорт - 620 000
Таълим соҳаси: Атроф-мухит муҳофазаси - 630 000
Таълим соҳаси: Хаётий фаолият хавфсизлиги - 640 000
Таълим соҳаси: Харбий таълим - 650 000.

Таянч иборалар:

Олий таълим, олий таълимнинг тузилиши, институт, факултет ва кафедра, бакалавр, магистр, олий таълим таснифлагичи, соҳа давлат таълим стандарти, билим ва таълим соҳалари, олий таълимнинг малака талаблари, йўналиш, мутухассислик.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Олий таълим. Олий таълимнинг тузилиши?
2. Институт, факултет ва кафедра ҳақида тушунча.?
3. Бакалавр. Магистр ва Олий таълим таснифлагичи.?
4. Олий маълумот даражаси?
5. Олий маълумот ҳақида давлат хужжати ?
6. Олий таълим юналишлари ва мутахассисликларн классификатори?

4-МАЪРУЗА

МАВЗУ: ТАЛАБАНИНГ ҲУҚУҚ ВА ВАЗИФАЛАРИ

РЕЖА:

1. Институт устави. Институт ички тартиб қоидалари.
2. Ўқув-тарбиявий ва илмий – методик ишларнинг субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
3. Талабалик гувохномаси ва рейтинг дафтарчаси.
4. Стипендия тайинлаш.
5. Академик таътил бериш.
6. Талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиб қоидалари.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси. Т.:2014.
2. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Т.: 1997
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т.:1997
4. Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари. Т.:2015
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидаларни тасдиқлаш тўғрисидаги №343 сонли қарори.

Институт Ички тартиб қоидалари “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мехнат Кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг олий таълим тизимини тартибга солишига йўналтирилган қарорлари, фармойишлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги норматив-ҳуқуқий хужжатларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 14 июнда 746-сон билан рўйхатга олинган “Корхона, муассаса, ташкилот Ички меҳнат тартибининг намунавий қоидалари”га мувофиқ ишлаб чиқилган.

Бухоро мухандислик - технология институти Ички тартиб қоидалари:

- а) ходимларга нисбатан: меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишни, иш ва дам олиш вақтидан фойдаланишни;
- б) талаба, стажёр-тадқиқотчи-изланувчи, тингловчиларга нисбатан: ўқиши жараёнини ташкил этиш, уларни ўқишига қабул қилиш, бошқа таълим йўналишига ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва талабалар сафидан четлаштириш, ҳомиладорлик, туғиши ва бола парваришилаш таътилларидан фойдаланиш, меҳнат ва ўқув интизоми, ректор билан ходим ҳамда талабалар ўртасида юзага келадиган бошқа ҳуқуқий муносабатлар масалаларни тартибга соладиган асосий норматив хужжат ҳисобланади.

Қоидалар институтнинг ходимлари ва талабалари касаба уюшма қўмитаси билан келишиб, ректор томонидан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради ва институтда қўлланилади.

Қоидаларга риоя қилиш ректор, ходимлар ҳамда талабалар учун мажбурий бўлиб, бажармаслик қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Ректорнинг мажбуриятлари:

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент қарорлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим ва ёш авлодни тарбиялаш соҳасидаги қарорларини амалга оширишни ташкил этиш;

2. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тадбирларини босқичма-босқич амалга оширишда Давлат таълим стандартлари бажарилишини таъминлаш;

3. ходимларнинг меҳнатини, таълим олувчиларнинг ўқишини ташкил этиш, ўқиш сифатини ошириш ҳамда меҳнат унумдорлигини юксалтириш, шунингдек қонун хужжатлари ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатларда, меҳнат шартномасида, тўлов-контракт асосида мутахассис тайёрлаш бўйича контрактда кўзда тутилган шарт-шароитларни яратиш;

4. “Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини белгиланган тартибда ва муддатда холисона кўриб чиқилишини таъминлаш;

5. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги номенклатурасига қарашли бўлган проректор, декан лавозимларига номзодларни ўрнатилган тартибда мутасадди вазирликка киритиш ҳамда уларнинг қарорлари билан тайинланган (деканлар учун - келишилган) номзодлар билан меҳнат шартномасини тузиш;

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли “Ижро интизомини мустахкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги карорига мувофиқ институт ходимлари томонидан ижро интизомига риоя этиш ҳамда ходимлар томонидан ижро интизомига қатъий риоя этилишини таъминлаш.

Ўқув ишлари бўйича проректор:

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва фармойишлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги қарорларини, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг норматив-хуқуқий хужжатларини, кўрсатмаларини амалга ошириш;

2. давлат таълим стандартлари асосида таълим жараёнини ташкил этиш ва малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш, давлат таълим стандартларига мувофиқ билимлар мазмуни ва тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар мажмуасини барча деканлар, кафедра мудирлари ва педагог кадрлар томонидан тўлиқ ўзлаштирилишини ташкил этиш;

3. ўқув жараёнларига оид масалалар бўйича институт Илмий кенгаси қарорлари ва ректор буйруқларининг бажарилишини ташкил қилиш;

4. илғор мамлакатлар таълим тизими ривожланиш тенденсияларини ўрганиш, “Таълим тўғрисида”ги Қонунда, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа таълимга оид норматив-хуқуқий хужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш борасидаги услуг ва воситаларининг ишлаб чиқилишини ташкил этиш ва уларни амалга оширилишини таъминлаш;

5. ўқув-тарбия жараёнда ўқитишининг илғор шаклларини, янги педагогик ва ахборот-коммуникатсия технологияларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ижро интизомига, меҳнат ва ўкув интизомига, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидалар, институт Устави, Ички тартиб ва Одоб-ахлоқ қоидалари, Илмий кенгаш қарорлари, ректор бўйруқлари ҳамда таълим тизимиға доир норматив-хуқуқий хужжатларда қўйилган мақсад ва вазифаларга, шунингдек ўзининг хизмат вазифаларига риоя этиш.

Маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректор:

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва фармойишлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги қарорларини, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг норматив-хуқуқий хужжатларини, кўрсатмаларини амалга ошириш;

2. юксак маънавий-ахлоқий фазилатли, мустақил фикрлашга қодир бўлган юқори маълумотли, малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш;

3. ижтимоий-гуманитар фанлар кафедралари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда уларни институт маънавий-маърифий ишларида фаол қатнашишларини таъминлаш;

4. талабалар онгига миллий ғояни сингдириш, маънавий-ахлоқий тарбия ишларини олиб боришининг амалий, таъсирчан механизмларини шакллантириш, маънавий-маърифий жараённи бошқариш ва изчил такомиллаштириб бориш;

5. маънавий-маърифий ишларнинг жорий ва истиқболли режаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг қатъий амалга оширилишини назорат қилиш тизимини вужудга келтириш;

6. маънавий-маърифий ишлар тизими учун зарур меъёрий ҳамда услубий хужжатларни, амалий тадбирлар режаларини ишлаб чиқиш;

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар мазмун-моҳиятини талабаларга, профессор-ўқитувчиларга ўз вақтида тушунтириш ишларини ташкил қилиш.

Илмий ишлар бўйича проректор:

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва фармойишлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги қарорларини, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг норматив-хуқуқий хужжатларини, кўрсатмаларини амалга ошириш;

2. институтнинг муаммоли илмий лаборатория, кафедра ва бошқа илмий бўлинмаларининг фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш ва назоратини олиб бориш ҳамда илмий лойиҳалар ва грантларни жалб этиш, тадқиқот ишларининг натижавий самарадорлиги юзасидан мунтазам мониторинг олиб бориш, ишлаб чиқариш корхоналари билан инноватсион ҳамкорликни йўлга қўйиш, инноватсияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш масалаларини ҳал қилиш, илмий-технологик ишланмаларни турли ярмарка ва кўргазмаларда тақдимот этилишини таъминлаш;

3. илмий ишлар материалларини, шу жумладан, журналлар ва илмий ишлар тўпламларини институт ходимлари томонидан тайёрлаш ва нашр этиш жараёни ҳамда институтнинг барча таълим ва илмий фаолияти йўналишлари

бўйича ўқув-услубий ва илмий даврий нашрлар билан кутубхона фондини тўлдириб бориш бўйича умумий раҳбарликни олиб бориш;

4. илмий, илмий-амалий анжуманларни режалаштириш, ташкил этиш ва ўтказишни мувофиқлаштириш ҳамда бошқа ташкилот ва корхоналарда ўтказиладиган илмий анжуманларда институт профессор-ўқитувчилари ва ходимларининг қатнашишини таъминлаш, институтда илмий мактабларни шаклланишига кўмаклашиш, ҳар қандай самарали илмий фаолиятни рағбатлантириш ишларини олиб бориш.

Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор:

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва фармойишлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги қарорларини, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг норматив-ҳукуқий хужжатларини, кўрсатмаларини амалга ошириш;

2. молия-иктисодиёт ишларини бошқариш ва мувофиқлаштириш;

3. режа-молия бўлими, бухгалтерия, хўжалик, шунингдек ректор буйруғи асосида бириктирилган бошқа бўлиmlар ишини бошқариш ва мувофиқлаштириш;

4. талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитищдан тушган бюджетдан ташқари маблағлар ва бошқа маҳсус бюджетдан ташқари маблағларни шакллантириш;

5. давлат бюджети, талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитищдан тушган ва тадбиркорлик асосида топилган маблағларнинг даромадлар ва харажатлар сметаларини ишлаб чиқиш, Молия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилишини таъминлаш;

Академик литсей ва касб-хунар колледжлари билан ишлаш бўйича проректор:

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва фармойишлари, Олий мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги қарорларини амалга ошириш;

2. институт, академик литсей ва касб-хунар колледжлари билан ўқув, методик, илмий ва профессионал алоқаларни ташкил этиш ва ривожлантириш;

3. институт профессор-ўқитувчиларини академик литсей ва касб-хунар колледжлари ўқув жараёнига жалб этиш;

4. илфор мамлакатлар таълим тизимининг ривожланиш тендентсияларини ўрганиш, «Таълим тўғрисида»ги Конун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш борасидаги услуг ва воситаларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширилишини таъминлаш;

5. академик литсей ва касб-хунар колледжлари битиравчиларини Олий таълим муассасаларига кириш ва иш билан таъминлаш ишларига кўмаклашиш;

6. ўқув-тарбия жараёнида ўқитишининг илфор шаклларини, шу жумладан масофадан туриб ўқитиши, янги педагогик ва ахборот-коммуникатсия технологияларини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланишда институт ҳамда АлвакҲК ҳамкорлигини ташкил этиш;

Факултет декани:

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва фармойишлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим ва кадрлар

тайёрлаш соҳасидаги қарорларини, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг норматив-ҳукуқий хужжатларини, кўрсатмаларини амалга ошириш, шунингдек, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2011 йил 5 декабрдаги 487-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаси факултети тўғрисида”ги Намунавий Низом асосида амалга ошириш;

2. меҳнат интизомига риоя қилиш, ректорнинг қонунга мувофиқ келадиган фармойишлар ва қўрсатмаларини ўз вақтида ҳамда аниқ бажариш;

3. факултетда ўқув-илмий, маънавий-маърифий ва илмий-услубий ишларга раҳбарлик қилиш, тарбиявий ишларни ташкил қилиш;

4. факултетни тамомлаганлар билан алоқа ўрнатиш, уларнинг амалий ишлари сифатини таҳлил қилиш;

5. факултет ихтинослиги бўйича ҳалқ хўжалигига банд бўлган олий маълумотли мутахассисларнинг малака оширишини ташкил этиш;

6. талабалар туарар жойларида яшаётган ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва фойдали меҳнат машғулотлари билан шуғулланишларини таъминлашга йўналтирган тадбирлар ташкил этиш, талабаларни ҳар ҳил норасмий оқимларга қўшилиб қолишларининг олдини олиш;

7. ўқув-тарбия тизимида янги ахборот технологияларининг жорий этилишини назорат қилиш;

8. ўқув-тарбия жараёни ҳамда талабаларнинг битирав малакавий иши, магистрлик диссертатсияси ва амалиёти устидан назорат қилиш;

9. ўқув машғулотлари жадвалини тузишга раҳбарлик қилиш, унинг бажарилишини назорат қилиш, талабалар давомати учун масъуллик;

10. талабаларнинг мустақил иши, шунингдек уларнинг билимини рейтинг тизими асосида баҳолаш устидан назоратни ташкил этиш;

11. талабаларни курсдан курсга ўтказиш, давлат аттестатсиясига, битирав малакавий ишларини ва магистрлик диссертатсиясини ҳимоя қилишга киритиш, академик таътил бериш ва стипендия тайинлаш, исми, шарифи, фамилиясини ўзгартирган талабалар тўғрисида буйруқ лойиҳаларини тайёрлаш, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг тегишли Низомларида кўзда тутилган ҳолларда маъмурият ташаббуси билан талабалар сафидан четлаштиришга тавсия бериш, факултетда хорижий талабалар мавжуд бўлган ҳолларда, улар билан ишлашни институт ҳалқаро бўлими билан келишилган ҳолда амалга ошириш;

Кафедра мудири:

1. Кафедра мудири Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2011 йил 5 декабрдаги 487-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаси кафедралари тўғрисида”ги Намунавий Низомга асосан:

2. меҳнат интизомига риоя қилиш, ректорнинг қонунга мувофиқ келадиган фармойишлар ва қўрсатмаларини ўз вақтида ҳамда аниқ бажариш;

3. институтнинг мол-мулкини авайлаб, муносабатда бўлиш ва ундан оқилона фойдаланиш;

4. институт жамоасининг аъзолари, (маъмурият, ходимлари, талабалари) ва иш жараёнида алоқа қиласиган бошқа шахслар билан хушфеъл муносабатда бўлиш, кийиниш маданиятига риоя этиш;

5. замонавий педагогик ва ахборот-коммуникатсия технология-ларини жорий этиш, педагогик фаолият билан шуғулланишни бошлаган ёш ўқитувчиларга педагогик малака ва кўнималарни эгаллашда ёрдам бериш, ахборот базасини яратиш, ўқув машғулотларида замонавий ўқув-техника воситаларидан, якка тартибда ўқитиш ва мустақил таълим олиш услубларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, масофали ўқитиш элементларини ривожлантириш;

6. битирувчиларни ишга тақсимлаш, битирув малакавий иш, магистрлик диссертациялар мавзуларини шакллантириш, бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш, шунингдек, илмий-техникавий ёрдам қўрсатиш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа хўжаликлар билан алоқа ўрнатиш;

7. талабаларнинг қизиқишиларини эътиборга олган ҳолда турли мавзулар, йўналишлар ва ихтисосликлар, касб-хунар турлари бўйича тўгараклар ташкил қилиш, талабаларни дарсдан бўш вақтини унумли ва фойдали меҳнат билан банд қилишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

8. кафедрада ўқитиладиган фанлардан лаборатория ишларини тўлиқ ва сифатли ўtkазилишини таъминлаш, кафедра лабораторияларини замонавий ускуна, қурилма ва жиҳозлар билан жиҳозланиши бўйича таклифлар киритиш;

9. талабаларнинг малакавий амалиёти, курс лойиҳалари (ишлари), битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертацияларига, шунингдек мустақил ишлари ва илмий-тадқиқот ишларига раҳбарликни ташкил қилиш;

10. талабалар билимининг рейтинг назоратини жорий этиш, талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш бўйича тадбирлар ўтказиш;

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ижро интизомига, ўқув ва меҳнат интизомига, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникиси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидалар, институтнинг Устави, Ички тартиб қоидалари, Илмий кенгаш қарорлари, ректор буйруқлари ҳамда таълим тизимиға доир норматив-хукуқий хужжатларда қуилган мақсад ва вазифаларга, шунингдек ўзининг хизмат вазифаларига риоя этиш.

Институт талабалари:

1. Талаба:

- сифатли ва юқори савияда билим олиши, танлаган ихтисослиги бўйича юқори малакали мутахассис бўлиб етишиши учун зарур бўлган хуқуқлардан фойдаланишга;

- фан, техника, замонавий технологиялар ютуқларига мос келувчи билимлар олиш, институт ахборот-ресурс марказида мавжуд бўлган китоблар, даврий нашрлар, электрон таълим воситаларидан белгиланган тартибда бепул фойдаланишга;

- бепул маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар олишга;

- аудиториялар, таълим воситалари саналувчи ашёлардан ўрнатилган тартибда бепул фойдаланишга;

- таълим жараёни самарадорлиги ва таълим сифатини ошириш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини, танқидий фикрларини белгиланган тартибда институт, деканат ва кафедра раҳбариятига билдиришга ва уларни кўриб чиқилишини талаб қилишга;

- институт ва факултет миқёсида ўтказиладиган оммавий тадбирларда иштирок этишга;

- илмий тадқиқот ишларида ва илмий конферентсияларда қатнашишга ва уларнинг натижаларини нашр этишга ва бу ҳақда ахборотлар беришга;

- институтда қонуний равишда фаолият юритаётган жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш ва улар ишида қатнашишга ҳақли.

2. Талаба:

- ўқув жараёни талабларига бўйсуниши, ўқув машғулотларини узрли сабабсиз қолдирмаслиги, дарсларга кеч қолиб келмаслиги, машғулотлар тамом бўлмасидан аввал кетиб қолмаслиги;

- таълим жараёни билан боғлиқ вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариши, ўқитувчиларнинг фанни ўзлаштириш билан боғлиқ топшириқларини ўз вақтида ва талаб даражасида бажариши, машғулотларга зарур ўқув қуроллари билан келиши;

- тегишли кафедра ва деканат билан мустаҳкам алоқада бўлиши, деканатнинг қонуний топшириқларини ўз вақтида бажариши;

- билимларни эгаллашда ташаббус ва ғайрат кўрсатиши, лоқайдликка йўл кўймаслиги;

- ўқув машғулотига келмагандан (шу жумладан, касаллиги туфайли) уч кундан кечикмасдан бевосита ўзи ёхуд гурух раҳбари орқали деканатни ёзма равишда хабардор қилиши, қатнашмаслик сабабларини кўрсатиши;

- хорижий ташкилотлар грантларида қатнашгани тақдирда бу ҳақда факултет деканини хабардор қилиши, грант билан боғлиқ ҳолда чет элга жўнаб кетишдан аввал ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги раҳбариятининг розилигини олиши;

- ўз илмий, маънавий-ахлоқий, ғоявий-сиёсий савиясини мунтазам ошириб бориши, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги ислоҳотлар ва янгиланишлардан хабардор бўлиши;

- институт Устави, Ички тартиб ва Одоб Қоидаларига, ўқув интизомига, Илмий кенгаш қарорлари, ректор буйруқлари ҳамда таълим тизимиға доир норматив-ҳукуқий хужжатларда қўйилган мақсад ва вазифаларга, шунингдек ўзининг мажбуриятларига риоя этиши шарт.

3. Талабанинг одоб-ахлоққа оид мажбуриятлари:

А) институт худудида:

- худудга киришда талабалик гувоҳномасини кўрсатиб кириш;

- худудни ифлослантираслик ва чиқиндиларни фақат жойлардаги маҳус жойларга ташлаш;

- устозларга дуч келганда салом бериш;

- ўқув машғулотлари вақтида ҳудудда сабабсиз юрмаслик;

- институт мулки (күчар ва күчмас мулки, ўсимлик ҳамда хайвонот дунёси ва ҳоказо)га эҳтиёткорона муносабатда бўлиш;
- кийиниш ва ўзаро сұхбат одобларига риоя қилиш;
- мутасаддиларнинг рухсатисиз турли реклама воситаларини осмаслик;
- майший тинчликка риоя қилиш;
- наркотик ва психотроп моддалар, алкогол ва тамаки маҳсулотлари истеъмол қилиниши ва тарқатилишига қарши курашиб ҳамда мазкур ҳолатлар юзасидан тегишли ташкилотларга ўз вақтида хабар бериш.

Б) Аудиторияда:

- уяли алоқа воситасини ўчириб қўйиш;
- дарс вақтида гаплашмаслик;
- жиҳозларга маданий муносабатда бўлиш, парталарга ёзмаслик;
- қофоз ва бошқа кераксиз нарсаларини қолдириб кетмаслик;
- овқатланмаслик ва сақич чайнамаслик.

В) Умумий овқатланиш жойларида:

- таомларни олишда навбат тартибига риоя қилиш;
- тирбандлик ҳолатида устозлар, аёллар, ёши катталарга хурмат кўрсатиш;
- овқатланиш вақтида шовқин солмаслик;
- умумий овқатланиш шахобчасида белгиланган тартиб қоидаларга риоя қилиш.

Г) Ахборот ресурс марказида:

- АРМ ходимлари билан хушмуомалада бўлиш;
- китоблар ва жиҳозларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш;
- баланд овозда сўзлашмаслик ва атрофдагиларга халақит бермаслик;
- қофоз, сақич ва бошқа чиқиндиларни қолдириб кетмаслик;
- китобларни олиш ва топшириш тартиб қоидаларига риоя қилиш.

Д) Талабалар тураг жойларида:

- мавжуд жиҳозларни асрар, уларга зарар етказмаслик;
- электр энергияси, газ ва сув ресурсларидан тежамкорона (оқилона) фойдаланиш;
- санитария ва гигиена хоналаридан фойдаланиш қоидаларига амал қилиш;
- талабалар тураг жойи Низоми ва мазкур Қоидаларга қатъий риоя қилиш.

Е) Спорт мажмуаларида:

- спорт мажмуасига хос бўлган кийим ва пояфзалларда кириш;
- спорт инвентарларига нисбатан маданий муносабатда бўлиш;
- машғулотлардан кейин спорт инвентарларини белгиланган жойларга қайта топшириш;
- спорт мажмуасининг белгиланган тартиб қоидаларига риоя қилиш.

Ж) Маданият саройи ва бошқа оммавий тадбирлар ўтқазиш жойларида:

- ўриндиқ ва бошқа жиҳозларга нисбатан маданий муносабатда бўлиш;
- оммавий тадбирлар вақтида хуштак чалмаслик, бақирмаслик, тадбир тугашидан олдин сабабсиз чиқиб кетмаслик;

- ухлаб ўтирмаслик, ўриндиқларга ётиб олмаслик, бир-бири билан гаплашмаслик, ён атрофдагиларга халақит бермаслик.

Шунингдек, талаба

- турли давраларда ўзининг намунавий хулқи ва билими билан институт ҳақида юксак ижобий таассурот ҳосил қилишга интилиши;

- доимо комилликка интилиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олийжаноб фазилатларни чуқур англаши;

- институт манфаати, унинг шаъни ва шонли анъаналари, обрўси ҳамда нуфузи тўғрисида қайфуриши, уларни сақлаб қолишга жонкуярлик қилиши ва уларга хурмат билан муносабатда бўлиши лозим.

Талабаларни ўқиши ва жамоат ишларидағи ютуқлари учун рағбатлантириш.

1. Талабалар ўқишида юқори кўрсаткичларга эришганлиги, илмий-тадқиқот ишлари ва институт ижтимоий ҳаётида фаол иштироки учун қўйидаги тартибда рағбатлантирилади:

- ташакқурнома эълон қилиш;
- стипендияга қўшимча қилиш ёки мукофотлаш;
- фахрий ёрлиқ ёки қимматбаҳо совға билан тақдирлаш.

2. Рағбатлантириш институт “Камолот” ЁИҲ бошланғич ташкилоти, Хотин-қизлар қўмитаси, Касаба уюшмаси томонидан ёки уларнинг тавсиялари асосида ректор буйруғига мувофиқ амалга оширилади.

3. Рағбатлантиришга тегишли маълумот ва буйруқдан кўчирма талабанинг шахсий хужжатлар тўпламида сақланади.

Интизомий таъсир чоралари.

1. Талаба ўзига юклатилган мажбуриятларни бузган, институт ўқув интизомига, Ички тартиб ва Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилмаган тақдирда, унга нисбатан қўйидаги интизомий жазо чоралари кўрилади: ҳайфсан (30 соатдан ортиқ дарс қолдирган ҳамда институт Ички тартиб ва Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилмаган тақдирда) ҳамда талабалар сафидан четлатиши.

Талаба институтдан қўйидаги ҳолларда четлаштирилиши мумкин:

- а) ўз ҳохишига биноан;
- б) ўқишининг бошқа таълим муссасасига кўчирилиши муносабати билан;
- в) саломатлиги туфайли (тиббий комиссияси маълумотномаси асосида);
- г) академик ўзлаштира олмаганлиги (қарздорлиги) учун;
- д) ўқув интизоми, институт Ички тартиб ва Одоб ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилмаганлиги учун;

е) бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирганлиги сабабли;

ж) ўқиши учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун);

з) талаба суд томонидан озодлиқдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;

и) вафот этганлиги сабабли.

2. Институт маъмурияти ташаббуси билан талабаларни ўқишидан четлаштириш касаба уюшманинг ёзма розилигини инобатга олган ҳолда (касаба

уюшмаси аъзоси бўлган талабалар учун) амалга оширилади. Шунингдек, талаба мазкур Коидаларнинг 7.1-банди “д” кичик бандига кўра четлаштирилаётган ҳолда, таълим институтсининг Касаба уюшмаси ва “Камолот” ёшлар ижтимоий харакати бошлангич ташкилоти билан ҳам келишилиши мумкин.

3. Интизомий жазога тортилган талаба ўзига қўлланилган жазо чорасининг қонунийлиги ваadolатлилиги юзасидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда шикоят билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига ёки судга мурожаат этиши мумкин.

4. Талабага нисбатан қўлланилган интизомий жазо юзасидан маълумот унинг шахсий хужжатлар тўпламида сақланади.

5. Харбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек болаларни парвариш қилиш таътиллари даврида талабага Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган тартиб асосида академик таътил берилиши мумкин.

Талабаларни қонун ва ҳуқуқ юзасидан тарбиялаш. Талаба деганда - ўзи изланувчан, билимга чанқоқ инсон тушинилади. Талаба ҳуқуки ўқитувчиларни ўз вақтида билим беришини талаб қилиши керак.

Талабалар дарсдан ташқари ҳоҳлаган ўқитувчидан дарс олиш ҳуқуқига эга. Бирор бир талаба ўқитувчиликда ўқиса у ҳоҳлаган шеър ва кичик китоблар ёзиши мумкин. Муаллифлик ҳуқуки фуқаролик ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири бўлиб, у фан, адабиёт ва санъатларини яратиш ва ундан фойдаланиш билан боғлик муносабатларини ифодалайди. Талабанинг муаллифлик ҳуқуки обьектив фан, адабиёт ва санъат асарлари ҳисобланади. Бундай асарнинг қадр- қиймати ва чоп этилган ёки этилмаганлигининг аҳамияти йўқ. Агар муаллифлик ҳуқуқининг обьекти тан олиниши учун қонун икки шартни қўяди: биринчидан, асар маълум бир обьектив шакл муаллиф ижодий фаолияти натижасини акс эттиришига имкон бериши мумкин.

Агар республика ҳудудида биринчи марта босилиб чиқарилган ёки босиб чиқарилмаган бўлсада, лекин бирдан-бир обьектив шаклда республика ҳудудида бўлган асар учун у қайси мамлакат фуқароси бўлишидан қатъий назар, талабанинг муаллифлик ҳуқуки берилади. Талабанинг муаллифлик ҳуқуки бўлиб, муайян асарнинг яратувчиси ҳисобланади. Талабанинг муаллифлик ҳуқуқини фақат унинг ҳаётлик вақтида эмас, балки ҳамма вақт ҳимоя қилинади.

Талабаларнинг вазифаси вақтида дарсларга қатнашиб туриш ва яхши ўқиб, ундан яхши мутахассис бўлиши унинг вазифаси. Таълимнинг давлат бошқарувининг маҳсус ваколати бўлган органлар амалга оширадилар. Таълим муасссаларида давлат талабларининг ва меъёрий хужжатларни бажарилишини таъминлайдилар, уларга услубий раҳбарликни амалга оширадалар

Ушбу дарслик талабаларга давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши, жамият тараққиётида уларнинг ўрнини янада мустаҳкамлаш вазифалари тўғрисидаги билим асосларини беришини назарда тутади.

Конституттсия халк таълимини маъмурий-ҳуқукий бошқариш масалалариға оид принципиал қоидаларини олдиндан белгилаб беради. Конституттсиянинг 41-моддаси маъмурий ҳуқукий субъекти сифатида ҳар бир фуқаролик талабанинг билим олишини мустаҳкамлайди. Талабага ўқишдан ташқари таълим маданий эстетика табиий-илмий, техник спорт ва бошқа йўналишлардаги

ўқишдан ташқари муассаларда ташкил қилинади. Олий таълим умумий ўрта, ҳунар-техника, ўрта маҳсус таълим негизида олий ўқув юртлари талабаларига амалга оширилади. Олий ўқув юртларида талабаларни ўқитиш ишлари икки босқич асосида бакалавриат ва магистратура даражалари бериш билан олиб борилади.

Бундай ўқитишни ташкил этиш Республика ҳукумати томонидан тасдиқланган «Низом»да тартибга солинади. Ҳукумат томонидан яна ихтисослик рўйхати белгиланади, уларни сиртдан ёки мустақил ўқиб эгаллашга йўл қўйилмайди. Талабалар иккинчи олий маълумотни пул тулаб олиш ҳуқуқига эгадирлар. Олий ўқув юртларининг фаолияти ўзларининг низомлари билан тартибга солинади. Олий ўқув юртларининг ўзлари вақти–вақти билан аттестатсия ва акритизатсиядан ўтиб турадилар. Узликсиз таълим тизимидағи олий босқич илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ҳисобга олади. Ана шу мақсадда илмий ишлаб чиқариш бўлимлари, студент талабалар илмий техника ижодиёти марказлари ташкил этилади. Таълим муассасаларини бошқаришда талабалар катнашадилар. Талабалар стипендиялар, ётоқхоналар, қўлланмалар ва бошқалар билан таъминланадилар. Уларга кутубхоналар, ўқув ишлаб чиқариш, илмий, спорт, соғломлаштириш базаларидан фойдаланишни кафолатлади.

Талабаларни ҳуқук йўзасидан тарбиялаш. Таълим тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисидаги» қонунлари асосида таълим сифатини ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳатлар талаблари даражага кутариш, кадрлар билими ва улар тайёргарлиги сифатини назорат килиш ҳамда холисона баҳолаш тизимини ташкил этиш мақсадида Вазирлар Махкамаси қарор қилди.

Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагогик кадрлар таълим муассасалари «Таълим тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги Конунлари асосида таълим сифатини ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳатлар талабаларига мувофиқ юксак даражага кўтариш. Талабалардан, кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш ҳамда холисона баҳолаш тизимини ташкил этиш мақсадида ташкил этишни кўрсатиб ўтилган.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги Конунларга мувофиқ, умумтаълим институтларида ўқитиш дастурларини ислоҳ қилиш, (йиллик умумтаълим ва умумий ўрта таълимнинг сифат жиҳатидан янги тизимни яратиш ташкил этилади). Кадрларни тайёрлаш учун мақбул бўлган зарур ўқув фанлари, таълим ва ўқув соатлари ҳажмларини шакллантириш. Институтларда малакали кадрлар тайёрлашда, ўқитишнинг техник ва ахборот воситалари билан таъминлаш талаб этилган.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ташкил этилган.

- кафедраларда талабалар билимини назорат қилиш баҳолашда рейтинг тизимини қўллаш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди; - ҳар бир фан бўйича талабани ўзлаштиришини баҳолаш семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва куйидаги баҳолаш турлари орқали амалга оширилади: жорий, оралиқ ва якуний баҳолашлашлар.

Талаба юртимизнинг демократиялаштириш имкониятларни аниқ ва чукур ҳис этишни билиши керак. Бугун жамиятни демократик асосда батамом янгилаш имконига эга бўлган Ўзбекистон уни кафолатлашнинг энг асосий меъёри.

Асосий Қонунга Ўзбекистон Республикаси конститутсияси дунё миқёсида энг мукаммал демократик Конститутсиялар сифатида ўрин эгаллайди. Талабанинг Конститутсияни ишлаб чиқариш ва уни қабул қилишнинг ўзи энг замонавий демократик асосда содир булганини англаш бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини юқотгани йўқ. Фикримизнинг исботи сифатида қонунларнинг ҳар бир боби ва банди бир неча бор қайта қўрилганлиги, халқаро даражадаги экспериментлар маслаҳатининг инобатга олиниши мухокамасидан ўтганлигини айтиш мумкин.

Фуқоролик жамиятининг шаклланишида ва унинг истиқболи белгисида энг асосий ижтимоий институт бўлган ўз-ўзини бошқарув органларинини ўзгариш жараёнини, унинг фуқоро манфатларига мос шакллари барпо бўлиши мумкин.

Талаба шу муносабат билан бир нарсани чукур англаб олмоғи зарурки, Ўзбекистон ҳудудида, фуқаролик жамиятининг айrim мухим негизлари қадим-қадимлардан мавжуд экан. Талаба мулкий муносабатларни иқтисодий соҳа демократиялашувининг бош бўғини ва унинг фуқароларда улкан салоҳиятини вужудга келтирувчи омил сифатида англатиш зарур:

- кадрлар тайёрлаш сифати мониторининг тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- ривожланган хорижий демократик давлатлар билан кадрлар сифатини назорат қилиш ва таълим муассасалари аттестатсияси борасида ҳамкорлик урнатиш;
- таълим тизимини бошқариш органлари ҳамда маҳаллий ижро этувчи хокимиятининг педагог кадрлар ва талим муассасалари ташкил этиш ва ўтказиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш керак.

Талabalарга яхши дарс бериб, улардан яхши кадрлар чикишини таъминлаш шу куннинг асосий вазифаларидан биридир.

Таянч иборалар:

Институт устави, институт ички тартиб қоидалари, ўқув-тарбиявий ва илмий – методик ишларнинг субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, талабалик гувоҳномаси ва рейтинг дафтарчаси, стипендия тайинлаш, академик таътил бериш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиб қоидалари.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Талабаларнинг ҳуқуқлари нималардан иборат?
2. Талабаларнинг вазифалари нималардан иборат?
3. Талабаларнинг иккинчи олий маълумот олиш ҳуқуқлари қандай амалга оширилади?
4. Талабалар билимини назорат қилиш қандай амалга оширилади?

5-МАЪРУЗА

МАВЗУ: БИБЛИОГРАФИЯ

РЕЖА:

1. Босма асарлар.
2. Библиографиянинг тарихи.
3. Китобнинг жамиятдаги урни.
4. Китоб билим манбай.
5. Китоб билан ишлаш боскичлари.
6. Конспект ва тезисларни тайёрлаш.

Адабиётлар:

1. Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Президенти қарори // „Халқ сўзи“, 2006.
2. Маматраимова Ҳ. Библиография // Ўзбекистон Миллий энсиклопедияси. 2- жилд. — О., 2001.
3. Маматраимова Ҳ. Библиографияшунослик // ўша жойда.
4. Маматраимова Ҳ. Давлат библиографияси // ўша жойда. — 3- жилд. — О., 2002.
5. Ӯропов М. М., Маматраимова Ҳ., Ляпустина Н. Ўзбекистон ретроспектив библиографияси: ўқув қўлланма. — О., 1995.

„**Библиография**“ сўзи биринчи марта Қадимги Гретсияда қўлланилган. Сўзма-сўз таржима қилинганда *библион* — „**китоб**“, *грапҳо* — „**ёзаман**“ деган маънени англатади. Китоб нашр этиш иши бошлангунга қадар бу тушунча китобни ёзиш, кўчириб ёзиш маъносида қўлланилган. У вақтларда китобни ёзиш ва кўчириб ёзиш кўл меҳнати билан амалга оширилган. Бу ишни бажарганларни библиографлар деб аташган. Ўша пайтда библиографлардан алоҳида мукаммал билим талаб этилмасдан, фақат ёзишни ва ўқишни билиш талаб қилинган бўлсада, бу иш жуда юқори малакали ва истиқболли иш ҳисобланган. Қоғоз каشف бўлгунга қадар Ўртаер денгизи мамлакатларида папирус, Месопотамияда лой пластинкалардан, Хитойда идақдан, Ҳиндистонда палма дарахти баргларидан фойдаланган ҳолда ахборотнинг қўлёзма шаклларини тарқатишган

Библиография назарияси — библиографиянинг моҳиятини ва ижтимоий аҳамиятини ўрганади, илмий концепсиясини ва тушунчалар тизимини ишлаб чиқади, ҳозирги замон библиографик амалиётни илмий таҳлил қилишнинг методологик негизини ишлаб чиқади, библиографиянинг ва библиографик фанларнинг ахборот фаолияти ва информатика, кутубхоначилик иши ва кутубхонашунослик, китоб иши ва китобшунослик билан ўзаро алоқасини таҳлил қиласди. Рус библиографиясининг, жумладан, ҳамдўстлик мамлакатлари библиографиясининг ривожланишида муносиб ҳисса қўшган А. И. Барсук, М. Г. Вохришева, Н. Э. Добринина, Й. С. Зубов, О. П. Коршунов, А. В. Мамонтов, И. Г. Моргенштерн, И. И. Решетинский, Н. А. Сляднева, А. В. Соколов, С. А. Ӯрубников, Й. М. Ӯгов, В. А. Фокеевлар фаолиятини ўрганади.

Библиография тарихи — унинг қонуниятлари ва ривожланиш тенденсияларини ўрганади. Бунда библиография тарихи жамиятлар тарихи,

сиёsat тарихи, жамиятнинг иқтисодий, маданий-маънавий 12 ҳаёти билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Рус библиографияси тарихи масалаларини машхур библиографлар Н. В. Здобнов, М. В. Машкова, Л. М. Равич, С. А. Рейсер, Б. А. Семёновкер, К. Р. Симонлар ўрганганлар. Ўзбекистон библиографияси, умуман, Ўрта Осиё библиографияси тарихини ўзбек библиограф олимларидан М. М. Ӯропов, Ш. М. Шамсиев, э. О. Охунжонов, Ҳ. Маматраимова, туркманистонлик олим А. Язбердиевлар тадқиқ қилиб ўрганганлар.

Библиография технологияси — ахборот ресурсларини, библиографик маҳсулотларни қайта ишлаб чиқиши маҳорати. У ахборотни йифиш, ташкил этиш, сақлаш, тўплаш, қайта ишлов бериш, қидириш, хулоса қилиш, нусха кўпайтириш, уни узатиш ва тарқатишни таъминловчи технологик комплексларни такомиллаштиришда иштирок этади.

Библиографиянинг методикаси — библиографиянинг назарияси, тарихи, технологияси, амалиёти билан узвий боғлиқ. У библиографик ахборот тайёрлаш ва истеъмолчиларга етказишининг мақсадга йўналтирилган усуллари ва услублари йигиндисидир. Библиографиянинг методикасини ишлаб чиқища библиографлардан М. А. Брискман, М. П. Бронштейн, М. П. Гастфер, М. А. Сакдова, С. П. Бавин, С. В. Бушуев, Г. Э. Миронов, А. М. Горбунов, О. А. Гурболикова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими М. Й. Носирова, М. Ӯропов, Ш. М. Шамсиев, Ҳ. Маматраимовалар фаолият кўрсатадилар.

Библиографияни ташкил этиш — мамлакатда кутубхоначилик ва ахборот марказларини ташкил этиш, библиография хизмати тизимини яратиш, режалаштириш, мувофиқлаштириш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, жамиятнинг ахборотга бўлган талабини тўла қондириш имконини яратиш учун хизмат қиласиди.

Библиографик тавсиф — белгиланган маълум бир қоидага кўра нашр ҳақидаги умумий ва хусусий маълумотларни акс эттириш мақсадида, маълум бир кетма-кетлиқда бир қанча библиографик элементлардан ташкил топган тавсиф соҳалари йигиндиси. Бу тавсифдан муаллиф, сарлавҳа, унга тааллуқли маълумотлар, мазмуни, аҳамияти ва мақсади, нашр тури, ҳажми ва бошқа хусусиятлари ҳақида маълумот олиш мумкин. Кутубхоначилик-библиографик амалиётида элементлар таркиби, тўлалиги ва тавсиф обектига кўра турли хил библиографик тавсиф қўлланилади.

Босма асарлар тўғрисидаги тизимлаштирилган маълум библиографик қулланмалар қидиришлар натижасида тузилиб, кўрсаткич, рўйхат ва адабиётлар обзори шаклида бўлади. Адабиёт ҳақида кенг маълумот берадиган қидиришларни осонлаштирадиган ёрдамчи кўрсаткичлари ҳам бўлган катта ҳажмли библиографик қулланма адабиёт кўрсаткичи ёки библиографик кўрсаткич дейилади. Оддий тузилган, ёрдамчи кўрсаткичлари бўлмаган кичик ҳажмли библиографик қулланма рўйхат (адабиёт рўйхати) дейилади.

Обзор маълум масалага ёки мавзуга доир адабиётларнинг изчил текст тақриз ҳарактеристикаси бўлиб, унда айрим босма асарлар тўғрисидаги маълумотлар қўпинча соатлар тагида ёки кўшимча рўйхат қилиб берилади. Библиографик – (юнонча библион- китоб ва графия) – илмий ва амалий фаолият соҳаси. Асосий вазифаси босма асарлар ҳақида ахборот бериб туриш ва уларни муайян ижтимоий мақсадларда тарғиб қилишдан иборат.

Библиографиянинг тарихи ва назариясини, библиография ишларининг ташкил этилиши ва методикасини ўрганадиган фан библиография фани деб аталади. У босма асарларнинг кўрсаткичлари рўйхатлари, тавсифларини тузиш ва ўрганиш усулларини ишлаб чиқади, бу асарларнинг мазмунини очиб беради, уларга баҳо беради ва хаказо.

Мазкур кўрсаткич рўйхатларининг ўзи ҳам библиография деб аталади. У бир неча турларга, масалан, вазифаси жиҳатидан ҳисобга олиш тақдид ва тавсия библиографиялари, асарлариниг мазмуни ва тури жиҳатидан умумий маҳсус соҳалар, шахслар, ўлкашунослик библиографиялари асарларининг нашр этилган вақти жиҳатидан кундалик ва келажак библиографиялар, асаларнинг нашр этилган жойи жиҳатидан давлат, маҳаллий ёки ўлка библиографияларига бўлинади. С.Долимов ва Ф.Убайдуллаевнинг ўзбек тилида ёзилган асарларнинг дастлабки кўрсаткичи уларнинг «Муқаммал илмий библиография» китобидир.

Бундан 1925-31 йилларда чоп этилган 3 минг китобнинг тавсифи берилган. 1926 йили Ўзбекистон библиографияси тараққиётида муҳим босқич бўлди. Республика давлат библиографиясининг чинакам марказидир.

Инглиз ёзувчиси Томас Карлейл (1795–1881) китобининг аҳамияти, жамиятдаги тутган ўрни тўғрисида анча батафсил таъриф беради: «китоб» инсоният иқтидорининг чинакам хайратланарли ва эътиборга лойик кўринишидир. Китобларда замонларнинг ақл-идроқи яшайди: хоки-тупроқлари туш сингари алақачонлар тўзиб кетган одамлар, овози бурро ва аниқ эшитилиб туради. Инсоният яратган, қайта–қайта ўйлаб кўрган ва у нарсаларнинг бари – худди сеҳрли сандиқдай китоблар сахифаларида сақланиб қолган. Инсоният илми фаннинг барча соҳаларига оид катта кисми қоғозларда, кишиликнинг қоғоз хотираси бўлиши китобларда яшайди. Ер юзида бундан 4,5 минг йилдан аввалроқ (ерамиздан аввалли XXVII – XXIV асрларда) мавжуд бўлган энг қадими кутубхоналарнинг сопол тахтачаларида битилган қўллўзма бойликлари осурий–вавилон маданиятини тушунишга йўл очиб берди, ҳамда бошқа археологик топилмалар билан бирга Месопотамиянинг қадимги маданиятини, тарихини, ўқиши, ёзуви, сарой, черков ва бошқа кутубхоналари очишга ёрдам берди.

Китоблар туфайли бизгача етиб келган жуда кўп турк, форс ва араб тилларида қўллўзма китоблар, тарихий шахслар ҳақидаги адабий манбалар «жонли» гувоҳлар бўлиб, уларда қадимда улар ўрта асрларда Ўрта Осиёда қунт билан ишнинг кўзини билиб, тўпланган йирик сулолали китоб фондлари, мачит ва мадрасалар қошидаги кутубхоналар, шахсий китоб тўпламлари бўлганлигидан далолат берувчи маълумотлар ўз аксини топган.

Сомонийлар, Хоразм шохлари, Қораҳонийлар ва Муғулларнинг Ўрта Осиёга бостириб кирган даврида эса Салжуқийлар давлатларида жуда бой китоб хазиналари, Шахрисабз, Самарқанд ва Хиротдаги Темур ва Темурийлар кутубхонаси, Бухородаги Шайбонийлар ва Аштархонийлар кутубхоналари, Қўқон, Хива ва Бухоро хонликларининг марказларида кутубхоналар бутун мусулмон оламида шуҳрат қозонган эди. 1925–1991 йилларда кутубхоначилик қурилиши учун анчагина моддий маблағлар сарфланди.

Оммабоп ва маҳсус китобларнинг янги тизими яратилди. Бироқ, кутубхоначилик ишини ташкил этиш ва уни бошқариш умумий таркибининг ўзи

нуқсонли эди. Кутубхона – бу китоблар ва кишилик жамияти тарихи мажмуасидир, шу маънода у инсонпарвар муассасадир. Кутубхоналарда инсоният эришган барча ишлар, турли фан соҳалари бўйича китоблар тўпланган. Жамият томонидан, унинг асосий ижтимоий-маишӣ эҳтиёжларини қондириш мақсадида барпо этилган кутубхоналар зулматга, нодонлик ва жаҳолатга қарши курашдир. У инсоният борлигининг буюк хужжатлашган гувоҳи сифатида яшамоқда. Шу сабабдан ўта зарурат сезган ҳар бир киши ундан фойдалана олиши ҳамда кутубхоналар ҳамма учун оммабоп бўлиши зарур.

Китобларнинг турлари кутубхонашунослик фанининг энг долзарб ва мураккаб муаммоларидан биридир. Умумий кутубхоначилик курсида бу мавзу асосий ўринлардан бирини эгаллаб, Республикада ахолига кутубхоначилик хизмати кўрсатишнинг бутун мазмунин белгилаб берди. Кутубхона турлари - белгиларнинг умумийлиги (бир хиллиги) бўйича кутубхоналарнинг илмий таснифи бўлиб, у кутубхоналарни турлари, типлари ва хиллари бўйича тақсимлаш имконини беради. Кутубхоначилик тараққиётида кутубхона типлари муаммосини ҳал қилишда бир неча хил ёндашувлар илгари сурилган.

Жумладан, 1990 йилда Ўзбекистон ҳудудида 1219 китоб ва брашюра 11187 минг нусхада чоп этилган бўлса, 1990 йилда уларнинг миқдори тегишли равишда 2080 ва 51015,1 мингни ташкил этади. Жон бошига 1940 йилда 1,6 китоб тўғри келган бўлса, 1990 йилда 2,4 га етди. 1990 йилда чиқсан 2080 номдаги китобнинг 874 таси ёки 42 фоизи ўзбек тилидаги китоблар бўлса, улар умумий миқдорининг қарийб 64 фоизини ташкил этади. Булардан ташқари, 1990 йилда Ўзбекистонда 95 номда журнал ва бошка давомли нашрлар, 279 номда газеталар нашр қилинган. Ҳозирги кунда китоб инсоният яратган муомала воситалари ичida энг ишончли ва энг қулай воситадир. Кейинги ярим аср мобайнида биз оммавий алоқа воситаларидан бири сифатида аҳамияти ортиб бораётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг барча жабхаларида рўй бераётган туб ўзгаришлар кутубхоначилик ишининг кўпгина йўналишларини қайта кўриб чиқиши ва янгилашни талаб қиласди. Бу биринчи галда кутубхонанинг бир бутун ва яхлит рамзини қайта тиклаб олишни тақазо этади. Ўзбекистон маҳсус кутубхоналари тизимида жами 9,5 мингга яқин кутубхоналар бўлиб, уларни олий ва ўрта маҳсус таълим, халк таълими вазирликларига қарашли кутубхоналар, илмий-техника кутубхоналари 8 фоизни, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларга қарашли маҳсус кутубхоналар 7 фоизни ташкил этади. Кутубхонашунослик ва библиографияшунослик ўртасида айниқса тифиз ҳамкорлик ўрнатилган. Китоб тарғиботи мақсадида босма маҳсулотларни таҳлил қилишнинг библиографик усули, ўқишига раҳбарлик қилишнинг, фан ва ишлаб чиқаришга ахборот хизматини кўрсатиш кутубхоначилик амалиётида етакчи ўрин эгаллайди. Бунда ҳаммасидан кўра назарий ва амалий жиҳатдан кутубхонашунослик билан тавсия библиографияси назарияси интегратсияси мартабаси баланддир. Иккинчи томондан, айнан кутубхона библиографияшунослик томонидан ишлаб чиқилган нашрлар тизими сифатида библиографик маҳсулотлардан китобхонлар билан ишлашда фойдаланишнинг энг оммабоп ва самарали воситаси ва босма маҳсулотлар таркибини очиб бериш усувларини амалда текширишнинг асосий негизидир. Кутубхоначилик иши ва

библиографиянинг азалдан тифиз алоқаси шу даражада табиийки, турмушда аҳолига кутубхона-библиографик хизматини кўрсатиш комплекс тушунчасининг пайдо бўлишига олиб келди. Айнан шу алоқаларнинг ўзулуксизлиги билан маҳсус таълим тизимида профессионал кадрларнинг жиддий ва деярли кенг кутубхоначилик ва библиографик таёргарлик олишини тушунтириш мумкин.

Кутубхонада қўйидаги асосий булимлар иш олиб боради:

- босма нашрлар билан тўлдириш;
- босма нашрларга ишлов бериш;
- китобхоналарга хизмат қўрсатиш ва босма нашрларни сақлаш;
- чет эл нашрлари бўлими;
- маълумотнома-ахборот бўлими;
- методик бўлими;
- техник - норматив ҳужжатлар бўлими.

Кутубхонада янги олинган китоб ва рисолаларнинг келажак кўрсаткичларини, чет эл журналларининг йиғиш каталогининг «Республика андозаларини (стандарти) ва техник шартлар» ахборот кўрсаткичини нашр этади.

Китоб-билим манбаи, зиё чашмаси ва тарбия воситасидир. Давлат арбоблари ҳамда машхур адиларимиз ҳам китобнинг халкнинг оғирини енгил қиласиган асосий омил, илм-фанни эгаллашда «калит» деб қараб келдилар. Ушбу борада М. Горкийнинг қўйидаги фикрини келтириш ўринлидир: «Китобни севсангиз, у оғирингизни енгил қиласиди, тафаккур, хиссиёт ва алғов-далғовли воқеаларнинг бўронли чигалларни ечишда дўст сифатида ёрдам беради.

Ҳаётда китобга энг қимматли нарса деб қаралади ва уни эҳтиёт қилиб сақланади. Чунки китоб ҳар бир кишининг йўлдошидир.

Ўтмишда ҳам китобга қизиқиш катта бўлган. Бу жихатдан Хоразимлик Юлдош ота Собиров хикояси қизиқарлидир. Бердимурод исмли дехкон Хоразимнинг узок Дўрмон қишлоғида Хивага келиб қолиб, Рахимберди деган кишиникида меҳмон бўлди. Бердимурод бобо мезбоннинг хикоя ва ғазалнинг ўқиб беришига қизиқиб қолди, уй эгасидан унинг қанақа китоб эканлигини сўради, худди бир янги оламга кириб қолгандай бўлади.

Мезбон китобнинг Фузулий, Оғахий каби улуғ зотларнинг, хикоя ва ғазаллари эканлигини айтади. У ўз фикрини давом эттириб, ўзим хаттот бўлганлигим учун қўлда қўчирдим, дейди. Меҳмон, яъни Бердимурод бобо, ундан яна қўчириб оласиз деб, китобни беришни илтимос қиласиди.

Бердимурод бобо миниб келган саман отини китоб эвазига қолдириб қишлоғига яёв қайтади. Унинг Хивадан қишлоққа китоб олиб келганлиги ҳақидаги хабар бир зумда ҳамма ёқقا тарқалади. Кечқурун қишлоқ ахли унинг уйига йиъилишиб, битта саводли кишини топадиларда, то тонг отгунча ғазал, хикоя ва хикматли сўзларни тинглайдилар.

Китоб ҳар бир кишининг дўсти бўлиб қолди, у ёшларимизнинг ғоявий-сиёсий жихатдан, дид ва фаросатини тарбиялашда ғоят мухим аҳамият касб этмоқда. Китоб тарбиячи ва маънавий қўмақдош аҳамиятига эга экан, уни ўз кўзимиз қорачиғидек асраримиз, эъзолашимиз лозим.

Мамлакатимиз аҳолисининг шахсий кутубхоналарига эга бўлишлариға қарамасдан, улар умумий кутубхоналардан ҳам мунтазам самарали фойдаланадилар.

Умумтаълим ўрта мактабларида ўқитувчиларнинг китоб тутиши ҳисобга олиниб, улар рағбатлантириб турилади.

Ўқувчи хулкига баҳо қўйилганда ҳам бу ҳисобга олинади. Бу, сўзсиз, фойдали ва тарбиявий аҳамиятга эгадир. Олий ва ўрта маҳсус билим юрти талабаларига нисбатан ҳам қандайdir рағбатлантириш йўлларини излаб топиш ва ундан унумли фойдаланиш яхши натижалар бериши табиийdir.

Шу мақсадда китобни севиш ва ундан фойдаланиш юзасидан талабаларнинг курслараро, факултетлараро кўрикларини ўтказиб туриш, энг яхши китоб тарғиботчи талабалар учун мукофотлар ташкил қилиш ва бошқа шу каби тадбирлардан фойдаланиш бу соҳадаги ишларни янада яхшилашга ёрдам беради. Бу соҳада дорилғуннуннинг асосий кутубхонаси. Китобсеварлар жамияти ва унинг турли жойлардаги вакиллари катта ташаббускорлик ишларини олиб боришилари лозим.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, ота-боболаримиз утмишда китобга нондек азиз деб қараганлар. Қолаверса, бир китоб йўзага келгунга қадар қанчадан-қанча меҳнат сарф этилади. Муаллиф кунни тунга улайди, захмат чекади, уни ўз фарзандидек ардоқлайди, уни қайта-қайта ишлайди. Мана, баъзи маълумотлар, Фирдавсий ўзининг машхур «Шоҳномасини» 30 йил азият чекиб ёзди. В.И.Далнинг «Толковий славар живого великорусского язо`ка асарини 53 йиллик меҳнати туфайли юзага келтириди. Махмуд Кошғарий Девону луғотит турк асарини 15 йил ичиди ёзиб тугаллади. Д.И.Менделеев химия элементларининг даврий системаси устида 8-10 йил ишлади. Бундай мисолларни маданиятимиз тарихидан кўплаб келтириш мумкин.

Талабалик хаётига тўла киришиш учун дарслик ва ўқув қўлланмаларидан фойдаланиш йўлларини, уларни методикасини билиб ўзлаштириб олиш лозим. Китоб устида ишлаш бир қанча босқичларни ўз ичига олади. Уларнинг мухимлари куйидагилардан иборатdir.

Китоб билан ишлашнинг биринчи босқичида адабиётлар танланади, яъни зарурый китоблар жамланади. Сизга биринчи курс талабаларига ўқитиладиган ҳар бир фан юзасидан тузилган ўқув дастурида кўрсатилган асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати ҳамда ҳар бир ўқитувчининг у ёки бу масала юзасидан чоп этилган янги асарларни ўқиши лозимлиги ҳақидаги курсатмалари бу масалани хал этишда яқиндан ёрдам беради.

Шу билан бирга, ҳар бир студент ўзини қизиктираётган масалаларга таълуқли адабиётларни мустақил равишда тўпишга одатланиши керак. Адабиётларни мустақил равишда тўплаш учун қуйидагиларни пухта эгаллаб олишлари тавсия этилади.

Библиография китобларни аниқ ҳисобга олади, матбуотда эълон қилинган асарларни гуруҳларга ажратади, тасниф қиласди, кўп ҳолларда уларга қисқача тавғифлар беради. Библиографияни тузишдан мақсад китобхонларда чоп қилинган асарларни маълум қилиш, зарур китобни қидириб топишда унга кумаклашишдир. Бугунги кўурсатмалар, рўйхатлар, каталоглар тузилади,

шархлар берилади ва хулоса чиқарилади. Уларда нашр қилинган асарлар рўйхати берилади.

Шундай қилиб, зарур китобни танлаш ва қидириб топишда библиография ва библиографик манбаларнинг аҳамияти ғоят каттадир.

Китоб устида ишлашнинг иккинчи босқичида китоб ўрганишга ва таҳлил қилишга киришилади. Бу босқич ҳам ўз тартиб ва қоидасига эга. Китобнинг у ёки бу ёғини варақлаб кўрилади. Олдин муаллиф номи, китобни қандай аталиши, қаерда ва қачон нашр этилганлиги ҳақида қимматли ахборот беради. Титул варак билан танишиб чиққандан сўнг, китобнинг мундарижасини синчиклаб ўрганиш зарур. Чунки мундарижада китобнинг режаси, қисқача мазмуни акс этган бўлади.

Китобни шу тарзда кўздан кечириб бўлгач, унинг сўз бошиси ёки муқаддима қисмини ўқиб чиқиши керак. Улар муаллиф ёки мутахассис китобида илгари сурилган ғояни тушунтириб беради, хал қилинаётган муаммонинг моҳияти ва унинг қандай ечилиши, уни ҳал қилишга ёндашиш йўллари хусусида қисқача ахборот беради.

Юқоридаги ишлар бажарилгандан сўнг, қўшимча материалларга жиддий эътибор бериш лозим бўлади. Улар изоҳ, ном, фан кўрсаткичлари, библиографиядан иборат бўлиб, у китобдаги материалларни тўлиқ ўрганиш учун қулийлик туғдиради. Китобни бир марта кўздан кечириб чиққанингиздан сўнггина уни синчиклаб варақлаб жиддий ўқишиш лозим.

Китобнинг устида ишлашнинг учунчи босқичи.

Бу босқичда ўқилган адабиётларнинг мазмуни қисқача ёзиб борилади. Ўрганилаётган масалада китобнинг қанчалик муҳим ёки муҳим эмаслиги хисобга олиниб, уни нечоғлик тафсилот билан ёзиб олиш лозимлиги аниқланади. Ўқилган китобларнинг мазмунини ёзиб олишнинг бир неча хил шакллари мавжуд. Ёзувни китоб устида ишлашнинг хулосаловчи қисми деб баҳолаш лозим. Китобнинг яхлит бир бўлими охиригача ўқиб бўлингандан сўнг, материал қиёмига етказилгач, яхшилаб тушуниш учун, конспект ёзиш тавсия этилади.

Ўқиши жараёнида ёзиб бориш текстнинг мазмунини тўлароқ ўзлаштириб олишга ёрдам беради. Натижада кўз билан кўринган нарса ҳаракат билан мустаҳкамланади. Ўқиши давомида йўл-йўлакай мазмунни қофозга тушуриб бориш китобхоннинг диққатини активлаштиради ва иш жараёнини тезлаштиради. Ёзиб бориш текстни эътибор билан атрофлича ўрганишни тақозо қиласи. Шунинг учун ҳам ўқиб, мазмунни қофозга тушуриб борилганди, ўқиши самарали бўлади. Бундан ташқари, бу усул мантиқий фикрлашни ўстиради.

Конспект олиш учун материаллар танлар экансиз, уни уйлаб, энг муҳимини ажратиб, текстнинг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро алоқани аниқлаб олинг. Ниҳоят, ёзиб бориш хотирада яхши сақланиб олган билимингизни системага солиша ва мустаҳкамлашда муҳим восита бўлиб хизмат қиласи.

Бу кейинги ишларингизда ҳам катта аҳамият касб этади. Қисқа вақт ичида бирон-бир нарсани тақрорлаш зарур бўлиб қолганда бу ёзувларни бир кўздан кечириб чиқсангиз, илгари ўқиган ҳамма нарсангиз ёдингизда қайта тикланади. Психологик ходиса бўлган хотиранинг асосий хусусияти ҳам шундадир.

Ёзib боришининг бир қанча форма ва кўринишлари мавжуд . Уларни баъзи бир ҳарактерли формаларини қуийда қисқача куриб ўтамиш:

Дастлабки ёзув ва белгилар. Китобни вараклаганингизда ёки такрорий ўқиган вақтингизда, унинг четига ёки алохидат қофоз қистирмага сахифа, абзатс ёхуд сатрнинг қайд қилган ҳолда турли шартли белгилар, маъқулловчи ёки рад этувчи сўзлар, баъзан эса бутун жумлалар билан белги, таъкидлов аломатлари қўйиб бориш мумкин.

К о н с п е к т . Ёзувнинг энг муҳим шакли конспектдир. Конспект бу ўрганилаётган материалнинг қисқача, яхлит мазмуни бўлиб, у сарлавха ва кичик сарлавхачаларга бўлинади. Конспект тузиш ижодий жараён бўлиб, кишининг мантиқий қобилияти ва нутқ маданиятини ўстиради.

Биринчи курс талабаларига, одатда, бир неча манбалар бўйича конспект олишга тўғри келади. Улар, кўпинча, китобдан бутун-бутун сахифаларни тўлиқ кўчириб ёзадилар ва сўнгра уларни ўқишида ўзлари ҳам чалкаштириб юборадилар.

Вақтни тежаш мақсадида сўзларни, баъзи вақтларда эса бутун бир жумлани қисқартириб ёзишга ҳаракат қилинг. Кўпинча, конспект нуқул кўчирмалардан ёки китобнинг мазмунини ўз сўзингиз билан қайта ёзив чиқишига тўғри келади. Бу икки усул ҳам аниқ йўлдан чиқиб кетишидир. Бундай хатога йўл қўйманг. Конспект қисқа ва лўнда бўлсин. Конспект аниқ ва тартибли бўлиши лозим. Уни фақат ручка билан ёзиш керак.

Дафтарнинг бир томонидан жой қолдириб ёзинг. Унда китобнинг сахифаси, мундарижа, ўз фикр ва мулохазаларигизни, эътирозингизни, конспект олиш вақтида туғилган фикр ва шу кабиларни тартиб билан ёзив боринг. Мавзу номини йирик ҳарфлар билан аниқ қилиб ёзинг. Шундан сўнг китобни тасвирланг: муаллиф исми, фамилияси, китобнинг номи, қачон ва қаерда чоп этилган, иложи борича, кўпроқ материал сиғдиришга ҳаракат қилинг, лекин текстнинг тушунарли бўлишига зиён етмасин.

Бу диққатни бир жойга тўплаш ва материални ёдда сақлаб қолиш учун ёрдам беради. Конспект олишда 8-10 бетлик материалдан 2-3 бет ёзив олиш етарлидир. Конспект олиш фикрни устиради, уни сермазмун қиласди, нутқ маданияти, услугуб ва лўғатни такомиллаштиради, энг муҳими ана шу фазилатларни мужассамлаштиришда конспект тўзишнинг ўзи катта омилдир. Чунки бунда фикр тўғри, аниқ тузилади, материал мулохаза қилинади.

Тўғри, конспект олишга ўрганиш авваллига бирмунча қийин ва мураккаб кўринади. Лекин бундан чўчимаслик керак. Агарда сиз ёзувнинг ана шу шаклидан мунтазам равишда пухта фойдалансангиз тезкорлик ва малака пайдо бўлади.

Қ и с қ а ч а м а ъ р у з а - мавзу билан ўзаро боғлиқ бўлган бир ёки бир неча ишнинг мазмунини умумлаштириб қайта хикоя қилиб беришидир. Қисқача маърӯза учун 10-12 бетлик материалдан бир сахифа ҳажмда ёзив олиш етарлидир.

Т ә з и с л а р . Бу китоб ёки мақолага муҳим фикрларни, мустақил тўпланган материалларни келтирмасдан қисқа ва аниқ таърифлашдир. Тезис режага мувофиқ ҳолда саволларга жавоб тариқасида тузилади. Тезис режага ққараганда манбанинг мазмунини муфассалроқ баён этади.

Тезис тузиш анча мушкул иш бўлишига қарамай ўрганилаётган масаланинг энг муҳим нуқталарига эътиборни қаратади. Тезислар маърӯздан ҳам камроқ бўлиши лозим. Шунга кўра, 10...15 бетдан чорак ёки ярим бет тезис олинса бас.

Қ ис қ а ё з у в. Бу китоб мақолаларининг мазмунини оддий таърифлаш, баён қилиш ва баъзида уни баҳолаш демакдир. Қисқа ёзувнинг ўзига хослиги шундан иборатки, у ўқилган текстнинг мазмунини жуда жиддий уйлаб ёзишни талаб этади. Уни ўз сўзингиз билан лўнда қилиб тузишингиз керак. Қисқа ёзув одатда чорак қофоз ёки ундан ҳам камроқ бўлади.

Масалан, «Самарқандский государственный университет» (қисқача тарихий очерк, 1977) номли 206 бетлик китоб учун 7 сатр, «Ойнаи Искандарий» (тўзувчи М.Мирсаидов, 1977) деган қарийб 400 сахифалик асар учун 8 сатр, 172 бетлик «Ўзбек тилининг ғарбий Самарқанд шевалари» (Н.Ражабов, 1977) монографияси учун 13 сатр, «Студентларнинг мустақил ишлари ва вақт бюджети»(Хошимов, Ж.Култоев, 1977) номли брошюраси учун 6 сатр ёзилган.

Хуллас, китоб ҳар бир фуқаронинг, жумладан ёшларнинг яқин дўсти, маслаҳатдоши, тарбиячиси ва устози бўлиб қолди. Китобсиз нафақат талабалик даврини, балки, умуман инсоният хаётининг ўзини тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки китоб ёшларга билим беради, уларни тарбиялайди ва дўстликка ундейди. Китоб ўрта ва катта ёшдаги кишиларни ҳам тарбиялайди ва қайта тарбиялайди. Бу жараён кадимда шундай бўлган, хозир ҳам давом этаяпти ва бундан кейин ҳам шу тарзда бўлаверади.

Шу сабабли мамлакатимиз китоб чоп эттиришга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Биргина 1999 йилда мамлакатимизда 2,5 миллиард нусхадан ортиқ китоб ва рисолалар чоп этилди. Китоб жамгармамизда ҳам тез суръатлар билан қўпайиб бормоқда. Уларнинг бир қисми оммавий кутубхоналарда сақланади. Республикаизда бундай кутубхоналарнинг уммумий сони 7,6 мингта бўлиб, улардаги китоб жамғармаси 79 млн.ни ташкил этади.

Қисқаси, китобсиз инсон ҳаётини тасаввур этиб бўлмайди. Ақлий меҳнат кишилари учун эса китоб биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиб, усиз бирон жабхада иш кўриб бўлмайди. Чунки «китоб меҳнат қуроли» бўлиб, бизнинг шахсий ҳаётимизда ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қиласади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Ўқув жараёнида китобнинг аҳамияти қандай?
2. Ўтмишдаги донишмандларнинг китобга бўлган қизиқишилари қандай бўлган?
3. Китоб билан ишлаш босқичлари нималардан иборат?
4. Конспект қандай ёзилади?
5. Тезислар қандай ёзилади?
6. Библиография тарихи ҳақида ахборот беринг .
7. Библиография методикаси нималардан иборат.
8. Махаллий ва ўлка библиографияси нималардан иборат.
9. Бугунги кунда Ўзбекистонда кутубхоначилик қандай даражада олиб борилмоқда.

Таянч иборалар:

Босма асарлар, библиографиянинг тарихи, китобнинг жамиятдаги урни, босма нашрлар билан тўлдириш, босма нашрларга ишлов бериш, китобхоналарга хизмат кўрсатиш ва босма нашрларни сақлаш, чет эл нашрлари бўлими, маълумотнома-ахборот бўлими, методик бўлим, техник - норматив хужжатлар бўлими.

Китоб билим манбаи, китоб билан ишлаш боскичлари, конспект ва тезисларни тайёрлаш, конспект, қисқача маъзуза, тезислар, қисқа ёзув.

6-МАЪРУЗА

МАВЗУ: УКУВ ЖАРАЁНИДА ЙЎНАЛИШ АСОСИДАГИ ФАНЛАРНИ ИЛМИЙ АСОСДА ТАШКИЛ ЭТИШ

РЕЖА:

1. Намунавий ва ишчи ўкув режа.
2. Намунавий ва ишчи фан дастурлари.
3. Календар режа.
4. Малака амалиёти.
5. Якунловчи давлат аттестатсияси.
6. Ўқитиш сифатини назорат.
7. Таълим сифатини назорат қилиш.
8. Олий таълим муассасаси аттестатсияси ва аккредитатсияси.
9. Талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси. Т.:2014.
2. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ти Қонуни. Т.: 1997
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т.:1997
4. Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг меъёрий-хуқуқий асослари. Т.:2015
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидаларни тасдиқлаш тўғрисидаги №343 сонли қарори.

Хозирги вақтда олий мактаб тизимида муҳим тарихий вазифани амалда тўлароқ ҳал этиш мамлакатимиз халқ хўжалигини юқори малакали ва билимдон мутахассислар етказиб бериш масаласи ҳал этилмоқда. Бу соҳада мутахассислар тайёрлашни режалаштиришда яхши тажрибалар ортирилган, хозир халқ хўжалигини фан маданият ва саноат мутахассислари билан таъминлаш режали равиша амалга оширилмоқда.

Олий таълим халқ хўжалигининг ўсиб бораётган талабини ва келажагини хисобга олиб иш кўрмоқда. Бунинг учун олий ўкув юртларининг профессор-ўқитувчилари жамоаси таълимнинг тўрт шартига:

- ўз фанини аъло даражада билиш;

- ўз касбини жондан севиш ва талабаларда ҳам шу фанга мұхабbat уйғотиши;
- синаб күриш ва амалий ишларни хозирги давр талаблари асосида уюштириши;
- чукур билимга эга бўлишга риоя қилиб келмоқдалар.

Ендиги асосий вазифа тайёрланыётган мутахассисларнинг сифатини янада яхшилашга, уларни ижодий фикрловчи ва ташаббускор мутахассислар қилиб тарбиялашга эришишдан иборатдир. Бу ўз навбатида талабаларга таълим беришни тубдан яхшилаш ва уларга замон талаблари даражасида тарбия беришни талаб қилади.

Талабалар олий ўқув юрти даргохига қадам қўйишлари билан ўзлари танлаган соҳалари, мутахассисликлари бўйича фанларнинг сирларини сабр-тоқат ва матонат билан ўзлаштирадилар. Бунда аудиторияларда ўтиладиган маърўзалар ва амалий машғулотларда фаолият кўрсатиш ҳамда мустақил ишлашни тўғри уюштира олиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Талаба учун ҳар бир дақиқа ғаниматдир.

Олий ўқув юртларининг ўқув -тарбия ишларидаги асосий камчилик сифатида улгурмовчилик кўзга ташланади. Чунки айрим талабалар ўз қобилиятларига мос келувчи касбни тўғри танлай олмасдан тасодифий равищда олий юртларга жойлашиб қолиб, сўнгра ўқиши ташлаб кетишига мажбур бўладилар ёки бир амаллаб битирадилар. Сўнгра улар белгиланган жойга ишга бормасдан, енгил ишларга ўзлари урадилар.

Айрим абутуриентлар олий ўқув юртларга кирганларидан кейин ўқитувчилар, яхши ўқийдиган талабалар ёрдамида, ўқиши яхши давом эттирадилар.

Хозирги вақтда профессор – ўқитувчилар ўқувчи ва талабаларнинг ўқув жараёнини жадаллаштириш борасида катта ишларни амалга оширилмоқда. Лекин булар мұхим ишларнинг бошланишидир.

Ҳамма ишни, жумладан, ўқув жараёнини ҳам илмий асосда ташкил этиш мураккаб бир жараён бўлиб, уни амалга тўла ошириш учун фан ва техникадаги сўнгги янгиликлар билан мунтазам равищда танишиб бориш, ишлаб чиқариш, маданият, санъат ва уларнинг келажак тараққиёти билан бевосита қизиқиши, ўқув -методик ва техника воситаларидан фойдаланишини такомиллаб бориш, ўқиши протсессини тўғри режалаштириш, илмий-педагогик мутахассисларни малакасини ошириб бориш, мутахассислардан ўринли фойдаланиш, талабаларнинг иш шароити, дам олиш ва ҳар хил жамият ишларига иштирокини мукаммаллаштириб бориш кабиларини ўз ичига олади.

Ўқув жараёнини бошқаришнинг самарадорлиги унинг қанчалик тўғри ва оқилона режалаштирилганлиги билан ўлчанади. Буни тўғри ҳал этишда ўқиши жараёнининг график жадваллари бир мунча енгиллик туғдириши мумкин.

Ўқув жараёнини муваффақиятли ва яхши ташкил этишда ўқитувчи ва талабаларга меҳнат фаолиятларини чукур ўрганиш мұхим аҳамиятга эга.

Ўқув жараёнини илмий асосда ташкил этишда, унинг психологик-физиологик томонини таҳлил қилиш мұхим аҳамият касб этади. Чунки, маърўза ва амалий машғулотларни ўзлаштиришда талабаларнинг меҳнат фаолиятини ошириш, фикрлаш хусусиятларининг қай даражада эканлигини, бунга мувофик

равишида сарф бўладиган меҳнат алоқасини тузища, ўқув режасини тузища ва улардаги фанларни дарс жадвалларига жойлаштиришида ҳар томонлама уйлаб иш юритиш максадга мувофиқдир.

Ўқитиш жараёнининг физиологик асоси сифатида рефлекслар ва маълумотлар тизимларидан, олий нерв фаолияти ҳақидаги таълимотдан фойдаланилади. Олий нерв фаолияти ҳақидаги таълимотга кўра, кишида руҳий ўзгариш ва ташқи муҳим натижасида юз берган ва ички фаолият билан боғлик бўлади. Рефлеск шартли ва шартсиз деб икки турга бўлинади. Шартли рефлекс одам ва хайвонларга хосдир. Уларда доимий равишида таъсири ва жавоб реактсия мавжуд бўлади. Шартли рефлекс билан шартсиз рефлекс ўзаро боғлик бўлиб, шартли рефлекслар шартсиз рефлекслар асосида пайдо бўлади. Ўқув жараёнида сўзнинг, нутқнинг маъноси ва аҳамияти ғоят каттадир. Талабалар сўзлар, белгилар ва формулалар ёрдамида мураккаб илмий тушунчаларни ўрганадилар. Шундай экан, ўқув жараёнини илмий асосда ташкил этиш муҳим ва зарурдир.

Ўқув режалари ва дастурлари. Ўқув режаси давлат хужжати бўлиб, ўқув ишлари тартиби, мазмуни, шаклларини аниқ белгилаб беришда, шунингдек, талабаларнинг билимини назорат қилиш ҳамда баҳолашда алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўқув режасида маърӯза ва амалий машғулотлар, жорий, оралиқ ва якуний баҳолашлари, биттирув малакавий ишлари, таътиллар ўтказишнинг муддатлари аниқ кўрсатилади. Ўқув режасига мувофиқ бошланғич курсларда эса (мутахассис) кўпроқ умумий фанлар ўқитилади. Юкори курсларда эса йўналишлар бўйича маърӯза ва амалий машғулотлар олиб борилади.

Ўқув режалари ҳамма ўқув юртлари учун бир хилда эмас, чунки уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ўқув муддатини белгилашда ҳисобга олинади. Масалан, айрим ўқув юртлари тўрт йил, баъзилари беш йил, бошқалари эса олти йилга мулжалланган. Шунга мувофиқ ўтказиладиган фанлардан назоратлар ва курс ишлари миқдори семестрлар бўйича аниқ белгилаб чиқилади.

Ўқув режасидаги ҳар бир фан ўзининг ўқув дастурига эга бўлади. Дастурларни олимлар ва тажриба ўтказувчи ўқитувчилар тузиши мумкин. Дастурлар маърӯза ва амалий машғулотларни олиб борувчи олим-педагоглар томонидан тайёрланганлиги маъқул. Чунки ўқув режасини мохиятини тўла очиб бериши лозим.

Дастур қисқагина сўз билан бошланиб, сўнгра бир неча боблар ёки бўлимларга ажратилади. Ҳар бир боб ёки бўлимда алоҳида ўтиладиган мавзулар берилиб, охирида зарурий ва қўшимча адабиётлар рўйхати келтирилади.

Дастурда фанлар боб, қисм ва бўлимларга ажратилиб, ҳар бир мавзу бўлимларга бўлинади, ҳар бир боб, бўлим ёки қисмдан сўнг фойдаланиши лозим бўлган адабиётлар алфавит тартибида рўйхатга келтирилади. Бу ўқитувчининг маърӯза ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўришини осонлаштиради. Шунинг учун ўқитувчилар дастурдаги адабиётларнинг бир қисмигина талабаларга мустақил ишлаш учун тавсия этишлари лозим.

Деканат дарс жадвалининг тузилишига алоҳида аҳамият бериши лозим. Кулай тартибда тузилган дарс жадвали ўз навбатида ўқитувчининг ҳам, талабаларнинг ҳам вақтини тежайди ва ишини осонлаштиради.

Мавжуд ўкув дастурлари асосида ўқитувчи ўз иш дастурини тузади. Шунингдек, маърӯза ва амалий машғулотлар алоҳида кўрсатилади. Адабиётларнинг бир қисми мустақил ишлаш учун тавсия этилади.

Ўкув -тарбиявий жараённи ташкил қилиш қўйидагилардан иборат:

- олий таълим муассасасидаги таълим жараёни давлат таълим стандартларини амалга оширишни таъминлайди.
- Олий таълим муассасаларида ўкув машғулотларининг қўйидаги турлари жорий қилинган: маърӯза, маслаҳат, семинар, амалий машғулот, лаборатория иши, назорат иши коллоквиум, мустақил иш, амалиёт курс лойихаси (иши), малака битирув иши.

Аудитория машғулотларининг барча тури учун 45 (ёки танаффусиз жуфт маърӯзалар учун 40) минутли академик соат жорий қилинган. Машғулотлар ўртасидаги танаффус 10 минутдан кам эмас.

- Олий таълим муассасаларида ўкув йили, одатда, икки семестрга бўлинади, улардан ҳар бири талабалар ўзлаштириши натижаларининг якуланиши билан тугалланади.

Ўзлаштирувчи талабаларни курсдан курсга ўтказиш факултет деканининг тақдимига биноан олий таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи орқали амалга оширилади. Шартли равишда ўтказишга йўл қўйилмайди.

Олий таълимнинг касбий таълим дастурларини тула ўзлаштириш таълимни бошкариш бўйича ваколатли давлат идораси тасдиқланган Низомга биноан битирувчиларни мажбурий якуний аттестатсиялаш билан тугалланади.

- Талабалар амалиётлари барча турлари давлат ва нодавлат корхоналар ва ташкилотларда улар билан олий таълим муассасалари уртасида тўзилган шартномаларга биноан, ўкув режалари ва «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти ҳақида намуновий Низом» га мувофиқ ўтказилади.
- Олий таълимнинг касбий таълим дастурлари: кундузги, сиртқи, экстернат ва масофавий таълим олиш шаклларида ўзлаштирилиши мумкин.

Бир вақтнинг ўзида тўлов-контракт асосида ўзга шаклда иккинчи тур таълим олишга ҳам йўл қўйилади. Фақат кундузги таълим олиш мумкин бўлган кадрлар тайёрлаш йўналишлари (ихтисосликлари)нинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан жорий қилинади.

Малака амалиёти

Танишув амалиёти: Талабалар чарм ва мўйна буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналар структураси, бўлимлари ва корхоналарда фойдаланиладиган жиҳозларнинг ҳар хил турлари билан танишадилар; талабалар буюмнинг асосий деталларига ишлов беришнинг технологик жараёнлари, ишлов беришнинг асосий босқичлари, ишлаб чиқаришнинг илгор технологиялари, чарм ва мўйна буюмлари ишлаб чиқарувчи корхона бўлимларининг хусусиятлари билан танишиб уларни амалий жиҳатдан ўрганадилар.

Ишлаб чиқариш амалиёти: Талабалар конструкторлик масаласини ечиш учун зарур бўлган конструкторлик-технологияси бўйича назарий билимларни ва амалий кўникмаларни; технологик ҳужжатлардан фойдаланиш, конструкторлик ҳужжатларини технологик назорат қилиш, деталлар конструкцияларига ишлов бериш технологик жараёнларини ишлаб чиқиш бўйича амалий кўникмаларни эгаллайдилар; талабалар фан, техника ва технологияни янги ютуқлари,

технологик жараёнларни ташкил этиш масалалари, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, маҳсулот сифатини бошқариш комплекс тизими, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган тадбирларни ўрганадилар.

Битирув олди амалиёти: Битирувчини бевосита стандарт талабларига мувофиқ мустақил ишлашга тайёрлаш; ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш; жамоада ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар олиб бориш бўйича тажриба ҳосил қилиш; корхонанинг бошқариш тизимини, штатларни, технологик бўлинмалари тузилишини ва технологик хўжалигини, технологик жараёнларни автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимларини, хомашё ва буюмларни сифатини, таннархини аниқлаш усулларини ўрганади; ишлабчиқариш тсехлари таснифини улардаги технологик жараённи ташкил этилиши, чиқарилаётган маҳсулотлар, янги жиҳозлар тўғрисида тўлиқ маълумотлар келтирилади; тсехларнинг бизнес-режасини ўрганади ва битирув ишини бажариш учун материаллар тўплайди.

Яқунловчи давлат аттестатсияси- бакалавр ёки магистр даражасига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ холда, маълум талаб ва тартиботлар воситасида (фанлар бўйича давлат аттестатсияси, битирув малакавий иши ёки магистрлик диссертатсияси ҳимояси) битирувчи томонидан олий таълим дастурининг ўқув режа ва дастурларининг бажарилиши сифатини баҳолаш

Таълим сифатини назорат қилиш- ўқитиш мазмуни ва натижаларининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқдигини текшириш.

Ўқитиш сифатини назорат қилиш - талабанинг билим савиясини текшириш ва унинг ўқув дастурини ўзлаштириш даражасини аниқлаш. Талabalар билими рейтинг тизими асосида баҳолади. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2010 йил 25 августдаги 333-сон буйруғи билан Олий таълим муассасаларида талabalар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом тасдиқланган. Ўқитиш сифатини назорат қилиш- талабанинг билим савиясини текшириш ва унинг ўқув дастурини ўзлаштириш даражасини аниқлаш.

Олий таълим муассасаси аттестатсияси- олий таълим муассасасида кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг ОТ ДТС талабларига мувофиқдигини аниқловчи тадбир;

Олий таълим муассасаси аккредитатсияси- олий таълим муассасаси фаолияти даражасининг ОТ ДТС мезон ва талабларига жавоб берининг давлат томонидан эътироф этилиши.

Талabalар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими: Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг "Та'лим тўғрисида"ги ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сон "Олий та'лимнинг Давлат та'лим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига ҳамда Олий ва ўрта маҳсус та'лим вазирлигининг 2009 йил 11 يولдаги 204-сонли буйруғи билан тасдиқланган ҳамда Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 10-иулда 1981-сон билан рўйхатдан ўтказилган "Олий та'лим муассасаларида талabalар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида"ти Низом талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган. У Мирзо Улуғбек

номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизимининг жорий этилишини тартибга солади.

I. Умумий қоидалар

1. Талабалар билимини назорат қилиш ва рейтинг тизими орқали баҳолашдан мақсад та'лим сифатини бошқариш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш, талабаларнинг фанларни ўзлаштиришида бўшлиқлар ҳосил бўлишини олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этишдан иборат.

2. Рейтинг тизимининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- талабаларда Давлат та'лим стандартларига мувофиқ тегишли билим, кўникма ва малакалар шаклланганлиги даражасини назорат қилиш ва таҳлил қилиб бориш;
- талабалар билими, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг асосий тамойиллари: Давлат та'лим стандартларига асосланганлик, аниқлик, ҳаққонийлик, ишончлилик ва қулай шаклда баҳолашни та'минлаш;
- фанларнинг талабалар томонидан тизимли тарзда ва белгиланган муддатларда ўзлаштирилишини ташкил этиш ва таҳлил қилиш;
- талабаларда мустакил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, ахборот ресурслари ва электрон манбалардан самарали фойдаланишини ташкил этиш;
- талабалар билимини холис ваadolатли баҳолаш ҳамда унинг натижаларини вақтида ма'lум қилиш;
- талабаларнинг фанлар бўйича комплекс ҳамда узлуксиз тайёргарлигини та'минлаш;
- ўкув жараёнининг ташкилий ишларини компьютерлаштиришга, я'ни ма'lумотлар базасини шакллантиришга шароит яратиш.

3. Фанлар бўйича талабалар билимини баҳолаб бориш рейтинг назорати жадваллари ва баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади.

4. Фанлар бўйича рейтинг назоратлари жадвали ҳар бир проф-ўқитувчи томонидан фан дастури ва хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда назорат тури, сони ва уларни ўтказиш муддатлари, баҳолаш мезонларини ўз ичига олган ҳолда ишлаб чиқилади.

II. Назорат турлари ва уни амалга ошириш тартиби

1. Назорат турлари, жумладан ЖН ва ОН ларни ўтказиш тартиби ва мезонлари, фан ўқитувчиси томонидан ишлаб чиқилган рейтинг назоратлари жадвали кафедра мудири тавсияси билан факултет ўқув-услубий кенгашида муҳокама қилинади ва тасдиқланади ҳамда ҳар бир фаннинг ишчи ўқув дастурида машғулот турлари билан биргаликда кўрсарилади.

2. Рейтинг назорати жадваллари, назорат тури, шакли, сони ҳамда ҳар бир назоратга ажратилган максимал балл, шунингдек жорий ва оралиқ назоратларнинг саралаш баллари ҳақидаги маълумотлар фан бўйича биринчи машғулотда дарс олиб борадиган профессор-ўқитувчи томонидан талабаларга эълон қилинади ва уларнинг дафтарларига ёздириб қўйилади.

3. Талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турларини ўтказиш назарда тутилади:

Жорий назорат –талабанинг фан мавзулари бўйича билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Жорий назорат фаннинг хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда:

- семинар;
- лаборатория;
- амалий машғулот;
- тест ўтказиш;
- сұхбат;
- назорат иши;
- коллоквиум;
- уй вазифаларини текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилади.

ЖН лар сони фан бўйича амалий, семинар, лаборатория машғулотлари учун ажратилган соатлар ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Оралиқ назорат-семестр давомида ўқув дастурининг (тегишли фаннинг бир неча мавзулварини ўз ичига олган) бўлимни туталлангандан кейин талабанинг билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Оралиқ назоратнинг сони (бир семетрда икки мартадан кўп ўтказилмаслиги лозим) ва шакли (ёзма, оғзаки, тест, презентация ва ҳоказо) ўқув фанига ажратилган умумий соатлар ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда кафедра томонидан белгиланади; Масалан: семестр давомида ҳафтасига 2 соатли фан бўйича 1 та оралиқ назорат, ҳафтасига 4 ёки 6 соатли фан бўйича 2 та оралиқ назорат белгилаш мақсадга мувофиқ.

Якуний назорат -семестр якунида муайян фан бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули.

Якуний назорат асосан таянч тушунча ва ибораларга асосланган “Ёзма иш” шаклида ўтказилади. Таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда факултет Илмий кенгаши қарори билан кўпи билан умумкасбий ва ихтисослик фанларининг 40 %дан якуний назоратлар бошқа шаклларда (оғзаки, тест ва ҳоказо) кўринишида ўтказилиши мумкин.

4. Оралиқ назоратларни ўтказиш жараёни ҳар бир кафедра мудири томонидан тузилган комиссия иштирокида доимий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиби бузилган ҳолларда оралиқ назорат натижалари бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда оралиқ назорат қайта ўтказилади.

5. Университет ректорининг буйруғи билан ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигига тузилган комиссия иштирокида якуний назоратни ўтказиш жараёни доимий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда якуний назорат натижалари бекор қилинади. Бундай ҳолларда якуний назорат қайта ўтказилади.

6. Рейтинг жадвалида кўрсатилган назорат натижаларини кафедра мажлисида мухокама қилиш ва тегишли қарор қабул қилиб бориш кафедра мудири зиммасига юклатилади.

7. Ўқув йили тугаганидан кейин рейтинг назорати натижаларига кўра талабаларни кейинги курсга ўтказиш тўғрисида ўрнатилган тартибда қарор қабул қилинади.

III. Баҳолаш тартиби ва мезонлари

1. Талабаларнинг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида талабанинг ҳар бир фан бўйича ўзлаштириш даражаси баллар орқали ифодаланади.

2. Ҳар бир фан бўйича талабанинг семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда баҳоланади.

Ушбу 100 балл назорат турлари бўйича фаннинг хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда кафедра томонидан жорий, оралиқ ва якуний назоратларга тақсимланади:

якуний назоратга 30 балл;

жорий ва оралиқ назоратларга - 70 балл.

3. Талабанинг рейтинг дафтарчасига алоҳида қайд қилинадиган курс иши (лойиҳаси, ҳисоб-график ишлари), малакавий амалиёт, фан (фанлараро) бўйича якуний давлат аттестатсияси, битирув малакавий иши ва магистратура талабаларининг илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлари, магистрлик диссертатсияси бўйича ўзлаштириш даражаси 100 баллик тизимда баҳоланади.

4. Талабанинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичини назорат қилишда қуйидаги мезонлар тавсия этилади:

а) 86-100 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

- хуласа ва қарор қабул қилиш;
- ижодий фикрлай олиш;
- мустақил мушоҳада юрита олиш;
- олган билимларини амалда қўллай олиш;
- моҳиятини тушуниш;
- билиш, айтиб бериш;
- тасаввурга эга бўлиш.

б) 71-85 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

- мустақил мушоҳада юрита олиш;
- олган билимларини амалда қўллай олиш;
- моҳиятини тушуниш;
- билиш, айтиб бериш;
- тасаввурга эга бўлиш.

в) 56-70 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

- моҳиятини тушуниш;
- билиш, айтиб бериш;
- тасаввурга эга бўлиш.

г) Қуйидаги ҳолларда талабанинг билим даражаси 0-55 балл билан баҳоланиши мүмкін:

- аниқ тасаввурга эга бўлмаслик;
- жавобларда хатоликларга йўл қўйилганлик;
- билмаслик.

5. Профессор-ўқитувчилар томонидан муайян фандан жорий ва оралиқ назоратлар бўйича аниқ мезонлар ишлаб чиқилиб, кафедра мудири томонидан тасдиқланади ва талабаларга етказилади.

6. Якуний назоратлар учун баҳолаш мезонлари ва топшириқлари кафедралар томонидан ишлаб чиқилиб, факултетлар Илмий-услубий кенгаши томонидан тасдиқланади.

7. Талабаларнинг ўқув фани бўйича мустақил иши жорий, оралиқ ва якуний назоратлар жараёнида тегишли топшириқларни бажариши ва унга ажратилган баллардан келиб чиқсан ҳолда баҳоланади.

8. Талабанинг фан бўйича рейтинги қўйидагича аниқланади:

$$Rf = \frac{V \cdot O}{100}$$

бу ерда:

В - семестрда фанга ажратилган умумий ўқув юкламаси (соатларда);
Ў- фан бўйича ўзлаштириш даражаси (балларда).

9. Фан бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратларнинг ҳар бирига ажратилган баллнинг 55 фоизи саралаш бали этиб белгиланади.

Жорий ва оралиқ назоратларнинг ҳар бирига ажратилган баллнинг саралаш бали 55 фоиздан ортиқ балл тўплаган барча талабалар ушбу фан бўйича якуний назоратга киритилади.

Агар талаба якуний назоратда шу назорат тури бўйича саралаш балидан юқори балл тўпласа, бу балл жорий ва оралиқ назоратларда тўпланган балларга қўшилади. Акс ҳолда талабанинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи фақат жорий ва оралиқ назоратларнинг баллари йигиндисидан иборат бўлади.

10. Талабанинг семестр давомида фан бўйича тўплаган умумий бали ҳар бир назорат туридан белгиланган қоидаларга мувофиқ тўплаган баллари йигиндисига teng.

11. Жорий баҳолаш мезонлари:

1. Лаборатория ишини баҳолашда қўйидагилар инобатга олинади:

- мустақил назарий тайёргарлик даражаси (конспект, оғзаки савол-жавоб);
- ишни бажаришдан мақсад ва бажариш тартибини билиш;
- ишни бажариш жараёнида олинган натижалар асосида ҳисоблашларнинг тўғри амалга
- оширилганлиги;

- олинган натижаларни таҳлил қилиш орқали чиқарилган хulosаларнинг илмийлиги.
2. Амалий машғулотлардаги баҳолаш жараёнида қўйидагилар инобатга олинади:
- мустақил назарий тайёргарлик даражаси;
 - амалий машғулот топшириқларини бажариш жараёнида назарий билимларни тўғри
 - қўллай билганлиги (керакли формула, қонуниятлар тўғри ишлатилганлиги).

3. Семинар машғулотларини баҳолаш жараёнида қўйидагилар инобатга олинади:

 - семинар мавзуси доирасида кўрсатилган саволлар бўйича конспектнинг мавжудлиги;
 - машғулотга тайёргарлик жараёнида тавсия этилган адабиётлардан фойдаланилганлиги;
 - тавсия этилган адабиётлардан ташқари қўшимча адабиётлардан (дарслик, даврий
 - матбуот, Интернетдан олинган маълумотлар ва ҳоказо) фойдаланганлиги;
 - семинар режасида қўйилган саволларга жавобларнинг аниқ, илмий асосланганлиги;
 - ҳар бир савол бўйича хulosаларнинг тўғрилиги.

12. Оралиқ баҳолаш мезонлари:

 - фанинг ОБ учун белгиланган бўлими ёки қисми бўйича назарий билимларнинг тўла
 - ўзлаштирилганлик даражаси;
 - олинган назарий билимларни қўллай билиш кўникмаларининг шаклланганлиник
 - даражаси;
 - қўйилган саволларга берилган жавобларнинг илмий асосланганлиги;
 - ўтилган мавзулар бўйича мустақил фикрлаш қобилиятини намоён этганлиги;
 - тавсия этилган адабиётлардан ташқари, қўшимча манбалардан фойдаланилганлиги;

13. Якуний баҳолаш мезонлари:

 - фан бўйича назарий билимларнинг тўла ўзлаштирганлик даражаси;
 - олинган назарий билимларни амалда қўллай билиш кўникмаларининг шаклланганлиги;
 - қўйилган саволларга берилган жавобларнинг аниқ ва лўнда илмий асосланганлиги;
 - ўтилган фан бўйича мустақил фикрлаш қобилиятининг шаклланганлиги;
 - тавсия этилган адабиётлар ва қўшимча манбаларни ўзлаштирганлиги.

IV. Назорат турларини ўтказиш муддати

1. Жорий ва оралиқ назорат турлари профессор-ўқитувчиларнинг календар тематик режасига мувофиқ фан хусусияти ҳисобга олинган ҳолда фан ўқитувчиси томонидан ишлаб чиқилган рейтинг назорат жадваллари асосида ўтказилади.

2. Якуний назорат семестрнинг охирги икки ҳафтаси мобайнида ўтказилади.

3. Талаба фан бўйича курс лойиҳаси ёки курс ишини ушбу фан бўйича тўплаган баллари умумлаштирилишига қадар топшириши шарт.

4. Жорий ва оралиқ назоратларда саралаш баллидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, навбатдаги шу назорат туригача, сўнгги жорий ва оралиқ назоратлар учун якуний назоратгача бўлган муддат берилади.

5. Касаллиги сабабли дарсларга қатнашмаган ҳамда белгиланган муддатларда жорий, оралиқ ва якуний назоратларни топшира олмаган талабаларга факулиеи декани фармойиши асосида ўқишни бошлагандан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга рухсат берилади.

6. Талабанинг семестрда жорий ва оралиқ назорат турлари бўйича тўпланган баллари ушбу назорат турлари умумий балининг 55 фоизидан кам бўлса ёки семестр якунида жорий, оралиқ ва якуний назорат турлари бўйича тўпланган баллар йиғиндиси 55 баллдан кам бўлса, у академик қарздор ҳисобланади.

7. Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун университет ректорининг буйруғи билан бир ой мухлат берилади. Шу муддат давомида фанни ўзлаштира олмаган талаба, факултет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан чеилаштирилади.

8. Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, фан бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факултет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факултет деканининг тавсиясига кўра ректор буйруғи билан 3 (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибда аппелатсия комиссияси ташкил этилади. Аппелатсия комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида хулосасини билдиради.

9. Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факултет декани, кафедра мудири, ўқув-услубий бошқарма ҳамда ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан назорат қилинади.

V. Рейтинг натижаларини қайд қилиш ва таҳлил этиш тартиби

1. Талабанинг фан бўйича назорат турларида тўплаган баллари семестр якунида рейтинг қайдномасига бутун сонлар билан қайд қилинади. Рейтинг дафтарчасининг “Ўқув режаларида ажратилган соат” соат устунига семестр учун фанга ажратилган умумий ўқув юклами соатлари, “Фандан олинган баҳо”

устунига эса 100 баллик тизимдаги ўзлаштириши қўйилади. Талабанинг саралаш балидан паст бўлган ўзлаштириши рейтинг дафтарчасида қайд этилмайди.

2. ҳар бир фан бўйича ўрказиладиган назорат турларининг натижалари гурух ва профессор-ўқитувчи журналлари ҳамда қайдномада қайд этилади ва шу куннинг ўзида (назорат тури ёзма иш шаклида ўтказилган бўлса, 2 кун ичида) талабалар эътиборига етказилади.

3. Якуний назорат натижаларига кўра фан ўқитувчиси талабаларнинг фан бўйича рейтингини анқилайди ҳамда рейтинг дафтарча ва қайдноманинг тегишли қисмини тўлдиради.

4. Талабанинг рейтинги унинг билими, кўникмаси ва малакалари даражасини беглилайди.

Талабанинг семестр (курс) бўйича умумий рейтинги барча фанлардан тўпланаган рейтинг баллари йиғиндиси орқали аниқланади.

5. Талабалар умумий рейтинги ҳар бир семестр ва ўқув йили якунлангандан сўнг эълон қилинади.

6. Диплом иловаси ёки академик маълумотномани деканат томонидан расмийлаштиришда фан бир неча семестр давом этган бўлса, рейтинглар йиғиндисининг ўртачаси олинади.

7. Талабанинг жорий, оралиқ ва якуний назоратларда эришган натижалари:

- гурух журнали
- ўқитувчининг шахсий журнали
- рейтинг қайдномасида
- қайд этилгач, ўзлаштириш қўрсаткичлари деканатлар томонидан компьютер базасига киритилиб, кафедралар, деканатлар ва ўқув-услубий бошқармада мунтазам равишда таҳлил қилиб борилади.

8. Жорий, оралиқ ва якуний назорат натижалари кафедра йиғилишлари, факултет ва университет Илмий кенгашларида мунтазам равишда муҳокама этиб борилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

VI. Якуний қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекитон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази тест баҳолари ва рейтинг балларининг холислигини текширишни ташкил этиш ва назорат қилиш хукуқига эга.

2. Ушбу Низомда белгиланган масалалар бўйича келиб чиққан низолар қонун хужжатлари асосида ҳал қилинади.

Таянч иборалар:

Намунавий ва ишчи ўқув режа, намунавий ва ишчи фан дастурлари, календар режа, малака амалиёти, якунловчи давлат аттестатсияси, ўқитишифатини назорат, таълим сифатини назорат қилиш, олий таълим муассасаси аттестатсияси ва аккредитатсияси, талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Намунавий ўқув режанинг вазифаси нималардан иборат?
2. Ўқув режанинг тузилиши ҳақида гапириб беринг .
3. Ўқув дастурларининг тузилиши қандай олиб борилади?
4. Календар режанинг ёзилиш тартиби қандай олиб борилади?
5. Ўқув жараёнинг илмий асосда ташкил этиш ҳақида ўз фикрингиз .

7-МАРГУЗА

МАВЗУ: ЎЗБЕК ТИЛИДА ИШ ЮРИТИШ.

РЕЖА:

1. Корхона ва ташкилотларда узбек тилида иш юритиш.
2. Иш юритишда керакли хужжатлар.
3. Хизмат хатлари.
4. Хужжат турлари ва хусусиятлари.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат тили ҳақидаги Қонун. Т,:1995
2. Маҳмудов Н. Ўзбек тилида иш юритишТ.:2009

Иш юритишни бевосита асосий хужжатлар ташкил қиласи. Бирон—бир корхона, муассаса ёки ташкилотнинг фаолиятини бугунги кунда ана шу хужжатларсиз мутлақо тасаввур қилиш мумкин эмас. Мазмунан, хажман ва шаклан хилма-хил бўлган хужжатлар каттаю- кичик меҳнат коллективларининг, умуман кишилик жамиятининг узликсиз фаолиятини тартибга солиб туради. Зоро, хужжатлар кечагина пайдо бўлган нарса эмас, кишилик жамияти шакланиши биланоқ бу жамият аъзолари ўзаро муносабатларидаги муайян мухим ҳолатларни мунтазам ва қатъий қайд этиб боришга эҳтиёж сезганлар. Ана шу эҳтиёжга жавоб сифатида, табиийки, илк, ибтидоий хужжатлар юзага келган.

Жумхуриятимизда ҳам ана шу соҳани йўлга қўйиш учун илк ҳаракатлар қилинди. Ўзбекистон жумхурияти 1924 йилнинг 31 декабрида 48-рақамли муҳим бир қарор қабул қилди. Бу қарорнинг номини айнан келтирамиз: «Ишларни ўзбек тилида юргизиш ҳам Ўзбекистон жумхуриятининг инқилобий комитети хузурида марказий ерлашдириш хайъати ва маҳаллаларда музофот ерлашдириш хайъатлари тўзилиш(и) тўғрисида». Ушбу қарор, унда таъкидланишича, шўро идораларининг ишларни ерли халқقا яқинлаштириш ва ишчи-дехконларни шўро тузилиш ишига аралаштириш мақсади билан қабул қилинган.

Қарорда хукумат, кооператив, хўжалик идорлари ва бошқа муассаса, ташкилот ва корхоналар жумхуриятнинг булист (волост) ҳам уяз (уезд) доирларида бутун ёзув ишларни фақат ўзбек тилидагина юргизишга мажбур этиш вазифаси қўйилади. Бунинг учун корхона, ташкилот ва муассасаларда «ишларни ўзбек тилида юргизиш бўлмалари (ни) ташкил қилмоқ», йўриқномалар нашр қилиш, «ерлик халқдан амалий ишчилар (иш юритиш бўйича) тайёрламоқ» ва бошқа ташкилий ишларни амалга ошириш лозимлиги мазкур қарорда маҳсус курсатиб ўтилган. Бу қарорни жорий қилиш юзасидан, табийки, муайян ишлар амалга оширила бошлади, хусусан маҳсус иш қоғозлари тайёрланди. Лекин 30-йилларнинг 2-ярмидан бошлаб, ўзбек тилига бўлган эътибор расман суссайиб борган. Ўша мураккаб тарихий жараён, халқларнинг миллий ўзликларини англашларидан хокимиятнинг даҳшатли даражадаги қўркуви, бу қурқув хукмрон бўлган қатагон даврининг аччиқ самараси бугун хеч кимга сир эмас.

Маълумки, ҳужжатлар хилма-хил ва миқдордан жуда қўп. Ҳужжатларнинг мақсади, йўналиши, ҳажми, шакли ва бошқа бир қатор сифатлари ҳам турличадир. Шундай экан, ҳужжатлар тилига қўйиладиган умумий талабалар билан бир қаторида қўпгина лисоний талаблар ҳам мавжуд. Муайян турдаги ҳужжат, албатта, ўзига хос лисоний хусусият васифатлар билан белгиланади. Бу хусусият ва сифатларни ҳар тарафлама ва чуқур тасаввур қилмасдан туриб, мукаммал ҳужжатчиликни яратиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун бу ўринда ҳужжатлар таснифи масаласи алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳужжатшуносликдаги ана шу анъанага қўра иш юритишдаги ҳужжатлар энг аввало яратилиш ўрнига қўра тасниф қилинади, бу жихатдан ташки ва ички ҳужжатлар фарқланади. Ички ҳужжатлар айни муассасанинг ўзида тузиладиган ва шу муассаса ичida фойдаланиладиган ҳужжатлардир, муайян муассасага бошқа ташкилот ёки айрим шахслардан келадиганлари эса ташки ҳужжатлардир.

Ҳужжатлар мазмунига қўра икки турли бўлади: 1) содда ҳужжатлар-муаян бир масалани ўз ичига олади; 2) мураккаб ҳужжатлар-икки ёки ундан ортиқ масалани ўз ичига олади.

Мазмун баёнининг шакли жихатидан хусусий (индивидуал), намунали (типовой) ва қолипли (трафаретли) ҳужжатлар фарқланади. Матннинг ўзига хослиги, бетакрорлиги, ҳамиша ҳам бир андазада бўлмаслиги хусусий ҳужжатларнинг асосий белгиларидир (масалан, хизмат ёзишмалари ва шу кабилар). Бундай ҳужжатларда ҳам муайян доимий таркиб мавжуд бўлса-да, бевосита мазмун баёни бир қадар эркин бўлади. Намунали ҳужжатлар бошқарувнинг муайян бир хил вазиятлари билан боғлиқ, бир-бирига ўхшаш ва қўп такрорланадиган масалалар юзасидан тузилган матнларни ўз ичига олади. Қолипли ҳужжатлар, одатда, олдиндан тайёрланган босма иш қоғозларига ёзилади, бундай ҳужжатлар икки турли ахборот акс этади, яъни ўзгармас (олдиндан тайёр босма матнда ифодаланган) ва ўзгарувчи (ҳужжатни тузиш пайтида машинкада ёки кўлда ёзиладиган) ахборотлар; шунинг учун бу тур ҳужжатларга нисбатан кўпинча «ёзмоқ» эмас, балки «тўлдирмоқ» сўзи ишлатилади.

Шу ўринда айтиш керакки, хужжатларни қолипли турларини кенгайтириш – иш юритишни такомиллаштиришдаги истиқболли йўллардан биридир. Чунки бундай қилиш хужжат матнларини бир хилликка олиб келиш ва хужжат тайёрлаш учун кетадиган вақт ҳамда меҳнатни анчагина тежаш имкониятини беради. Қолипли хужжатлар сирасига, масалан, иш хақи ёки яшаш жойи ҳақидаги маълумотномалар, айрим далолатномалар, хизмат сафарлари гувоҳномалари ва бошқа кўплаб хужжатларни киритиш мумкин.

Хужжатлар тегишлилик жихатига кўра, хизмат ёки расмий хужжатлар ва шахсий хужжатларга ажратилади. Хизмат хужжатлари тайёрланишига кўра муассаса ёки мансабдар шахсларга тегишли бўлса, шахсий хужжатлар якка шахслар томонидан ёзилиб, уларнинг хизмат фаолиятларидан ташқаридағи ёки жамоат ишларини бажариш билан боғлиқ масалаларга тегишли бўлади (масалан, шахсий ариза, шикоят ва х.к.).

Хужжатларни тайёрланиш хусусияти ва даражаси ҳам бениҳоя мухим. Бу жихатига кўра хужжатлар қуидагича таснифланади: қоралама; асл нусха; нусха; иккинчи нусха (дубликат); кўчирма. Аксар хужжатлар дастлаб қоралама нусхада тайёрланади, бу хужжат муаллифи, яъни тайёрловчининг қўл ёзмаси ёки дастлаб машинкалаган нусхасидир. Бу нусха тузатилиб, қайта кўчирилиши мумкин. Айтиш жоизки, қоралама хужжат ҳуқуқий кучга эга эмас. Асл нусха ҳар қандай хужжатнинг асли, биринчи расмий нусхасидир. Асл нусханинг айнан қайта кўчирилган шакли нусха деб юритилади, одатда нусханинг ўнг томонидаги юқоридаги бурчагига «Нусха» деб белги қўйилади.

Хужжатчиликда, шунингдек, айнан (факсимил) ва эркин нусхалар ҳам фарқланади. Айнан нусха асл нусханинг барча хусусиятларини – хужжат зарурий қисмларининг жойлашиши, мавжуд шаклий белгилар (герб, юмалок муҳр, туртбурчак муҳр, нишон каби), матндаги босма, ёзма ҳарф шакллари ва шу кабиларни аниқ ва тўлиқ акс эттиради, масалан, фотонусхани шу тур хужжатлар қаторига киритиш мумкин.

Еркин нусхада эса хужжатдаги ахборот тўлалигича ифодаланса-да, бу нусха ташқи хусусиятлар жихатдан бевосита мувофиқ келмайди, яъни эркин нусхада асл нусхадаги муҳр ўрнига «муҳр» деб, имзо ўрнига «имзо» деб, герб урнига «герб» деб ёзиб қўйилади ва х. к.

Баъзан муайян хужжатга туласича эмас, балки унинг бир қисмига эҳтиёж туғилади. Бундай ҳолларда хужжатдан асл нусха эмас, балки кўчирма олинади (масалан, мажлис баёнидан кўчирма, буйруқдан кўчирма ва х.к.).

Нусха ва кўчирмалар, аллбатта, нотариус, кадрлар бўлими ва шу кабилар томонидан тегишли тартибда тасдиқланган тақдирдагина ҳуқуқий кучга эга бўлади. Асл нусха юқолган ҳолларда хужжатнинг иккинчи нусхаси (дубликати) берилади, иккинчи нусха асл нусхада билан бир хил ҳуқуқий кучга эгадир.

Маъмурий – бошқарув фаолиятида хизмат мавқеига кўра хужжатлар хозирги кунда, асосан, қуидагича таснифланади: ташкилий хужжатлар; фармойиш хужжатлари; маълумотсимон – ахборот хужжатлари; хизмат ёзишмалари.

Ташкилий хужжатлар мазмунан ташкилот, муассаса ва корхоналарнинг ҳуқуқий мақоми, таркибий тармоқлари ва ходимлари, бошқарув жараённинг боришида жамоа иштирокининг қайд қилиниши, бошқа ташкилотлар билан

алоқаларнинг ҳуқуқий томонлари каби масалаларни акс эттиради. Низомлар, йўриқномалар, мажлис баёнлари, шартномалар ана шундай ташкилий ҳужжатлар сирасига киради.

Фармойиш ҳужжатлари гурухига буйрук, курсатма, фамойиш кабилар киради.

Маълумотсимон – ахборот ҳужжатлари анчайин катта гурухни ташкил қиласи, бундай ҳужжатларнинг иш юритиш жараёнидаги иштироки ҳам жуда фаол. Бу гурух маълумотнома, дололатнома, ариза, тушунтириш хати, хисобот, ишончнома, тавсифнома каби ҳужжатларни ўз ичига олади.

Хизмат ёзишмалари мазмунан хилма–хил бўлади. Уларда муассаса фаолиятининг турли масалалари билан боғлик талаб, илтимос, таклиф, кафолот кабилар акс эттирилади. Бу маънода хизмат ёзишмалари ҳужжатларнинг юқорида кўрсатилган ҳар уч гурухи билан ҳам алоқадордир, уларнинг муайян бир гурухига хизмат ҳужжатларини киритиш шунинг учун ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Шуларни хисобга олиб, хизмат ёзишмалари ҳозирги замон ҳужжатшунослигига мазкур гурухлардан кейин тўртинчи алоҳида гурух сифатида таснифланган ва бу мантиқан ўринли.

А д р э с. Почта жунатмалари (хат – хабар, буюм ва пул жунатмалари кабилар) устидаги ёзув бўлиб, унда жўнатма етиб бориши зарур бўлган жой (қаерга), уни олувчи шахс ёки муассаса (кимга) номи ва жўнатувчи ҳақидаги маълумотлар (жўнатувчи адреси) кўрсатилади.

А р и з а. Муайян муассасага ёки мансабдор шахс номига бирор илтимос, таклиф ёки шикоят мазмунида ёзиладиган расмий ҳужжат. Ариза ижтимоий хаётда энг кўп қўлланиладиган ва кенг тарқалган иш қоғозидир.

Б и л д и р и ш н о м а. Муайян муассаса раҳбарига хизмат фаолияти билан алоқадор мухим масалалар юзасидан ёки юқори идора, мансабдор шахсга бирон-бир воқеа ва ҳодиса ҳақида хабардор қилиш зарурати туғилганда тақдим этиладиган муфассал ёзма ахборот. Унда, одатда, баён қилинаётган масалалар бўйича тузувчи таклифлари акс этади.

Б у й р у қ. Давлат бошқарув органи раҳбарларининг якка хокимлигига асосланган ҳуқуқий ҳужжат, муайян муассаса олдида турган асосий ва кундалик вазифаларни ҳал қилиш мақсадида қўлланади. Мохият-еътибори билан буйруқлар иккига бўлинади: асосий фаолиятга оид ва кадрлар шахсий таркибиغا оид. Улар кетма-кет тартибда алоҳида рақамланади ва айро сакланади.

Айрим фаолиятга оид буйруқлар доимий, кадрларнинг шасий таркибиға оид буйруқлар эса 40 йилгача муддатда сакланади.

Ф а р м о и ш . Муассаса маъмурияти (директор, унинг ўринбосалари, бош мухандис, унинг ўринбосарлари), шунингдек бўлимлар раҳбарлари томонидан амалий масалалар юзасидан қабул қилинадиган ҳужжат. Одатда, фармойишларда ҳаракат муддати чекланган бўлиб, унинг кучи бўлимларнинг тор доирасига, айрим мансабдор шахслар ва фуқароларга тааллуқли бўлади. Фармойишнинг матни худди буйруқдаги каби зарурий қисмлардан таркиб топади, фақат унинг асос (кириш) қисмида «БУЮРАМАН» сўзи ўрнига «ТАВСИЯ ҚИЛАМАН». «РУХСАТ БЕРАМАН» каби иборалар ишлатилади.

Г у в о х н о м а. Муайян шахснинг хизмат ва бошқа холатларини шунингдек, бирор ишга ваколатини кўрсатувчи ҳужжат.

Ҳар бир киши ишга қабул қилинганда кадрлар бўлими томонидан гувохнома олади. Бундай гувохнома ёнда олиб юришга мослаштирилиб, дафтарча шаклида тайёрланади.

Д а л о л а т н о м а. Муассаса ёки айрим шахслар фаолияти билан боғлик бирон-бир бўлган воқеа, ходиса, иш-ҳаракатини ёки мавжуд ҳолатни тасдиқлаш, унга гувохлик бериш мақсадида бир неча киши томонидан тузилган хужжат. Далолатнома тузиш хилма-хил мақсадларни кўзлайди, лекин унинг асосий мақсади содир бўлган воқеа-ходисаларни ёки мавжуд ҳолатни қонуний-хуқуқий жихатдан исботлаш ёки тасдиқлашдир. Бир қанча ҳолларда далолатнома тузиш махсус хуқуқий нормалар билан қатъий белгиланган. Масалан, корхоналарнинг хисоб-китоб бўлимлари фаолиятида далолатномалар аввалдан белгиланган мазмун ва даврийликка асосан тузилади ва улар хуқуқий жихатдан муҳим ўрин тутадилар.

И ш о н ч н о м а. Муайян муассаса ёки айрим шахс ўз номидан иш қўриш учун иккинчи бир шахсга ишонч билдирадиган ёзма ваколатли хужжат. Ишончномалар ўз мазмунига кўра, мол – мулкни бошқариш, пул ва моддий – буюм бойликларини олиш, суд идораларида иш олиб бориш ва бошқа ишларни амалга оширишни ифодалайди. Муайян иш – ҳаракатни бажаришга ваколат бериш ким томондан (муассаса томониданми ёки айрим шахс томониданми) расмийлаштирилишига қараб, ишончномалар расмий (хизмат) ва шахсий турларга бўлинади.

Расмий (хизмат соҳасидаги) ишончномалар давлат муассасалари, касаба ўюшмаси ва бошқа кооператив ҳамда ижтимоий ташкилотлар томонидан муайян ловозимли шахсга унинг мазкур ташкилотлар томонидан иш юритишга вакил қилинганлигини билдириш учун берилади; улар муассаса раҳбари томонидан имзоланиши ва муҳр билан тасдиқланиши керак.

Й у р и қ н о м а. Қонун ёки бошқа меъёрий хужжатларни тушунтириш мақсадида чақириладиган хуқуқий хужжат. Муассаса (уларнинг бўлимлари хизматлари), мансабдор шахс ва фуқароларнинг ташкилий, илмий – техникавий, молиявий ва бошқа махсус фаолият томонлари хусусида тартиб – қоида ўрнатиш мақсадида давлат бошқаруви органлари томонидан чақирилади. (ёки уларнинг раҳбарлари тасдиқлайди). Халқ депутатлари Советлари ижриоя комитетлари, уларнинг бошқарма ва бўлинмалари йўриқномалар чақирмайди.

Қ о и д а – муайян ҳаракат тартиботини белгилайди (идора жойлашган уй-жойдан фойдаланиш қоидаси; архивга хужжат материаллари топшириш қоидаси) ёки ўрнатилган меъёрдан келиб чиқиб бажариладиган фаолиятни кўрсатади (ички тартибот қоидаси, олий ўқув юргита қабул қилиш қоидаси).

Н и з о м. Муассаса ёки унинг таркибий бўлинмалари тузилиши, хуқуқи, вазифалари, бурчлари, ишни ташкил қилишлари тартиботини белгилайдиган хуқуқий хужжат. Низом айрим мансабдор шахсларга ва турли тадбирлар (қўрик, мусобақа, конкурс ва бошқалар)га нисбатан ҳам тузилиши мумкин.

У с т а в. Муайян муносабат доирасидаги фаолият ёки бирор давлат органи, муассасанинг тузилиши вазифасини йўналтириб турадиган асосий низом ва қоидалар мажмуи. Устав бирор орган ёки муассаса вазифалари ва хуқуқий ҳолатини тавсифлайдиган норматив аҳамиятга эга. Бинобарин устав низомга нисбатан кенг тушунчадир. У кўпроқ маълум бир тармоқ, соҳалар, йирик

муассасалар бўйича тўзилади. Чунончи, давлат нашриётлари бўйича намунавий устав қабул қилинган, шу асосда ҳар бир нашрёт ўз низомини қабул қиласди. Уставнинг энг зарурый қисмлари низомнинг зарурый қисмларига ўхшаш бўлади.

М а ж л и с б а ё н и. Турли йиғилиш, кенгаш ва бошқа тур анжуманларнинг боришини, мажлис қатнашчиларининг чиқишиларини ва улар қабул қилган қарорларни аниқ, сиқиқ холда қайд қилувчи расмий хужжат. У воеаликнинг ўрни, вақти ва ҳолати ҳақида маълумот бериш билан биргаликда, қарорларнинг тўғри қабул қилингандигини текшириш ва унинг бажарилишини текширишга имкон беради. Доимий иш курувчи органлар (илмий кегаш, хайъат ва бошқалар), шунингдек, вақтинчалик иш кўрувчи органлар (конферентсиялар йиғилишлар, слётлар, комиссиялар) фаолиятларида, албатта, мажлис баёни ёзилиши керак. Мажлис баёнини ёзишни ташкил қилиш котибнинг асосий вазифаларидан биридир. Мажлис баёнлари турли органларнинг доимий котиблари томонидан тузилади ва расмийлаштирилади. Вақтинчалик иш кўрувчи органлар мажлисларида эса йиғилиш жараёнида сайланган котиб айнан шу ишни бажаради.

М а ѡ л у м о т н о м а. Бўлган воқеа ёки мавжуд ҳолатларни билдириш – ахборот бериш мазмунида ифодалайдиган хужжат. Маълумотномалар, одатда, юқори идора, мансабдор шахс ҳамда оддий кишиларнинг кўрсатмасига, талабига ёки илтимосига биноан тузилади; сўраклаётган ёки илтимос қилинаётган ахборот ва маълумотларни ўзида акс эттиради.

М э ҳ н а т д а ф т а р ч а с и. Ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат фаолиятини кўрсатувчи асосий хужжат. Унда меҳнат стажининг ҳамма тури (умумий, ўзулуксиз, маҳсус) белгиланади, шунинг учун уни тўғри тўлдиришга, ёзувларни аниқ ёзишга алоҳида эътибор берилади.

М у н о с а б а т б э л г и с и. Хизмат ҳужжатлари устига мансабдор шахслар томонидан муайян фикр билдириб ёзиладиган қайдлар. Бундай қайдлар, одатда, нихоятта қиска лўнда шаклда, кўрсатма тарзида ёзилади; бирор қофозга – ҳоҳ у юқоридан келган йўриқнома ёки буйруқ бўлсин, ҳоҳ у муайян ходимнинг талаби ёки шикояти бўлсин – муносабат белгисини ёзишдан олдин раҳбар у билан яхши танишиб чиқиши, мохиятини чуқур англаши ва ижросини тўғри белгилаши керак. Муносабат белгиси ижросини вақти–вақти билан назорат қилиб туришга ҳам эътибор бериш лозим.

Т а в с и ф н о м а. Маълум бир шахснинг меҳнат ва ижтимоий фаолияти, шунингдек, унинг ўзига хос хислат ва фазилатларини акс эттирувчи расмий хужжат.

Тавсифнома муассаса маъмурияти томонидан ўз ходимига бир қанча максадлар учун (ўқув юртига киришда хорижий мамлакатларга ишлаш ва бошқа юмушлар учун кетишда, лавозимга тайёрлашда ёки шаходатлантиришда ва бошқаларда) берилади.

Т а в с и я н о м а. Бирор шахсни маълум ловозимга ёки ижтимоий сиёсий ташкилотларга аъзо булиш учун тавсия этувчи расмий хужжат.

Тавсияномалар ижодий уюшмалар, муассаса маъмурияти ва алоҳида шахс томонидан берилиши мумкин.

Т а к ли ф н о м а. Бирор бир тантанали тадбирга таклиф этиш учун кўлланувчи ёзма ахборот.

Таклифноманинг асосий зарурий қисмлари.

Т а р ж и м а и х о л. Маълум бир шахс томонидан ўз шахсий хаёти ва фаолияти ҳақида баён қилинган ёзув. Таржимаи хол бир хил андозага эга эмас, муфассал ёки муҳтасар ёзиши мумкин. У муаллиф томонидан мустақил тузиладиган хужжатдир. Гарчи у эркин (ихтиёрий) тузилса-да, бироқ таржимаи холда айрим қисмларнинг бўлиши шарт.

Т е л е г р а м м а. Мухим хабарнинг телеграф орқали берилган нихоятта қисқа шакли. У бирор муассасадан иккинчисига йўлланган расмий хужжат ҳисобланади. Хизмат ёзишмаларининг бошқа турлари белгиланган манзилга хабарни ўз вақтида етказишни таъминлай олмаса, бундай холларда хабарни зудлик билан етказиш учун телографдан фойдаланилади.

Т е л е ф о н о г р а м м а. Шошилинч хабарнинг матнини белгиланган жойга телефон орқали етказишидир. Телефон воситасида бўладиган бундай мулоқот расмий хужжат сифатида қабул қилинади ва иш көғозининг бир тури ҳисобланади.

Хизмат муомаласининг бу тури кўпинча шаҳар ёки раёнда жойлашган муассасалар ўртасида амалга оширилади.

Т и л х а т. Маълум шахс ёки муассасадан пул, хужжат, қимматбаҳо буюмлар ёхуд бошқа нарса олингандигини тасдиқловчи расмий ёзма хужжат.

Тилхат биргина нусхада тайёрланади ҳамда пулли ва қимматбаҳо хужжат сифатида сақланади.

Т у ш у н т и р и ш х а т и. Хизмат соҳасидаги, хизматга алоқадор масалани, унинг айрим жихатларини ёзма изоҳловчи ва муассаса (бўлим) раҳбарига (ички) ёки юқори ташкилотга (ташқи) йўлланувчи хужжатдир.

Х и з м а т х а т л а р и. Муассасалар орасида хизмат алоқаларини амалга оширувчи асосий хужжатдир. Хат орқали бажариладиган масалалар қўлами жуда кенг бўлиб, бундай ёзишмалар воситасида турли кўрсатмалар, сўровлар, тушунтиришлар, жавоблар, илтимослар, таклифлар, хабарлар, кафолатлар берилади ёки қабул қилиб олинади. Мазмун жихатдан турлича бўлган бундай хужжатлар умумлаштирилган ҳолда хизмат хатлари деб юритилади. Хизмат хатлари ташкилотда иш юритиш жараёнида қўлланиувчи хужжатларнинг умумий миқдорига нисбатан 80 фойзни ташкил қиласи.

Д а Ҷ в о х а т. Маълум бир муассасанинг бошқа бир идора ёки транспорт ташкилотларига нисбатан талаб ва эътиrozлари баён қилинган хатлар – даъво хатлар ёки даъвономалар деб юритилади.

Даъво хатлар ижара пудрати, қурилиш ишлари, ижара, юқ ташиш ва шу каби бир қанча ишлар бўйича тузилган шартномалар бажарилмай қолганда ўз қонуний ҳукуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тузилади.

И л о в а х а т. Хатни қабул қилиб олувларни жўнатилган хужжатлар ҳақида ёзма хабардор қилиш учун қўлланувчи қисқача хабар қоғозидир. Илова хати иш юритишида кенг тарқалган. Муассасаларда бундай хатлар шартнома лойихаларини, зиддиятли мажлис баёнларини, даъво материалларини жўнатишида қўлланилади.

И л т и м о с х а т. Муассасалар маълум бир ишни амалга ошириш ёки тугатиш мақсадида бошқа бир муассасаларга расмий хат орқали илтимос қилиши мумкин. Муассасалар ўртасидаги бундай ўзаро ёзишмалар илтимос хат

воситасида бажарилади. Илтимос хат хизмат хатлари орасида энг кўп тарқалган турлардан ҳисобланади. Илтимос хатлар ҳам бошқа хатлар каби муассасаларнинг мос иш қофозига ёзилади ва албатта жўнатилиш санаси ва жўнатма тартиб рақами кўрсатилади.

К а ф о л а т х а т и. Муайян бир шарт ёки ваъдани тасдиқлаш мақсадида тузилади. Хатларнинг бу тури қоидага кўра бажарилган иш учун хақ тўлашда, ишнинг бажарилиш муддати ҳақида, турар жой билан таъминлашда, ишга қабул қилишда, бажарилган ишнинг сифати ҳақида кафолат бериш учун тайёрланади ва ташкилот ёки алохидаги шахсларга жўнатилади.

С у р о в х а т. Жавоб талаб қиласидаги бундай ёзишмаларда маълумотлар, хужжатлар ёки бошқа зарурий нарсалар сўралади.

Биргина хатда турли масалаларга доир бир неча сўровлар акс этмаслиги керак. Баён қилинаётган масалалар аниқ ва равshan бўлиши лозим, факат шу ҳолдагина йўлланган сўровга тез ва мукаммал жавоб олиш мумкин.

Т а с д и қ х а т. Маълум бир муассаса томонидан юборилган илтимос ва сўровларга жавоб тарзида ёзиладиган хатларнинг бир туридир.

Тасдиқ хатининг қайси хатга жавоб битилганлиги иложи борича аниқ кўрсатилиши керак. Бундай хат матнида қўлланувчи асосий сўзлардан бири «тасдиқламок» феълидир.

Ф а р м о й и ш х а т и. Бир тармоқка тегишли қуи муассасаларнинг барчасига йўлланган расмий хужжатдир. Фармойиш хатлар хизмат алоқаларининг кўпгина соҳаларида қўлланилади. Уларнинг асосий вазифаси айнан бир хил мазмундаги хабарни бир неча манзилга етказишидир.

Е с л а т м а х а т. Жўнатилган илтимос ва сўров хатларга жавоб олинмаса, шунингдек, тузилган шартномалар муддати бузилганда ёки унга амал қилинмаган холларда эслатма хат юборилади.

Ш а р т н о м а. Икки ёки ундан ортиқ томоннинг гражданлик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаш, ўзгартириш ёки тўхтатиш йўлидаги келишувидир. Бошқача қилиб айтганда, шартнома томонларнинг бирон – бир муносабатлар ўрнатиш ҳақидаги келишуви (битими) ни қайд этувчи ва бу муносабатларни тартибга солувчи хужжатдир.

Е ъ л о н. Кўпчилик ёки маълум гуруҳдаги шахсларни яқин орада (келгусида) бўладиган бирор – бир тадбир – мажлис, учрашув, сухбат, шунингдек, ишга, ўқишига қабул қилиш ва бошқалар ҳақида хабардор қилишга қўлланувчи ёзма ахборот.

Х и с о б о т. Муайян вақт учун режалаштирилган иш ёки вазифа, топшириқларнинг бажарилиши, амалий долзарб ишлар, хизмат ва илмий сафарлар якуни ҳақида маълумот берувчи хужжат.

Ҳисоботда келтирилган маълумотлар аниқ, ишонарли ҳамда ишлаб чиқариш, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик бўлиши керак.

Таянч иборалар:

Корхона ва ташкилотларда узбек тилида иш юритиш, иш юритишда керакли хужжатлар, хизмат хатлари, хужжат турлари ва хусусиятлари, кафолат хати, илтимос хат, илова хат, даъво хат, хизмат хатлари, тушунтириш хати, тилхат, телефонограмма, телеграмма, таржимаи хол, таклифнома, тавсиянома,

тавсифнома, муносабат белгиси, меҳнат дафтарчаси, маълумотнома, мажлис баёни, низом, устав, қоида, йўриқнома, ишончнома, далолатнома, гувохнома

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Ўзбек тилида иш юритиш деганда нимани тушунасиз?
2. Иш юритишида керакли бўлган асосий ҳужжатлар нималардан иборат бўлади?
3. Маъмурий бошқарув фаолиятидаги керакли ҳужжатлар .
4. Фармоиш ҳужжатлари нималардан иборат?
5. Хизмат хатлари нималардан иборат?

8-МАЪРУЗА

МАВЗУ: МЕТРОЛОГИЯ, СТАНДАРТЛАШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШ

РЕЖА:

1. Стандартлаштириш тўғрисида, маҳсулот ва хизматларни сертификатлаш тўғрисида ва метрология тўғрисида республика қонуни.
2. Катталиклар, бирликлар, халкаро бирликлар тизими.
3. Стандартлаштириш бўйича давлат тизими. Стандарт турлари ва тоифалари.
4. Ўзбекистон Республика “Узстандарт” агентлиги.
5. Сертификатлаштириш. Сертификатлаштириш бўйича асосий тушунча ва атамалар. Сертификатлаштиришнинг асосий схемалари.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси. Т.:2014.
2. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ти Қонуни. Т.: 1997
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т.:1997
4. Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг меъёрий-хуқуқий асослари. Т.:2015
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидаларни тасдиқлаш тўғрисидаги №343 сонли қарори.

Бу яқиндагина сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий мустақилликка эришган республикамиз учун муҳим ва ўта аҳамиятли воқеалардан бири эди. Хуқуқий меъёрлар Ҳукумат қарорлари ва кўрсатмалари билан белгиланарди. Ушбу Қонун атамашуносликдан тортиб, литсензияли метрологик фаолият каби бирмунча янги ҳолатларни очиб берди. Бундан ташқари, унда Давлат метрологик назорати бўйича фаолият доиралари ва тегишли амаллар аниқ ҳамда равshan белгилаб берилган.

Қонун республикамиз мустақилликни қўлга киритгандан кейинги ўзгаришлар, стратегик ва устивор юналишлар, жумладан бозор муносабатларининг шаклланиши нуқтаи назаридан ишлаб чиқилган.

Республикамиздаги ушбу янгиликлар ва мулкчиликнинг янги шаклларининг пайдо бўлиши ҳамда хусусийлаштиришнинг амалга оширилиши марказлашган тарздаги метрологик фаолиятга ўз таъсирини ўтказмай қўймади, албатта. Турли соҳадаги обьектларда ўлчаш воситаларининг синовларини қиёслаш ва уларнинг устидан давлат назоратининг мажбурийлиги хусусида турлича қарашлар вужудга кела бошланган эди. Шунинг учун ҳам, метрологиянинг ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий асосларини қайта кўриб чиқиши жуда долзарб масалалардан эди. Метрология соҳаси қонун асосий қонун – қоидалар ва Республика Вазирлар Махкамасининг тегишли қарорлари билан фаолият кўрсатадиган тармоқлардандир.

Хужжатда асли, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя этиш асосий мақсад этиб куйилган бўлиб, бу ҳуқуқий давлатларда турғун қонунлар воситасида бошқарилиб туради.

Қонуннинг алоҳида хусусияти шундаки, асосий фаолият доираси ҳисобланган-ишлаб чиқариш, согликни сақлаш, атроф муҳитнинг муҳофазаси ва қурилиш, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини таъминлаш каби аниқ курсатиб берилган.

Бу қонун республикамида метрологиянинг ривожланишига ва метрологик таъминот масалаларини хал этишнинг мутлако янги босқичига олиб кирди.

Олий давлат ҳукуматининг асосий метрологик қоидалари 1993 йил 28 декабрда №1004-ХИИ қабул қилинган "**Метрология тўғрисидаги қонун**" да кўрсатилган. Бу қонун 5 та бўлим, 21 та моддадан иборат.

1-бўлим: Умумий қоидалар: асосий тушунчалар, метрология тугрисидаги қонун хужатлари, халкаро шартномалар ва битимлар, метрологияга оид фаолиятини давлат томонидан бошқариш, ўлчовларнинг ягона бирлиқда бўлишини таъминлаш оид норматив хужжатлар.

2-бўлим: Физик ўлчам бирликлари, уларни қайта ҳосил қилиш ва қўллаш: физик ўлчаш бирликлари, физик ўлчашлар бирликларнинг эталони, ўлчов воситалари, ўлчовларнинг бажариш услубиётлари.

3-бўлим: Ўзбекистон Республикаси метрология хизматининг тузилиши, давлат метрология хизмати, юридик шахсларнинг метрология хизматлари.

4-бўлим: Давлат метрология текшируви ва назоратини ўтказиш тартиби, давлат метрология текшируви ва назорати обьектлари, давлат метрология текшируви ва назорати тадбик этиладиган доиралар, давлат метрология текшируви ва назорати турлари, ўлчов воситаларнинг турларини тасдиклаш, ўлчов воситаларнинг текширувдан ўтказиш, ўлчов воситаларни тайёрлаш, реализатсия кили шва уларнинг ижараси билан шугулланиш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолиятига литетсензия бериш, аккредитатсия килиш, метрология нормалари ва коидаларни бузганлик учун жавобгарлик.

5-бўлим: Метрология ишларини давлат томонидан молиявий таъминлаш. Метрологик ишлар ва хизматлар учун ҳак тулаш.

«Метрология тўғрисида» ги Республика қонунининг энг аҳамиятли томонларидан бири-куйида келтирилаётган ҳолатларнинг олдини олишдир:

- ишончсиз ўлчаш асбобларининг ёки услубларининг қўлланилиши технологик жараёнларнинг издан чиқишига сабабчи бўлиб, бундан ташқари,

- энергетик ресурслар асосиз сарфланиб, авария ҳолатлари ва брак маҳсулот келиб чиқиши мумкин;
- ўлчашларнинг ишончли натижаларини олишга катта сарф ҳаражатлар кетиши (ривожланган давлатларда ўлчашларга ялпи даромадларнинг 6% сарфланади);
- иқтисодий бошқарувдаги ўзгаришлар метрологиядаги ташқи миллий ўзгаришларга олиб келади.

Ва ниҳоят, мазкур қонун метрология соҳасида халқаро ҳамкорликнинг қонуний асосларини мустахкамлаб, қуидаги амалларга муносиб замин яратади;

- алоҳида ёндашувдаги халқаро шартномалар бўйича мажбуриятларни қўллаб - қувватлаш;
- Ўзбекистон Миллий метрология марказининг халқаро ташкилотлардаги обрўсини янада ошириш;
- Икки ёқлама ва кўп ёқлама ташқи иқтисодий муносабатлардаги турли техникавий тўсиқларни бартараф этиш мақсадида ўтказиладиган синовлар, қиёслаш ва калибрлаш учун шароитлар яратиш.

Давлат метрологик хизматининг ҳукуқий ҳолатидаги алоҳида хусусияти шундаки, барча метрология хизматлари вертикал бўйича биргина маҳкамага – Ўздавстандартга буйсунади.

Ўзбекистон республикаси "Стандартлаштириш тўғрисидаги қонун" лойиҳаси 1993 йил 8 декабрда №1002-ХИИ олий мажлис кенгашида тасдиқланиб, президент имзо чеккан. У 28.ИИ.94 йилда нашр қилинган.

Қонун 4 та бўлим ва 12 та моддадан иборат.

И-бўлим. Умумий қоидалар. Бу ерда давлат стандартлаштириш тизими, стандартлаштириш ишларини утказиш, стандартлаштириш тугрисидаги қонун хужжатлари, халқаро шартномалар ва битимлар тутгисида айтилган.

Стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари кўрсатилган. Улар қуидагилар:

- Давлат ва истеъмолчилар манфаатини маҳсулот хавфсизлиги борасида ҳимоя қилиши;
- Иш ва хизмат жараёнида ресурсларни тежаш;
- Маҳсулот сифатини ва ракобатбардошлигини ошириш;
- Сотсиал-иктисодий, илмий-техник дастур ва лойиҳаларни реализатсия қилиш;
- Табиий ва техноген катастрофалар ва фавқулотда ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда халқ хўжалик обьектлари хавфсизлигини таъминлаш;
- Корхона мудофаа қобилияти ва тайёргарлик мобилизатсиясини таъминлаш;
- Ўлчов бирликларини таъминлаш.

Республикада давлат стандартлаштириш тизими ишлаб чиқарилади ва функциялаштирилади. Бу тизим барча бошқариш сатхи координатсияларини таъминлайди.

ИИ-бўлим. Бу бўлимда Республикада стандартлаштиришнинг меъерий хужжатлари кўрсатилган. Улар: -Халқаро стандартлар-ХС; -Минтакавий стандартлар-МС; -Чет давлатларнинг миллий стандартлари; -Давлатлараро

стандартлар-ГОСТ; -Ўзбекистон республикаси стандарти-ЎзРСТ; -Тармоқ стандартлари-ЎзТСТ; -Техник шартлар - ЎзТШ; -Корхоналар стандартлари-Ўз КСТ; -Техник баён-ТБ; -Тавсиянномалар-Т.

ИИИ-бўлим. Бу бўлимда стандартлар устидан давлат назорати, қонундаги органлар, обьектлар ва субъектлар ўрнатилган. Стандартлар ва улчов воситаларини назорат қилиш учун давлат инспекторларининг ҳукуқ ва маъсулиятлари аниқланган.

ИЙ-бўлим. Мазкур давлат стандартлаштириш ва стандартлаштириш назорати бўйича ишларни маблаг билан таъминлаш, стандартлаштириш бўйича давлат и.т. дастурлар, ИТИ, норматив ҳужжатлар асосида ишлаб чиқарилган тавсиянномалар давлат бюджети томонидан таъминланади.

Ўзбекистонда стандартларни тасдиқлайдиган қуйидаги органлар мавжуд:

- Ўздавлатстандарт-халқ ҳўжалигининг барча тармоқлари учун;
- Қурилиш давлат кумитаси - қурилиш, қурилиш материаллари учун;
- Табиатни муҳофаза қилиш давлат кумитаси-ташки муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни тежаш бўйича;
- Соғлиқни сақлаш вазирлиги -медитсина техникаси, озиқ-овқат маҳсулотларидаги зарарли моддалар микдорини меъерлаш бўйича.

«Махсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тугрисида» қонун 1993 йил 28 декабрда №1006-ХИИ қабул қилинган Бу қонун 4 та бўлим, 23 та моддадан иборат.

«Махсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тугрисида» қонунда: асосий тушунчалар, сертификатлаштиришнинг макса два вазифалари, сертификатлаштириш тугрисидаги қонун ҳужатлари, халкаро шартномалар ва битимлар, Узбекистон Республикаси сертификатлаштириш органлари, сертификатлаштириш обьектлари ва субъектлари, мувофиқлик сертификат ива мувофиқлик белкиси, сертификатлаштириш фаолиятини амалга ошириш, сертификатлаштириш тугрисидаги ахборот, мажбурий сертификатлаштиришни жорий этиш, мажбурий сертификатлаштиришни утказиш шартлари, четдан олиб келинадиган ва четга олиб кетиладиган маҳсулотларни мажбурий сертификатлаштириш, ихтиёрий сертификатлаштириш, сертификатлаштириш органларнинг ва лабораторияларнинг жавобгарлиги бажариш тушунчалари келтирилган.

Катталикларнинг бирликлари.

Муайян обьектни тавсифловчи катталик шу обьект учун хос бўлган миқдор тавсифига эга экан, бу каби обьектлар ўзаро биргаликда кўрилаётганда фақат мана шу миқдор тавсифларига кўра тафовутланади. Бунинг учун эса солиширилаётганда обьектлараро бирор бир асос бўлиши лозим. Бу асосга солишириш бирлиги дейилади. Айнан мана шундай тавсифлаш асосларига катталиктарнинг бирлиги деб ном берилган.

Кўрилаётган физикавий обьектнинг ихтиёрий бир хоссасининг миқдор тавсифи бўлиб унинг ўлчами хизмат қилади. Лекин “узунлик ўлчами”, “масса ўлчами”, “сифат кўрсаткичининг ўлчами” дегандан кўра “узунлиги”, “массаси”,

“сифат кўрсаткичи” каби ибораларни ишлатиш ҳам лексик жиҳатдан, ҳам техникавий жиҳатдан ўринли бўлади. Ўлчам билан қиймат тушунчаларини бир-бирига адаштириш керак эмас. Масалан, 100 г, 10^5 мг, 10^{-4} т - бир ўлчамни 3 хил кўринишида ифодаланиши бўлиб, одатда “масса ўлчамининг қиймати” демасдан, “массаси (...) кг” деб гапирамиз. Демак катталиктининг қиймати деганда унинг ўлчамини муайян сонли бирликларда ифодаланишини тушунишимиз лозим.

Катталиктининг ўлчами - Айрим олинган моддий объект, тизим, ҳодиса ёки жараёнга тегишли бўлган катталиктининг миқдори бўлиб ҳисобланади.

Катталиктининг қиймати - қабул қилинган бирликларнинг маълум бир сони билан катталиктининг миқдор тавсифини аниқлаш.

Қийматнинг сонлар билан ифодаланган таркибий қисмини катталиктининг сонли қиймати дейилади. Сонли қиймат катталиктининг ўлчами нолдан қанча бирликка фарқланади, ёки ўлчаш бирлиги сифатида олинган ўлчамдан қанча бирлик катта (кичик) эканлигини билдиради ёки бошқача айтганда К катталигининг қиймати уни ўлчаш бирлигининг ўлчами [K] ва сонли қиймати қ билан ифодаланади деган маънони англашимиз лозим:

$$K = \kappa[K].$$

Енди яна катталиктининг бирлигига қайтамиз. Икки хил металл қувур берилган бўлиб, бирининг диаметри 1 м, иккинчисиники 0,5 м. Уларнинг икковини диаметр бўйича солишириш учун, муайян бир асос сифатида олинган бирлик қиймати билан солишишишимиз лозим бўлади

Катталиктининг бирлиги деб - таъриф бўйича соний қиймати 1га teng қилиб олинган катталиктининг тушунилади

Ушбу атама катталиктининг қийматига кирадиган бирлик учун кўпайтирувчи сифатида ишлатилади. Муайян катталиктининг бирликлари ўзаро ўлчамлари билан фарқланиши мумкин. Масалан, метр, фут ва дюйм узунликнинг бирликлари бўлиб, қуйидаги ҳар хил ўлчамларга эга - 1 фут = 0,3048 м, 1 дюйм = 25,4 мм га тенгдир.

Катталиктининг бирлиги ҳам, катталиктининг ўзига ўхшаш асосий ва ҳосилавий бирликларга бўлинади:

Катталиктининг асосий бирлиги деб бирликлар тизимидағи ихтиёрий равишда танланган асосий катталиктининг бирлигига айтилади.

Бунга мисол қилиб, ЛМТ - катталиклар тизимиға тўғри келган МКС бирликлар тизимида метр, килограмм, секунд каби асосий бирликларни олишишимиз мумкин.

Ҳосилавий бирлик деб, берилган бирликлар тизимининг бирликларидан тузилган, таърифловчи тенглама асосида келтириб чиқарилувчи ҳосилавий катталиктининг бирлигига айтилади.

Ҳосилавий бирликка мисол қилиб 1 м/с - халқаро бирликлар тизимидағи тезлик бирлигини; $1 \text{ H} = 1 \text{ кг. м/с}^2$ куч бирлигини олишишимиз мумкин.

Халқаро бирликлар тизими.

1960 йилда ўлчов ташқилотининг бош конферентсияси физик катталикларнинг халқаро СИ системасини қабул килди. Бу система Ўзбекистонда Ўз. РСТ.8.012-94 стандарти бўйича ўз тараққиётини топди.

СИ системасида 7 та асосий физик катталиклар бирликлари ва 2 та қўшимча бирликлар келтирилган.

Халқаро системанинг асосий бирликлари қўйидагилар ҳисобланади:

м - метр-узунлик бирлиги, кд - қандела-ёргулук кучи бирлиги, мол - модда миқдори бирлиги, с - секунд-вақт бирлиги, кг - килограмм-масса бирлиги, А - ампер-электр ток кучи бирлиги, К –кельвин - термодинамик температура бирлиги.

Қўшимча бирликлар: рад - радиан-текислик бурчаги бирлиги, ср - стерадиан- фазовий бурчак бирлиги.

СИ бирликлар системасининг ҳосилалари когерент ҳосилалар келиб чиқиши қоидасига кўра асосий ва қўшимча бирликлардан ҳосил бўлади. Уларнинг баъзилари машҳур олимларнинг номлари билан аталган, масалан: нютон, герц, паскал, кулон, ом, сименс, тесла, беккерел, ва бошқалар. Бу бирликларнинг ҳам халқаро, русча номлари бош ҳарфлар билан ёзилади.

Бирлик номига фақат битта олд қўшимча қўйишга руҳсат этилади (масалан, микромикрофарад эмас балки пикофарад).

СИ системаси бирликларини ёзиш қоидалари ГОСТ 8.417-81 билан регламентланган.

Стандартлаштириш Давлат тизими (СДТ).

Стандартлаштириш жараёни З босқичдан иборат бўлади:

- атамаларни стандартлаштириш;
- ўлчаш ва синов ускуналарини ва уларни конструкцияга ва маҳсулот технологиясига боғлаб стандартлаштириш;
- маҳсулотнинг ўзини стандартлаштириш.

ИСО/МЕКУ томонидан яратилган консультатив кенгаш техника ривожининг юналишини қўйидагича тавсия қиласди:

- стандартларни яратишида ва уларни келишишида янги механизmlарни яратиш;
- харажатларни илк тадқиқотларга ва реал истиқболи бўлган техникавий ютуқларга тўпламок;
- бор техникавий қўмиталарнинг илмий тадқиқот, тажрибавий конструкторлик ишларини, шу жумладан, экология соҳасидаги ишларни, эътиборга олган ҳолда янги режали ишларни яратиш;
- етакчи мутахассислар бошчилигига ўтказиладиган семинарлар, илмий МАЪРУЗАлар шаклидаги иккиламчи механизmlардан фойдаланиш;
- саноатнинг юқори раҳбарлари орасида янги гояларни таргибот қилишга эътиборни қаратмок.

Мана шунинг учун стандартлаштирища атамаларни бир ерга тўпламок, улар асосида таърифлар яратмоқ ва ниҳоят бу соҳада стандартлар яратмок ҳозирги кунининг талаби, холос.

Шу мақсадда стандартлаштириш соҳасидаги атамаларни тўплашда халқаро стандартлаштириш ташкилотларининг ҳужжатларига, собиқ Иттифоқдаги маълумотларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси илк яратилган ҳужжатлар мурожаат этилади.

Бу соҳадаги асосий тушунчалар 61 атамадан иборат бўлиб, уларнинг моҳияти кетма - кетлиги бўйича маълум тартибда жойлаштирилиб, ҳозирги

вақтда чоп этилган О`з ДСТ 1.11.93 «Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими. Асосий атамалар ва таърифлар» стандарти яратилди.

Стандартлаштириш соҳасидаги бир қанча асос бўлувчи хужжатлар Ўздавстандарт ҳузуридаги ЎзТМТИ институтида яратилмоқда.

ЎЗРСТ 1.0-92 «Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш давлат тизими. Асосий қоидалар бўйича стандартлаштиришнинг моҳияти, мақсад ва вазифалари, ҳамда ушбуда қўлланиладиган асосий тушунчалар билан олдинрок танишиб чикдик.

Мазкур стандарт стандартлаштиришнинг асосий вазифа ва мақсадини, стандартлаштириш ишларининг ташкил этилиши ва асосий қонун – қоидаларини, меъёрий хужжатларнинг тоифасини, стандартлар турларини, ҳалқаро ҳамкорлик бўйича асосий қоидаларни, стандартлар ва техникавий шартларининг қўлланишини, стандартларга ва ўлчаш воситаларига нисбатан давлат назоратини белгилайди.

Стандартларнинг турлари ва тоифалари.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида стандартлаштириш обьектларига куйиладиган талабларни белгиловчи меъёрий хужжатларнинг куйидаги тоифалари амал қиласи:

- Ҳалқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар;
- Ўзбекистон Республикасининг стандартлари;
- Тармоқ стандартлари
- Техникавий шартлари;
- Корхоналарнинг стандартлари;
- Хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари.
- Раҳбарий хужжатлар

Ҳалқаро стандарт - бу стандартлаштириш билан (стандартлаштириш бўйича) шуғулланадиган ҳалқаро ташкилот томонидан қабул қилинган ва истеъмолчиларнинг кенг доирага яроқли бўлган стандартdir.

Давлатлараро стандарт «ГОСТ» - бу стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича давлатлараро МДҲ кенгаши томонидан қабул қилинган, бажарилиши шарт бўлган хужжатdir.

Миллий стандарт - бу стандартлаштириш билан шуғулланадиган миллий идора томонидан қабул қилинган ва истеъмолчиларнинг кенг доирасига яроқли бўлган стандартdir.

Корхона стандарти - бу маҳсулотга, хизматга ёки жараёнга корхонанинг ташаббусси билан ишлаб чиқиладиган ва унинг томонидан тасдиқланган хужжатdir.

Стандартларни қўллашда тўғри усуслар мавжуд. Бир мамлакат доирасида стандартлар янгитдан яратилиши мумкин ҳамда ҳалқаро, минтақавий ва давлатлараро стандартларни тўғридан - тўғри қўлланиши ҳам мумкин.

Республика ва давлатларо стандартлардан ташқари раҳбарий хужжатлар, техникавий шартлар, стандартлаштириш бўйича тавсияномалар, юрикнома (қоидалар) ҳам мавжуддир.

Раҳбарий хужжат (РХ) деганда стандартлаштириш идораларининг ва хизматларнинг вазифаларини, бурчларини ва ҳукуқларини, уларнинг ишлари ёки ишларининг айрим босқичларини бажариш усуллари, тартибини ва мазмунини белгилайдиган меъёрий хужжат тушунилади.

Техникавий шартлар (О`з ТШ) - бу буюртмачи билан келишилган ҳолда, ишлаб чиқарувчи томонидан ёки буюртмачи томонидан тасдиқланган аниқ маҳсулотга (хизматга) бўлган техникавий талабларни белгиловчи меъёрий хужжатдир.

Йўрикнома (қоидалар) – инструкция (правила) - бу ишларни ёки уларнинг айрим босқичларини мазмуни ва таркибини белгиловчи меъёрий хужжатдир.

Стандартлаштириш обьектларига ўз навбатида қўйидагилар киради:

- Ягона техникавий тилни қушиб ҳисоблаганда умумтехникавий обьектлар, умумий машинасозликда қўлланиладиган буюмларнинг намунавий контструктсиялари (маҳкамлаш воситалари, асбоб ва бошқалар), материаллар ва моддаларнинг хусусияти ҳақидаги ишончли маълумотлар, техникавий - иқтисод ахборотни тавсифлаш ва кодлаш;
- Аниқ мақсадга йўналтирилган давлат илмий - техникавий ва ижтимоий - иқтисодий дастурлар ва лойиха обьектлари;
- Республикага (ёки муайян корхоналарга) маҳсулот ёки технологиясининг рақобат қилиш кобилиятини оширишини таъминлаш имкониятини берадиган фан ва техника ютуқлари;
- Республика ички эҳтиёжини кондириш учун, шунингдек бошқа давлатларга экспорт сифатида етказиб бериш учун ишлаб чиқариладиган маҳсулотлари;
- Стандартларнинг талаблари ва техникавий шартлари халқаро минтақавий ва саноати ривожланган хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари талаблари билан уйғунлаштирилиши.

Стандартлаштириш обьектининг ўзига хос хусусиятларига ва унга белгиланадиган талаблар мазмунига боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш тизими асосий турдаги стандартларни назарда тутади:

- асос булувчи стандартлар;
- умумтехникавий стандартлар;
- техникавий шартлар (маҳсулот, жараён, хизматлар учун) стандартлари;
- техникавий талаблар стандартлари;
- назорат усуллари (синовлар, тахлиллар, ўлчашлар, таърифлар) стандартлари.

Асос булувчи стандартлар ташкилий - техникавий жараёнларнинг бажарилиши, ишлаб чиқариш ва маҳсулотни қўллаш жараёнлари тартибини (қоидаларини), шунингдек фаолиятнинг муайян соҳасида ишларни ташкил этишнинг асосий (умумий) қоидаларини белгилайди.

Умумтехникавий стандартлар маҳсулотнинг техникавий жихатдан бир – бирига мос бўлишини ва ўзаро алмашинувини таъминлаш учун зарур бўлган ишлаб чиқиши, ишлаб чиқариш ва маҳсулотни қўллашнинг умумтехникавий

талабларини, шунингдек меҳнат хавфсизлиги, атроф – мухитни ҳимоя қилиш (экология), заарли, таъсирлардан (шовқин, тебраниш ва бошқалардан) ҳимоя қилиш, намунавий технологик жараёнлар, маҳсулот сифатини назорат қилиш (синаш) усуллари, ҳужжатларни бирхиллаштириш талабларини белгилайди.

Мустақил Давлатлар Ҳамжихатлиги (МДХ) доирасидаги стандартлаштириш.

МДХ доирасига стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш фаолияти 1992 йилдан бери амалдаги, давлатлараро ҳисобланувчи «стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳалари келишилган сиёsatни юритиш тўғрисидаги битим» га мувофиқ олиб борилади. Бу борада МДХ катнашчилар учун Давлатлараро Кенгаш (МГС – Межгосударственный Совет) тузилган бўлиб, унда аъзо давлатларнинг стандартлаштириш бўйича миллий ташкилотлари иштирок этадилар. МГС давлатлараро стандартларни қабул қиласди.

1995 йил ИСОнинг кенгаши МГСни стандартлаштириш бўйича МДХ давлатларининг минтақавий ташкилоти сифатида тан олди.

Стандартлаштириш бўйича ишлар миллий ташкилотлардан келиб тушган таклифларнинг умумлашуви асосида тузилган дастурларга мувофиқ амалга оширилади. Ҳозиргача МГС томонидан бир неча минг давлатлараро тоифадаги стандартлар қабул қилинган. Ташкилий масалалар ГОСТ 1.0-92 «Давлатлараро стандартлаштириш бўйича ишларни бажариш тартиблари. Асосий қоидалар» га мувофиқ ҳал этилади. Бу ҳам давлатлараро стандарт ҳисобланади. Унга қўшимча равиша «давлатлараро стандартлаштириш қоидалари», «Стандартлаштириш бўйича Давлатлараро меъёрий ҳужжатларни нашрга тайёрлаш ва рўйхатга олиш тартиби» ва бошқа асосий саналувчи меъёрий ҳужжатлар ҳам қабул қилинган.

Сертификатлаштириш соҳасида маҳсулот ва хизматларнинг алоҳида саналган гурухларини сертификатлаштириш бўйича ягона тартибларини белгиловчи меъёрий давлатлараро ҳужжатларнинг рўйхати қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасида «Ўзстандарт» Агентлиги ташкилот ҳакида.

Вазирлар Махкамасининг "Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкил қилиш" тўғрисидаги 1992 йил 2 мартағи 93-сонли карорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Махкамаси хузуридаги Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Ўзбекистон давлат маркази (Ўздавстандарт) - стандартлаштириш бўйича Миллий идора ҳисобланган. Ҳозирги кунда Ўзстандарт агентлаги деб юритилади.

Унинг ваколатига куйидагилар киради:

- метрологияга оид фаолиятни минтақалараро ва тармоклараро мувофиқлаштириш;
- физикавий ўлчаш бирлиги эталонларини яратиш, тасдиклаш, саклаш ва кўллаш қоидаларини белгилаш;

- ўлчаш воситалари, усуллари ва натижаларига кўйиладтган умумий метрологик талабларни анишлаш;
- давлат метрологик текширувани ва назоратини амалга ошириш;
- метрология масалалари бўйича меъёрий хужжатларни, шу жумладан, давлатнинг бошка бошқарув идоралари билан хамкорликда Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида мажбурий кучга эга бўлган меъёрий хужжатларни кабул килиш;
- метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳасида илмий ва мухандис-техник кадрларни тайёрлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳасидаги халкаро шартномаларига риоя этилишини устидан назоратни амалга ошириш;
- метрология масалалари бўйича халкаро ташкилотлар фаолиятида катнашиш киради.

«Ўзстандарт» агентлигининг таркибида **26** та марказ бўлинма, сектор, лаборатория, гурухлар, 14 та вилоят марказлари, Республика синов ва сертификатлаштириш маркази ёнда 17 та синов ва сертификатлаштириш марказлари (ССМ), стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқикот институти (СМСИТИ), "Еталон" ЎзИЧБ ва "Стандартлар" дўкони ва Миллий этalon маркази мужассамлашган.

Сертификатлаштириш.

Сертификатлаштириш гувохлик бериш, қайд ёки шаҳодат этиш, ишонч билдириш маъноларини билдирувчи сертифус (лотинча) сўзидан олинган бўлиб, керакли ишончлилик билан маҳсулотнинг муайян стандартга ёки техникавий хужжатга мувофиқлигини учинчи, холис ва тан олган томон тарафидан тасдиклайдиган фаолиятини билдиради.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқилаётган турли хил маҳсулотлар муайян сифат кўрсаткичларида ишлаб чиқилаётган турли хил маҳсулотлар муайян сифат кўрсаткичларига эга бўлиши керак. Сифат кўрсаткичлари эса маълум, белгиланган талабларга мувофиқ /мос/ келиши лозим.

Ўзстандарт Агентлиги сертификатлаштириш бўйича Миллий идора булади. Миллий идорага куйидаги вазифалар юклатилган:

- сертификатлаштириш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, сертификатлаштиришни утказиш бўйича умумий коидаларни Урнатиш;
- сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича дастурларнинг лойихаларини ишлаб чикиш ва уларни Ўзбекистон Республикасининг Хукуматига кўриб чикиш учун тавдим этиш;
- Ўзбекистон Республикасининг вазирлар Махкамаси билан келишилган холда халкаро сертификатлаштириш тизимларига кушилиш, шунингдек сертафикатлаштарнш натижаларини узаро тан олиш бўйича битим тузиш тугрисида карор кабул килиш;
- Сертификатлаштирилган маҳсулотнинг давлат реестрини бошқариш;

- Сертификатлаштириш коидаларига риоя килиниши ва сертификатлаштирилган маҳсулот устидан-давлат текшируви ва назоратини амалга ошириш.

Узстандарт Агентлиги 2010-йилгача вазифаларининг бир кисмини сертификатлаштириш буйича аккредитланган идораларга топшириб, узида куйидагиларни колдириди:

- мувофиклик, метрология, стандарглаштириш, сифат соҳасида давлат сиёсатини ва мувофикалаштиришни гмалга ошириш;
- сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш буйича дастурлар лойихаларини ишлаб чикиш ва уларни Хукуматга кури б чикишпигакдим этиш;
- Узбекистан Республикаси Вазирлар Махкамаси билан кели-шилган холда халкаро сертификатлаштириш тизимларига кушилиш, шунингдек сертификатлаштириш натижаларини узаро тан олид буйича битим тузиш тугрисида карор кабул килиш;
- Сертификатлаштирилган маҳсулогнинг давлат реестрии бошкариш;
- Маҳсулотнинг сифати, хавфсизлиги, экспортга юналтирил-ганлигини таъминлашга, моллар (ишлар, хизматлар) нинг хавфсизли-гини таъминловчи талабларни урнатиш, буларга риоя килинишини текшириш, шунингдек сифатни бошкариш ва 9000 ва 14000 ИСО халкаро стандартларини хисобга олган холда атроф мухитни муҳофазалаш буйича тизимларни ишлаб чикиш ва жорий этиш юли билан истеъмолчиларнинг хукукларини ва республиканинг икгисодий манфаатларини химоя килишга юналтирилган стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида ягона сийкатни конуний шакллантириш ва бажариш.

Сертификатлаштириш бўйича асосий тушунчалар ва атамалар.

Хозирги вақтда сертификат деган атами тез-тез учратиб турамиз. Бу қандай атама деб сўрасангиз турлича талқин олишингиз мумкин: кимдир бирор малака олганлик тўғрисидаги тасдиқловчи ҳужжат деса, яна кимдир, маҳсулотнинг сифати тўғрисидаги ҳужжат, баъзи бирлари эса маҳсулотни худудимизга олиб кириш ёки олиб кетиш учун божхонага кўрсатилиши лозим бўлган ҳужжат деб таъриф беради. Ўйлаймизки, дарслигимизнинг ушбу бўлимини ўқиб чиққанингиздан сўнг ушбу атамага албатта аниқ ва мукаммал жавоб топамиз.

“Сертификат” сўзининг маъносини келтиришдан олдин мавзудан бироз четга чиқамиз.

Маълумки, Шарқ жумладан Ўзбекистонимиз чет элларда нафақат гўзал табиати ва меҳнатсевар ҳалқи билан, балки ўзининг кўзни камаштирадиган, ранг – баранг мева, сабзавот ва турли маҳсулотларга сероб бозорлари билан ҳам машхурдир. Бундан ташқари, бизнинг бозорлардаги яна бир ўзгачалик ҳам бор. Агар расталар оралаб юрадиган бўлсангиз, сотувчилар, дехконлар мева - чевалардан узатиб, тотиб кўришни таклиф этишларининг гувоҳи бўласиз (албатта, тотиб курганлик учун ҳақ сўралмайди). Бунинг тагида бир маъно

ётадики, у ҳам бўлса, маҳсулотнинг сифатига ҳаридорнинг ўзи баҳо берсин, яъни ишонч ҳосил килсин.

Қадимдан бизда бир тушунча бор. Ҳарид пайтида савдо мукаммал бўлиши учун учта томон иштирок этиши керак. 1 - оловчи (ҳаридор) томон, 2 - сотувчи (тайёрловчи) томон ва 3 - холис томон. 3 - томон сотилаётган буюм ёки маҳсулот эга бўлган сифат кўрсаткичларига кафолат берган. Савдонинг бу тури асосан катта микдордаги ёки қимматбаҳо ҳарид пайтида қўлланилган бўлиб, буни ҳозир ҳам қорамол, қўй ва от савдосида учратишимииз мумкин.

Ўртада турувчи холис томон (уларни баъзан даллоллар деб юритилади) савдони бир муҳим бўлишига ёрдам бериб, савдо объектига хос бўлган сифат кўрсаткичларига тавсиф беради ва холисона баҳо беради. Савдо тугагандан сўнг сотувчи томон эса ҳаридидан ва савдо обеъктининг мавжуд сифат кўрсаткичларидан ишонч ҳосил қилиб, қониқиши ҳиссига эга бўлади. Бу савдонинг яна бир муҳим хусусияти 3 – холис томон сифатида алоҳида ишончга ва нуфузга эга бўлган, ростгўй шахсларгина иштирок этиши мумкин. Биздаги мана шу савдо тури бир неча юз йиллардан бери мавжуд бўлиб, чет давлатларда сертификатлаштириш деб аталувчи фаолиятига айнан шу асос солган бўлса ҳам ажаб эмас.

Сертификатлаштириш маҳсулот сифати ва хавфсизлиги таъминлаш шаклларидан бири сифатида бутун дунёда тан олинган. Сертификатлаштириш учун сертификатлаштириш обьектлари ва субъектларига ягона талабларни белгилаган меъёрий хужжатлар бор булиши шарт.

Атамалар ва таърифларнинг бирлилиги куйилган вазифаларни тугри тушуниш ва сертификатлаштириш протседуруларини муваффа-киятли утказиш учун зарур булади.

Узбекистан Республикасида ҳалкаро стандарт ИСО/МЕК 2:1996 ""Стандартлаштириш ва ёндош фаолият турлари. Умумий лугат" асоси-да яратилган Ўз ДСТ 5.5:1999 "Уз СМТ. Асосий атамалар ва таъриф-лар" ва сифат менежменти тизимлари б^айча Ўз ДСТ ИСО 9000:2002 амалда кулланилмоқда.

Сертификатлаштириш ва аккредитлаш буйича ишларни утка-зишда фойдаланиладиган баъзи атамалар ва уларнинг хос таърифлари ку йида келтирилган.

Аkkредитлаш тизими - Аккредитлашни утказиш учун протседуралар ва бошкарувнинг уз коидаларига эга булган тизим.

Аkkредитлаш - Протседура б^алиб, унинг воситасида ваколатли идора шахе ёки идоранинг муайян ишни бажариш хукукига эга эканлигини расмий тан олади-

Аkkредитлаш буйича идора - Аккредитлаш тизимини бош-карувчи ва аккредитлашни утказувчи идора.

Инспекция текшируви - сертификатлаштириш ва аккредитлашда урнатиаган талабларга мувофикалигини тасдиқлаш мак-садида сертификатлаштирилган маҳсулот, сифат ёки ишлаб чиқариш-ни бошкариш тизимлари, сертификатлаштириш буйича идоралар, синаш лабораториялари (марказлари) нинг фаолиятини такрорий баҳолаш протседураси.

Сертификатлаштириш тизими - Мувофиқдикни сертификатлаштириши утказиш учуй протседуралар ва бошкарувнинг уз кри-даларига эга булган тизим.

Сертификатлаштириш умумий атама бўлиб, маҳсулот, технологик жараён ва хизматларнинг сертификатлаштиришда (мувофиқликни сертификатлаштириш) учинчи томоннинг катнашиши ва унга холисона баҳо бериш тушунилади. Сифат тизимини баҳолаш соҳасидаги тараққиёт сифат тизимини сертификатлаштириш бўйича янги /таъминловчининг имкониятини сертификатлаштириш/ тушунча заруриятини туғдирмоқда.

Кўлланманинг қайта ишланган нусхасида мувофиқликни “Сертификатлаштириш” тушунчasi тегишли атамалар гурухига киритилиган.

Мувофиқлик атамаси маҳсулот, жараён, хизматга белгиланган барча талабларга риоя қилишни ўз таркибига олади. Бунда мувофиқликни учта кўриниши - мувофиқликнинг баёноти, мувофиқликни аттестатлаш, мувофиқликни сертификатлаштириш белгилайди.

Мувофиқликнинг баёноти деб етказиб берувчининг маҳсулот, жараён ва хизматларнинг аниқ бир стандартга ёки бошқа меъёрий ҳужжатга тўла – тўкис мувофиқлик ҳақида бутун масъулиятни ўз устига олганлигини баён этишига айтилади. Бу атамани сўнгги вақтларда «ўз - ўзини сертификатлаштириш» тушунчasi билан алмашилаётгани қайд килинмоқда. Ўз – ўзини сертификатлаштириш деганда маҳсулот ишлаб чиқарувчи томон бутун масъулиятни ўзига олган ҳолда сертификатлаштиришни ўзи утказади ва маҳсулотнинг керакли даражада сифатлилиги ҳақидаги ўз устига олади. Бундай сертификатлаштириш фаолиятини ўз – ўзини сертификатлаштириш деб юритилади.

Мувофиқликни аттестатлаш учинчи томон тарафидан «синов лабораториясининг баёноти» тушунилиб, маълум намуна маҳсулотига бўлган талабларни белгиловчи маълум стандартлар ёки бошқа ҳужжатлар билан мувофиқ эканлигини баён этишига айтилади.

Сертификатлаштириш деганда маҳсулот /буюм, мол/ ёки хизмат муаян стандартга ёки техникавий шартларга мос келишини тасдиқлаш мақсадида ўтказиладиган фаолият тушунилиб, ушбу фаолият натижасида маҳсулот /буюм, молнинг/ сифати ҳақида истеъмолчини ишонтирадиган тегишли ҳужжат – сертификат берилади.

Яна бир зарур атамалардан бири сертификатлаштириш тизими бўлиб у қўйидагича таърифланади: Сертификатлаштириш тизими - мувофиқликнинг сертификатлаштириш фаолиятини ўтказиш учун иш тартиби қоидаларига ва бошқаришига эга бўлган тизимдир.

Сертификатлаштириш тизими атамасидан ташқари сертификатлаштириш схемаси / схема сертификатсии/ киритилиб, у мазмунан мувофиқликнинг сертификатлаштирилишни ўтказишдаги учинчи томон фаолиятининг таркиби ва тартибини англаради.

Сертификатлаштириш тизимиларида қатнашувчи учта тушунча тўғрисида тўхталиб утамиз: Сертификатлаштириш тизимидан фойдаланиш, сертификатлаштириш тизимида қатнашувчи ва сертификатлаштириш тизими аъзоси.

Сертификатлаштириш тизимидан фойдаланиш деганда сертификатлаштириш тизимининг қоидаларига мувофиқ гувохнома талаборига берилган сертификатлаштиришдан фойдаланиш имкониятини тушунилади.

Сертификатлаштириш тизимида қатнашувчи деб ушбу тизимнинг қоидаларига биноан фаолият кўрсатадиган, лекин тизимни бошқариш имкониятига эга бўлмаган сертификатлаштириш идораси тушунилади.

Сертификатлаштириш тизими аъзоси деганда ушбу тизимнинг қоидаларига биноан фаолият кўрсатадиган ва тизимни бошқаришда қатнашадиган сертификатлаштириш идораси тушунилади.

Сертификатлаштириш буйича идора - Сертификатлаштиришни утказувчи идора.

Изоҳ - сертификатлаштириш буйича идора мувофиқдикка синаш ва текширишни \$зи утказиши ёки унинг топшириги буйича бошка идоралар томонидан утказиладиган бундай фаолият устидан назоратни амалга ошириши мумкин.

Синаш лабораторияси - сишашларни утказатсиган лаборатория.

Изоҳ - "Синаи" лабораторияси атамаси юридик ёки техник идора ёки иккаласини ифодаловчи маъно сифатидафойдаланилиши мумкин.

Сифат - Уз тафсилотлари мажмуининг талабларга мувофиқлик **даражаси**.

Истеъмолчиларнинг кониккаклилиги - истеъмолчиларнинг уз талабларининг бажарилганлик даражасидан мамнун булганлик хис-сиёти.

Сифат менежменти тизими - Сифатга нисбатан ташкилотга раҳбарлик килиш ва бошқариш учун менежмент тизими.

Сифат соҳисидаги сиёsat - юкори раҳбарият томонидан ифо-даланган сифат соҳасида ташкилотнинг у мумий максатс ва фаолият **юнапиши**.

Ташкилий тузилма ~ Маеъуллик, ваколатлик ва узаро муно-сабатларнинг ходммлар уртасида такеимланиши.

Манфаатдор томон - ташкилотнинг фаолнятидан ёки ютуклари-дан манфаатдор шахе ёки гурух.

Жараён - Кириш ва чикишларни кайта узгартирувчи узаро boglik ва узаро таъсир этувчи фаолият турларииинг мажмуи.

Протседура - Фаолиятни ёки жараённи амалга оширишнинг уриатилган усули.

Кузатувчанлик - Кузатилаётганинг тарихи, қулланилиши ёки жойлашган урнини кузатиш имкони.

Мувофиқлик - Талабни бажариш.

Номувофиқлик - Талабни бажармаслик.

Сифат буйича раҳбарият - Ташкилот сифат менежменти тизимини белтиловчи хужжат.

Синаш - Урнатилган проyедурага мувофик бир ёки бир нечта тафеилотлар (характеристикалар) ни аниклаш.

Тахлил - Курилаётган объектнинг яроклишги, адекватлилиги (айнан бир хиллиги), натижавийлигии аниклаш ёки белгиланган максадларга эришиш учун амалга ошириладиган фаолият.

Аудит - Аудит гувохномасини олиш ва аудитнинг келишилган мезонларини бажариш даражасини аниклаш максадида уларни бегараз баҳолаш мунтазам, мустакил ва хужжатлаштирилган жараёни.

Аудит дастури - Муайян вакт даврига режалаштирилган ва муайян максадга эришишга юналитирилган бир ёки бир нечта аудитлар мажмуи.

Компетентлик (ваколатлилик) уз билим ва куникмаларини кул-лана олиш кобилияти.

Сертификатлаштириш асосий схемалари.

Сертификатлаштириш бўйича ИСО таркибидаги қўмита томонидан тайёрланган хужжатда учинчи томон тарафидан амалга ошириладиган сертификатлаштиришнинг саккизта схемаси берилган:

Биринчи схема. Бу схема билан фақат маҳсулот намуналари турларини стандартлар талабларига мувофиқлигини маҳсус тасдиқланган синов ташкилотларида синовдан утказилади. Бу хилдаги сертификатлаштиришда синовга тақдим этилган намунани белгиланган талабларга мувофиқлиги тасдиқланади, холос. Бу йўл ўзининг соддалиги ва унча қўп ҳаражат талаб килмаслиги туфайли миллий ва халқаро савдо муносабатларида муайян даражада таркалган.

Иккинчи схема. Бу схемада маҳсулотнинг намуна турларини маҳсус тасдиқланган синов ташкилотларида синовдан ўтказилиб, сўнгра унинг сифатини савдо шаҳобчаларидан вақти - вақти билан олинадиган намуналар асосида назорат қилиб борилади. Бу усул тақдим этилган нумуналар сифатини ҳам баҳолаш имконини беради. Усулнинг афзаллиги унинг соддалигидадир. Унинг камчилигига эса назорат синовлар натижасига қараб, агар маҳсулот стандарт талабларига номувофиқлиги аниқланилса, барibir уни савдо шаҳобчаларидан чиқариб ташлаш учун бирмунча қийинчиликлар туғилади.

Учинчи схема. Маҳсулот намуналарининг турларини маҳсус тасдиқланган синов ташкилотларида ўтказиш, сўнгра сотувчи ёки истеъмолчига юбормасдан туриб вақти – вақти билан намуналарнинг текширувини назорат қилишга асосланади. Иккинчи схемадан фарқланувчи томони шуки маҳсулот савдо шаҳобчаларига тушмасдан туриб, синов назорати ўтказилади ва стандартга омувофиқлиги аниқланса, маҳсулотнинг истеъмолчига жўнатилиши тўхтатилади.

Туртинчи схема. Маҳсулот намуналарнинг турларини худди З - схемаларидан синовдан ўтказишга асосланган бўлиб, сўнгра савдо шаҳобчасидаги ҳамда ишлаб чиқаришда олинган намуналарнинг текшириш назорати вақти – вақти билан ўтказиш орқали маҳсулотнинг сифати ҳисобга олинади. Бу ҳолда маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, унинг чиқарилишига маълум ҳаражатлар бўлгандан кейин стандарт талабларига номувофиқлиги аниқланади.

Бешинчи схема. Бу схема маҳсулот намуна турларини тасдиқланган синов ташкилотларида ўтказишга ва маҳсулот ишлаб чиқаришининг сифатини баҳолашга асосланган бўлиб, сўнгра савдо шаҳобчасида ва ишлаб чиқаришда намуналар сифатини вақти - вақти билан текширилиб назорат қилиб борилади. Бу сертификатлаштириш усули фақат маҳсулотнинг сифатини керакли даражада

бўлишини ҳам назорат қиласи. Табиийки, корхонадаги маҳсулот сифатини таъминлашда, тизимнинг баҳоланишида унинг мезонини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу усул саноати ривожланган мамлакатларда ҳамда халқаро сертификатлаштириш тизимларида энг кўп тарқалган схемадир. Биринчи, тўртинчи схемаларга қараганда бу схема энг мураккаб ва нисбатан қимматрок турадиган схема бўлиб, унинг афзаллиги истеъмолчи маҳсулот сифат даражасини юқори эканлигига ишонч ҳосил қиласи, бу эса асосий мезон хисобланади.

Олтинчи схема фақат корхонадаги маҳсулотнинг сифатини таъминлаш билан тизимнинг баҳоланишини ўтказишга мўлжалланган. Бу усул айрим вақтда корхона – тайёрловчини аттестатлаш деб ҳам юритилади. Бу хил сертификатлаштиришда фақат корхонанинг белгиланган сифат даражасидаги маҳсулотни чиқариш қобилияти баҳоланади.

Еттинчи схема. Маҳсулотнинг ҳар бир тайёрланадиган тадсидан синовларга танлаб олишга асосланган. Танлаб олиш синовларининг натижаларига қараб тўдани ортиши учун қарор қабул қилиниши аниқланади. Бу хилдаги сертификатлаштириш учун танланманинг ҳажми аниқланиши лозим, у эса тайёрланган тўданинг катта – кичикилигига макбул бўладиган сифат даражасига боғлиқ. Қабул қилинган қоидага асосан танланмани тўплаш ваколатланган синов ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Бу хил сертификатлаштириш қўлланиши статистик усулни қўллаш билан боғлиқдир.

Саккизинчи схема. Ҳар бир тайёрланган, айрим буюмнинг стандартлар талабига мувофиқлиги синовлар ўтказиб аниқлашга асосланган. Бу сертификатлаштириш усулида юқорида 1-7 схемаларига караганда таъминловчининг масъулияти анча юқори. Табиийки муваффакиятли синовлардан ўтган буюмларгина сертификат ёки мувофиқлик белгисини олади. 8 - схема маҳсулотга нисбатан юқори ва қатъиyroқ талаблар қўйилганда ишлатилишга асосланган ёки маҳсулотларнинг ишлатилиши натижасида стандарт талабларига мос келмаслиги истеъмолчига катта иқтисодий зарар етказганида қўлланилади. Бу хил сертификатлаштириш қимматбаҳо металлардан ва қотишмалардан тайёрланадиган буюмларда кўпроқ қўлланилади. Бундан асосий мақсад қимматбаҳо металларнинг белгиланган миқдорини, таркибини ва буюмнинг тозалигини текширишdir.

Буюк Британия институти томонидан сертификатлаштиришнинг янги хили яратилиб, бу усул билан фақат ишлаб чиқаришдагни технологик жараёнларининг тасдиқланиши /аттестатланиши/ га асосланган.

Хозирги замон адабиётида ҳар бир сертификатлаштириш схемасининг афзаллиги ва камчиликлари таҳлил этилган. Буларнинг ичидаги энг мукаммал ва мураккаби бешинчи схемадир. Бу схема тўлиқ бўлганлиги учун уни асос қилиб олиб, ҳозирги замон халқаро сертификатлаштириш тизими яратилмоқда.

Сертификатлаштириш тизимларини бошқарувчи идора муайян турдаги маҳсулот сифатининг назоратини ташкил этиш, стандартларга риоя қилишни мажбурий талаб этишини, истеъмолчи ва савдо талабларини эътиборга олиб, мамлакатдаги амалда бўлган қонунлар ва меъёрий хужжатлар асосида ўз ишини ташкил этади.

Сертификатлаштириш идораси синовларни ўтқазиш, корхонадаги ва савдо шаҳобчасидаги маҳсулотнинг сифатини назорат қилиш ҳамда назоратни ташкил қилиш ва ушанга ўхшашларни бажарип учинчи томон вазифасини бажаради. Бунинг учун сертификатлаштириш идорасида синов бўлимлари, маҳсус назоратчилар штати бўлиши керак. Аммо бу ҳамма вақт ҳам иқтисодий томондан оқлай олмайди. Шундай ҳолларда у ўз вазифасининг бир қисмини бошқа идорага ёки ташкилотга топширади.

Таянч иборалар:

1993 йилнинг 28 декабрида Республикаизда «Стандартлаштириш тўғрисида» ва «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида» ги қонунлар билан бир қаторда «Метрология тўғрисида»ги қонун ҳам қабул қилинди.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисидаги» қонуни қачон қабул қилинган ва қайси модда ва бўлимлардан иборат?
2. Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тугрисида» тўғрисидаги қонуни қачон қабул қилинган ва қайси модда ва бўлимлардан иборат?
3. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тугрисида» қонуни қачон қабул қилинган ва қайси модда ва бўлимлардан иборат?
4. Ўлчаш обьекти нима?
5. Ўлчаш катталиклари деганда нималарни тушунасиз?
6. Ўлчаш катталиклари қандай сифат ва миқдорий характеристикаларга эга?
7. Ўлчов бирликларининг қандай турлари мавжуд?
8. Халқаро системанинг асосий бирликлари.
9. Асосий ва қўшимча физик катталиклар бирликларини санаб беринг.
- 10.Стандартлаштириш давлат тизими нима?
- 11.Ўзбекистон Республикасидаги стандарт тоифалари.
- 12.Давлатлараро стандартларнинг халқаро стандартлардан фарқи.
- 13.Республика стандарти давлатлараро мақомни олиши мумкинми?
- 14.Стандартларни белгилаш тартиблари.
- 15.МДХ давлатлари бўйича стандартлаштириш.
- 16.Стандартларни давлат руйхатидан ўтқазиш қандай амалга оширилади?
- 17.Ўзбекистон Республикасида «Ўзстандарт» Агентлигининг ваколатлари
- 18.Сертификатлаштириш ниманианглатади?
- 19.Ўзстандарт Агентлиги сертификатлаштириш буйича кайси вазифалар киради?
- 20.Нмаҳсулот сифати нимага болжук?
- 21.Нима учун аудит утказилади?
- 22.Республикамизда сертификатлаштиришнинг нечта схемаси мавжуд?

9-МАЪРУЗА **МАВЗУ: УМУММАШИНАСОЗЛИК БЮОМЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ** **ВА ЖИХОЗЛАРИ**

РЕЖА:

1. Намунавий технологик ва ностандарт технологик жихозлар элементлари, мослама ва ўлчаш асбоблари, қисмлари ва деталларини лойиҳалаш.
2. Кўйма, болғалаш ва штамплаш заготовкаларини ва автоматик бошқариш ва ростлаш тизимларини лойиҳалаш

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси. Т.:2014.
2. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Т.: 1997
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т.:1997
4. Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг меъёрий-хуқуқий асослари. Т.:2015
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидаларни тасдиқлаш тўғрисидаги №343 сонли қарори.

Таянч иборалар:

Технологик амал,технологик ўтиш, ёрдамчи ўтиш, ишчи юриш ёрдамчи юриш, ишчи жой, буюм, детал, асосий буюм, ёрдамчи буюм, агрегат, машиналарнинг асосий кўрсаткичи, пухталик бузилиш

Машинасозлик технологиясининг обьекти технологик жараён ҳисобланади, предмети бўлиб эса-технологик жараённинг қонуниятларини ташки ва ички боғланишларини ўрнатиш ва тадқиқодлаш ҳисобланади.

Технологиянинг ривожланиш тарихига келсак, бу жуда ҳам қадим замонларга бориб тақалади. Инсон пайдо бўлибдики у ўз эҳтиёжини қониқтиришга ҳаракат қиласди. Бунинг учун у табиат предметларини олиб, унинг шакли, ўлчамлари ва сифатини ўзгартириб, ўз эҳтиёжи ва талабини қондирувчи буюм яратади ва бу жараён тинимсиз такрорланиб турли туман инсонни талабига жавоб берувчи буюмлар бунёд этилиб келинади. Инсоннинг талаби ва имкониятлари чексиздир. У, доимо янгилик яратувчиидир, ҳар бир яратган буюми технологик жараён орқали вужудга келади. Инсон пайдо бўлиши билан технология деган атама пайдо бўлган десак хеч ҳам адашмаган бўламиз. Бундан минг йил олдин дунёга машхур боболпримиздан А.Р. Беруний илмий изланишларида бунёд этилган ускуналар, машхур табиб Ибн Синонинг тиббиётдаги кашфиётлари, Мўғуллар ихтилосини даф қилишда уришлар тактикасига асос солган бобомиз Амир Темурнинг қурал аслаҳалари, уларнинг коинот илмида тенги йўқ ва коинотни ўрганиш учун Абсерватория қурдирган ва бир

нечта илмий кашфиётлар қилган набиралари Мирзо Улуғбек ва жиҳоз қўп алломаларимизнинг илмий кашфиётлари технологияга боғлиқ бўлган.

Узоқ олдинги замонларда ишлаб чиқариш жуда ҳам содда (приметив) бўлган. Қуроллар жилвирилаш хусусиятига эга бўлган оддийгина тошлар билан чархланган; бошида кескич асбоб ишчи ҳолатида қўл билан ушлаб турилган, кейинчалик тутқичга дараҳт новдалари ёки ҳайвонлар пайлари билан боғлаб қўйилар эди.

Ўша замоннинг ютуғларидан бири айланувчи тошни қўллаш бўлди – чархлаш дастгоҳининг тимсоли каби.

Кейинчалик айланма ҳаракатни керамикали буюмларни тайёрлаш учун қўллашди, ундан кейин эса – ёғочдан, ҳайвонлар суякларидан ва охирида металлдан силиндр шаклидаги буюмлар тайёрлаш учун қўлланила бошланди.

Шунинг билан бир қаторда ишланувчи материални ҳаракатга келтирувчи мослама қўлланди. Ўша вақтларда токарлик дастгоҳини эслатувчи буюмга комон ёйи (ипи) билан айланма ҳаракат бериб, кремнийли кескични қўл билан ушлаб туриб ишлов берилар эди. Аста-секин от билан айланма ҳаракатланувчи узатмали токарлик дастгоҳи яратилди, аммо кескич асбоб барибир қўлда ушлаб турилди.

Металларга ишлов беришнинг қадимги тарихи жуда кам ўрганилган. Аммо X асрда ёк рус усталари турли туман қуроллар, уй рўзғор предметлари ва ш.ў. тайёрлаш техникасига эга бўлишган. ХИИ асрда рус қуролсозлари кескич асбобни ёки ишланувчи танаворни айлантирувчи қўл узатмали пармалаш ва токарлик қурилмаларини қўллашган. ХИВ-ХВИ асрларда қурол тайёрлаш учун сув тегирмони айланма ҳаракат берувчи токарлик ва пармалаш дастгоҳларидан фойдаланишган.

ХВИ асрда Тула шахрининг атрофидаги Ока дарёси ёнидаги Павлов қишлоғида махаллий темир рудасини ишлатишга асосланган металлишловчи саноат барпо этилди. Шундай бўлса ҳам кескич асбоб қўлда ушлаб турилган. Аммо, металл ишлаб чиқарувчи саноат Пётр И замонасига келиб аста-секин ривожланабошлади, устахоналар фабрика ва заводларга айлантирилиб турли дастгоҳ, қурилма ва мосламалар билан жиҳозлантирилди.

Бу даврга келиб (1680-1756 йй.) яшаган рус механиги ва ихтирочиси А.К. Нартов (1718-1725) дунёда биринчи бўлиб токарлик дастгоҳи учун танавор бўйлаб тишли ғилдирак ва рейка ёрдамида ҳаракатланувчи механик суппорт яратди. Бироқ, у бундан ташкари қатор оригинал дастгоҳлар яратди (винтқирқувчи, тишқирқувчи, арраловчи ва бошқ.). Жумладан у, қурол, танга ва ҳ.к. тайёрлаш учун қатор технологик жараёнлар ишлаб чиқди.

1714 йилда М.В. Сидоров Тула қуролсозлик заводида “сув таъсир этувчи машиналар” яратди. Шу пайтда солдат Яков Ватишев 24 қурол стволини бирвақтда пармалайдиган, стволни артадиган ва тозалайдиган тегирмонни юритувчи узтмаси қўлланилган дастгоҳлар яратди. Уларнинг ишларини ХВИИ аср ва ХИХ аср бошларида уста-механиклар: А. Сурин, Я. Леонтьев, Л. Собакин, П. Захов ва бошқалар давом этдиришди.

Шу даврда иқтидорли рус олими М.В. Ломоносов (1711-1765) лоботокарлик, сфератокарлик ва жилвирлаш дастгоҳларини курди.

Буг машинасини ихтирочиси И.И. Ползунов (1728-1764) буғ қозонини баъзи бир деталларини тайёрлаш учун махсус тсилиндир йўнувчи ва жиҳоз дастгоҳларни яратди. И.П. Ползунов сув сирти ўзгариши билан боғлиқ бўлган сузғич (попловок) яъни оддий автоматик қурилма яратиб, ишлаб чиқаришни механизатсиялашга биринчи қадамни қўйишга сабабчи бўлди.

Рус механиги И.П. Кулибин (1735-1818) соат механизмини тишли ғилдиракларини тайёрлаш учун махсус дастгоҳлар яратди.

Ўша вақтда харбий ишлаб чиқариш ягона оммавий ишлаб чиқаришнинг намунаси бўлди; у ишлаб чиқариш технологиясига ўзароалмашинувчанлик принсипини киритилишига асос бўлди.

Маълумки ўзароалмашинувчанлик тамоили бўйича ишлаб чиқаришни ташкил этиш инструкцияси Россияда ишлаб чиқилди ва Тула заводига юборилди, Бу деярли 25 йил аввал франсуз мухандиси Лебландан ва деярли 100 йил аввал англиялик ишлаб чиқарувчилар съездигача, яъни Джозеф Витворд ўзароалмашинувчанликнинг асосий вазифаларини ифодалаб бергунга қадар амалга ошган эди.

ХIX аср охири XX аср бошида баъзи бир корхоналарда детилларнинг ишчи чизмаларида тайёрлаш қўйимлари (допусклари) кўрсатилабошланди.

Технологик жараёнларнинг ўрганилабошланиши, яъни танаворларга ишлов бериш услублари, бунинг натижасида ўлчамига, шаклига, сифатига ва унинг ишига қўйилувчи талабларга мос келувчи тайёр буюм олиниши, ўтган асрнинг биринчи йилларига тўғри келади.

Табиат предметларини сифатини ўзгартириб, ўз эҳтиёжини қондира оладиган буюмлар яратиш жараёнига технологик жараён дейилади.

Технология сўзи юононча сўзлар бирикмасидан ташкил топган бўлиб, *техне* - санъат, маҳорат, усталик ёки уddaлаш усулини ифодаласа, *логос* - ўқитиши, фан сўзини ифодалайди. *Бошқача қилиб айтганда технология* - маҳорат ёки уddaлаш усули (*иши бажарииш тартиби-мажмуи ёки режаси*).

1804 й. акад. В.М. Саверин технология тўғрисидаги биринчи қоидани ифодалади ва ”технология - хунармандчиликлар ва заводлар тўғрисидаги илим” деб аниқлик киритди.

Технологиянинг ривожига русс билимдонлари А. Андрей Чохов, М.В. Сидоров, Я. Батишьев, А.К. Нартов ва бошқалар ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Машинасозлик технологиясида тўпланиб қолган тажриболарни биринчилардан бўлиб тасвирлаб берганлардан бири Москва Университетининг профессори И. Двигубский бўлди. 1807 й. у *“Начальные основания технологии или краткое описание работ на заводах и фабриках производимых”* номли китобини ёзди.

1885 й. профессор И.И. Тименинг (1838–1920) *«Основы машиностроения, организация машиностроительных фабрик в техническом и экономическом отношении и производства работ»* номли

иши чиқди. У биринчи бўлиб “Кесиш назариясининг асосий қонунларини ифодасини берди.

1890-1900 йй. проф. А.П. Гавриленконинг (1861–1914 йй.) “*Технология металлов*” номли китоби чоп этилди. Унда металларга ишлов бериш технологияси тажрибасининг ривожланиши умумлаштирилган. Бу дарслик рус мухандисларининг бир неча авлодилари таълим олишлари учун қўлланма вазифасини бажарди.

1917 й. Совет иттифоқи барпо этилгандан кейин дастгоҳсозлик саноати юқори унумдорликка эга бўлган ва юқори аниқлик берувчи турли технологик мақсадлар учун турли дастгоҳларни ва такомиллашган кескич асбобларни яратди. Буларнинг ҳаммаси, иттифоқ мухандислари ва олимлари тамонидан механик ишлов бериш технологик жараёнларининг қонуниятларини илмий асосларини яратиш имконини берди.

XX асрнинг бошларида техниканинг тез суратлар билан ривожланиши натижасида тўпланиб қолган турли деталларга ишлов бериш, уларни йиғиши технологик жараёнлари тўғрисидаги тажрибаларни умумлаштириб баъён этишнинг зарурати пайдо бўлди. Бундан ташқари Олий ўкув юртларининг ўкув дастурларига машинасозлик технологияси, мосламаларни, сехлар ва заводларни лойиҳалаш (масалан, “Технология автомобилестроения”, “Технология тракторостроения”, “Технология станкостроения” ва бошқ.) каби фанлар киритилди.

Машинасозлик технологияси заводлар, илмий-текшириш институтлари, олий ўкув юртлари жамоатлари илм ва саноат ишчиларининг катта меҳнати натижаларини умумлаштирилиши асосида илм соҳаси каби шакилланабошлади.

Агар *ilm ilmий билимлар тизими* бўлса, унда *билим олиши жараёни илмий билиши* (билим олиш) ҳисобланади.

Машинасозлик технологияси миқёсида *ilmий билишининг* шаклланиш жараёнини уч босқичга ажратиш мумкин: 1) технологик жараёнлар тўғрисида *эмпирик изланиши ва эмпирик билимларнинг* бошланғич йиғилиши туғилиши ва ривожланиш; 2) технологик жараёнларни бажаришда ўринга эга бўлган *ходисалар мажмуининг биринчи илмий суратларининг туғилиши*; 3) назарияларни қуриш.

Технологик жараённи татбиқ этишда асосан икки масала эчилади:

1. Эҳтиёжга қараб маҳсулот тайёрлаш талабини қониқтириш;
2. Кам меҳнат сарфлаб, қисқа вақт ичida сифатли ва арzon маҳсулот-буюм тайёрлаш.

Машиналарни лойиҳалаш ва тайёрлаш битта жараённинг иккита босқичидан иборатдир. Бу босқичлар ўзаро узлуксиз боғланишдадир. Лойиҳалаш жараёнини конструкциясининг технологиябоплигини ҳисобга олмасдан тасаввур қилиб бўлмайди. Технологиябопгина конструкция меҳнат ҳаражатларини тежаш, аниқликни ошириш,

юқори унумли жиҳозлар, мослама ва асбобларни қўллаш, энергияъни ва вақтни тежаш имконини беради.

Конструкция қанча технологиябоп бўлса, уни ишлаб чиқариш шунчак такомиллашган ва арzon бўлади.

Машинани тайёрлаш босқичида асосий дикқат эътибор унинг сифатига берилади ва унинг энг муҳим кўрсаткичи – аниқликка. Ўтган юз йиллик ичида деталларни тайёрлаш аниқлиги деярли 2000 марта ошди. Бунақа ортиш ҳеч бир машинанинг хизмат қилиш тавсифида кузатилган эмас. Баъзи бир ишлаб чиқаришларда бу, яъни деталларни микрометр ва микрометрнинг қисми аниқлигига тайёрлаш норма тусини олган. “Аниқлик” тушунчаси нафақат ўлчамга тегишли, балки шаклга, сиртларнинг ўзаро жойлашишига, деталларнинг физик-механикавий тавсифларига ва уларни тайёрлаш муҳитига ҳам тегишлидир.

Ишлаб чиқариш шароитида берилган сифатда машиналарни яратиш, машинасозлик технологиясининг илмий асосларига таянади. Машиналарни сифатли тайёрлаш жараёни (танаворларни танлаш, уларга ишлов бериш ва деталларни йиғиш) машинасозлик технологиясининг қонуниятларини қўллаш билан амалга оширилиши кузатилади.

Машинасозлик технологияси фанининг ривожланиши бир неча босқичлардан ўтган. Бу босқичлар қуйидагилар: *биринчи босқич* ишлаб чиқариш саноати ташкил топгандан бошлаб, уни оёққа турғазиб тубдан янгилангунга қадар бўлган вақтни ўз ичига олади (1930 й. гача).

Иккинчи босқич 1930–1941 йилларни ўз ичига олади. Ишлаб чиқаришда, амалиётда буюм тайёрлашни, йиғишни ташкил қилиш жараёнларни умумлаштириш ва технологик жараёнларни илмий ишлаб чиқиши. Шу босқичда машинасозлик технологияси фан сифатида шаклланди. Шу босқичда базалаш асосларининг илмий назарияси, бикирлик, қўшимларни аниқлаш ва тайинлаш, илк бор пайдо бўладиган соҳада илмий ишлар чоп этилди, технологик жараёнларни типизатсиялаш ва ноаниқликларни таҳлил қилиш ва эҳтимоллик назарияси яратилди.

Учинчи босқич урушдан кейинги то 1970 йилларгача бўлган босқич. Бу босқичда машинасозлик технологияси фани жуда тез суратлар билан ривожланган. Янги технологик фикрлар пайдо бўлган ва фаннинг илмий асослари яратилган, ишлов бериш аниқлигини назарияси, яъни ишлов беришдаги хатоликларни аналитик ҳисоблаш усуллари яратилган, чуқур ишлов бериладиган юзаларнинг сифати

ўрганилган. Технологик тизимни бикирлиги илмий даражада чукур таҳлил қилинган, аналитик ҳисоблаш йўли билан қўшимларни (припук) аниқлаш усули яратилган. Технологик жараёнларни автоматик лойиҳалаш тизимлари барпо этилди. Дастурли кўпамалли дастгоҳлар ва мослашувчан ишлаб чиқариш тизимлари яратилиб, илғор технологиялр яратишда катта бурулиш ясади. Бу фаннинг ҳамма соҳаларида чукур илмий текшириш ва тадқиқот ишлари ўтказилган.

Тўртинчи босқич янада ривожланиш босқичи ва мустақиллик ҳозирги замон даврини ўз ичига олади. Бу босқичда бошқа давлатлар олимлари билан бир қаторда фаннинг кўп соҳаларида Ўзбекистон Республикаси олимлари ҳам илмий текшириш ишлари олиб бориб, фанга ва машинасозликнинг ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшган. Автоматлаштирилган технологик жиҳозларни такомиллаштириш ва уларнинг бикирлигини оширишга проф. Г.Н. Молчанов, Г.Б. Фикс-Марголин, ва Л.В. Перегудовлар; юзаларга механик ишлов беришда иссиқликнинг энергетик балансларини илмий назариясини яратишда проф. Ф.Я. Яқубов; текстил машинасозлигини ривожига проф. Р.Г. Махкамов; паҳта териш машиналарини яратишда проф. Х.Х. Усмонҳоджаев, Т.Р. Рашидов, М.Т. Ўрозбоев, проф. А. Каримовлар; автомобилларни такомиллаштиришда О.У. Салимов; тишли ғилдиракларга ишлов беришда ва уларнинг параметрларини ўлчашнинг илмий асосларини яратишда проф. Д.Е.Аликулов; металларни ишқалб кесишни асослаган проф. М.Т. Балабеков; пайвандлаш технологиясининг ривожига проф. М.А. Абролов; материалшуносликни ривожланишига проф. А.А. Мухамедов; металларга меҳаник ишлов беришнинг кибернетик муаммоларини аниқлашга проф. Н.М. Мўминов ва бошқалар, машинасозлик тәхнологияси фанига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Янги XXI аср бошланишини *бешинчи босқичнинг* бошланиши деб айтсак тўғри бўлади. Бу босқич машинасозликка информатсион ва янги педагогик технологияларининг кириб келиши ва машинасозлик фанини ўқитишида янги ўқитиш усуллари: назарий ва амалий электрон дарслклар, ўқув қўлланмалар, виртуал лабораториялар яратиш ва ўқув жараёнини янги босқичга кўтариш даври келди десак тўғри бўлади.

Ўзбекистонга керакли бўлган машиналарни ишлаб чиқариш тури, ҳажми конкретлаштирилмоқда ва шу соҳаларда илмий изланиш ва текшириш ишлари изчил олиб борилмоқда. Машинасозлик технологиясининг гуркираб ривожланиш жараёни давом этмоқда.

Ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлар

Бунга: ишлаб чиқаришни ташкил этиш, корхона ва заводларга келтирилган хом ашё, ярим маҳсулотларни ташқаридан келтириш, завод ва корхоналар ичида сехдан сехга ташиш, қуйма, болғаланган, штампланган, пайвандланган ва бошқа турдаги танаворларни тайёрлаш, механик, термик, кимёвий-термик ва бошқа ишловлар бериш, деталларни ўлчамлари ва сифатини назорат қилиш, қисм (узел) ва машиналарни йиғиши, синовдан ўтказиш, бўяш, қайтадан детал ва қисмларга ажратиш, қоғозларга ўраш, яшикларга ва омборхоналарга жойлаштириш, тайёр маҳсулотларни буюртмачи ташкилотларига жўнатиш каби жараёнларни ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш жараёни корхона ва заводларнинг турли участка ва сехларида бажарилади.

Технологик жараённинг структуравий тузилиши. Маҳсулот тайёрлаш ёки йиғиши жараёнига мувофиқ равиша ТА ни қуидагича тарифлаш мумкин.

Технологик амал (ТА) деб, – технологик жараённинг тугалланган қисми бўлиб, битта ёки бир нечта бир вақтда ишлов берилувчи ёки ииғилувчи маҳсулотларни, битта ёки бир қанча ишчилар тамонидан узлуксиз бажарувчи ишга айтилади.

ТА ишлаб чиқаришни режалаштириш ва учётга олишда асосий бирлик бўлиб ҳисобланади. Амалларга асосланиб, маҳсулот (буюм) ишлаб чиқаришнинг иш ҳажми, вақт меъёри ва нархи белгиланиб, керакли сонда ишчилар, жиҳоз-ускуналар, мосламалар, кескич ва ўлчагич асбоблар ҳамда механик ишлов беришнинг таннархи аниқланади. Шу билан бирга ишлаб чиқаришнинг календар режаси ҳамда сифатни назорат қилиш ва ишни бажариш муддати ишлаб чиқилади.

Технологик амаллардан ташқари ёрдамчи амаллар (транспорт, назорат, тамғалаш, қириндиларни тозалаш ва бошқ.) ўлчам ва сифатни ўзгартирмайди, аммо ТА ни бажариш учун зарур ҳисобланади.

Технологик ўтиши – ишлов беришдан ёки ииғилувчи деталларни бирлаштиришдан ташкил топувчи, қўлланилган асбоб ва юзаларнинг доимийлигини характерловчи технологик амалнинг тугалланган қисмiga тушунилади. Одатдаги металл кесувчи дастгоҳларда технологик ўтишларни дастгоҳларнинг ўзгармас иш режимида бажарилади. Ишлов бериш вақтида танаворга битта технологик ўтишнинг ичида дастгоҳнинг иш режимининг автоматик равиша

ўзгаришини, ТА, рақамли дастур билан жиҳозриладиган дастгоҳларда ишлов беришда амалга оширилишига тушунилади.

Ёрдамчи ўтиши – технологик амалнинг тугалланган қисми бўлиб, ишчи ва дастгоҳ ҳаракатларидан ташкил топиб, бинобарин, сиртларнинг шакли, ўлчамлари ва сифати ўзгариши билан боғлиқ бўлмай, аммо технологик ўтиши учун зарур бўлган ҳаракатларга тушунилади.

Масалан: танаворларни ўрнатиш, кескич асбобларни алмаштириш ва ҳ. к. лар киради.

Ишчи юриши – технологик ўтишининг тугалланган қисми бўлиб, кескич асбобнинг танаворга нисбатан бир марта силжишидан ташкил топиб, танаворнинг шакли, ўлчамлари, юзалар тозалиги ёки хоссалари ўзгаришига тушунилади.

Ёрдамчи юриши – технологик ўтишининг тугалланган қисми бўлиб, кескич асбобнинг танаворга нисбатан бир марта силжишидан ташкил топиб танаворнинг шакли, ўлчамлари, юзалар тозалиги ёки хоссалари ўзгариши кузатилмасдан, лекин ишчи юришини бажариши учун зарур бўлган ҳаракатга тушунилади. Буни салт юришлар деса ҳам бўлади.

Ўрнатиш – технологик амалнинг қисми бўлиб, ишлов берилувчи танаворлар ёки йигилувчи йигилма бирликларнинг мосламага ўзгаришисиз маҳкамланган ҳолатига тушунилади.

Технологик амаллар, бир ёки бир неча ўрнатувларда бажарилиши мумкин.

Масалан: токарлик дастгоҳида пўлат валикни уч қулоқли патронга ўрнатиб битта тарафига ишлов бериб бўлгандан кейин уни бўшатиб, биринчи ишлов берилган томони билан уч қулоқли патронга қайтадан ўрнатиб, иккинчи томонига ишлов берилиб, ТА тутатилса, ТА иккита ўрнатувда бажарилган ҳисобланади ва ҳ.к. Йўниш, ТА битта, иккита ва бирнечча ўрнатувларда бажарилиши мумкин.

Ишчи жой – Мехнат предметлари жойлашган корхона структурасининг элементар бўлаги (у эрда ишни бажарувчилар, улар томонидан ишлатилувчи технологик асбоб-ускуналар, конвеернинг қисми, вақтинчалик ускуналар, юк кўтарувчи кранлар жойлаширилади).

Ҳолат (позитсия) деб, – мосламага ўзгаришисиз маҳкамланган ишлов берилувчи танавор ёки йигилувчи йигема бирликнинг мослама билан биргаликда, кескич асбобга ёки дастгоҳнинг бирон қўзғолмас қисмiga нисбатан эгаллаган, ўрнига айтилади. Ҳолат асосан: тўхтаб–тўхтаб айланувчи ҳолатли столларда (агрегат дастгоҳларида): чизиқли

ёки айланма ҳаракатланувчи конвеерларда (автоматик линиялар, МИТ, МИУ, МАЛ ва МАИ) кузатилади. Масалан: биронта оддий втулка шаклидаги детал ички тешигига тўрт ҳолатли агрегат дастгоҳида ишлов бериш керак бўлсин.

Ҳаракат (приём) – технологик ўтув ёки унинг қисмини бажаришда, бир мақсадга бирлаштирилган тугалланган иши ҳаракатларининг ийгиности. Масалан, танаворни мосламага ўрнатиб ва тушириб, ёрдамчи ўтишни бажаришда кетма-кет қуидаги ҳаракатларни бажариш керак бўлади: яшикдан танавор олинсин, мосламага ўрнатилсин ва маҳкамлансин, дастгоҳ ишга туширилсин. Дастгоҳ тўхтатилсин, танавор мосламадан бўшатилсин ва жиҳоз яшикка солиб қўйилсин ва ҳоказо.

Буюм, машина ва унинг элементлари

Буюм деб – ҳар қандай машинасозлк ишилаб чиқаришининг охирги босқичида тайёр бўлган маҳсулотга айтилади.

Буюм машина, агрегат, қисм ва ҳатто детал шаклида ҳам бўлиши мумкин. Масалан: Трактор заводи учун буюм – трактор; Автомобил заводи учун буюм – автомобил, Агрегат заводи учун – турли қўринишдаги редукторлар, тракторларнинг олдинги ёки кетинги қўприклари; Компрессор заводи учун – турли қўринишдаги компрессорлар; Тирсакли вал тайёрловчи завод учун – тирсакли вал ва ҳоказо.

Қисм (узел) деб,- алоҳида иши жойда ийгилиб асосий ийгилимага бир бутун ҳолда бирлаштирилувчи буюмнинг элементига айтилади. Масалан: Трактор двигатели, тезликлар қутиси, олдинги ёки кетинги қўприклари, стартёри, фидираклари ва ҳ.к.

Детал деб, – ийгииш амаллари қўлланилмасдан таркиби ва номи бир хил материалдан тайёрланган буюмнинг элементига тушунилади. Масалан: Бир бўлак металдан тайёрланган валик, қуйиб тайёрланган қути, пўлот вароқдан штампланган картер ва ҳоказо.

Машина тушунчаси ва синфлари. Машиналар хизмат қилиш вазифаларига кўра уч синфга бўлинади: 1-синф двигателсимон машиналар, 2 - синф ишчи машиналар, 3 – синф ахборот берувчи машиналар.

Двигателсимон машиналар деб, – бир қўринишдаги энергияни бошқа қўринишдаги энергияга айлантириб берувчи машиналарга айтилади. Масалан: Ёнилғи энергиясини – механик энергияга

айлантирувчи машина двигателлари; сув энергиясини – электр энергияга айлантирувчи гидротрубиналар ва ҳоказо.

Ииши машиналар, (дастгоҳлар, ускуна-қурол-машиналар), уларнинг ёрдамида меҳнат предметининг шакли, ўлчамлари, хосса ва ҳолатлари ўзгартирилади. Масалан: токарлик, пармалаш, фрезалаш дастгоҳлари ёки турли автомобиллар, тракторлар ва ҳоказо.

Ахборот берувчи машиналар, улар ёрдамида турли ахборотларни олиш мумкин. Масалан: машина ғилдиракларини балансираш, диагностика қилиш; компьютерлардан турли ахборотлар олиш ва бошқалар.

Буюм турлари ва тушунчалари. Буюмлар – маҳсулотлар уч турга бўлинади: *асосий, ёрдамчи ва қўшимча*.

Асосий буюм деб, – ишлаб чиқариш корхонасига буюртмачи томонидан буюртма берилиб, корхонада тайёрланувчи якуний-тугалланган маҳсулотга айтилади. Бу маҳсулот омборхоналарга жойлаштирилади ёки буюртмачига бериб юборилади.

Ёрдамчи буюм деб, – ишлаб чиқариш корхонасининг ўз эҳтиёжи учун, асосий буюмни тайёрлаш технологик жараёнида қўллаш мақсадида тайёрловчи маҳсулотига айтилади.

Масалан: Корхонанинг асбобсозлик сехларида ўз эҳтиёжи учун тайёрловчи турли маҳсус мосламалар, қурилмалар, кескич ва ўлчагич асбоблар ва ҳоказо.

Қўшимча буюм деб, – ишлаб чиқариш корхонасига бириттириб қўйилган ҳалқ хўжалигига кенг истеъмол қилинувчи маҳсулотларга айтилади. Масалан: Агрегат заводи учун қўшимча буюмлар болалар велосапеди, самокат, турли нарвонлар ва консерва ёпқичлари; Асбобсозлик заводи учун турли ток ва одатдаги қайчилар, чилангарлик калитлари, отвертка-бурагичлар, арралар ва жиҳоз асбоблар.

Буюмларни йиғма бирликларга ажратиш. Машина, механизм, қисмлар ва уларнинг деталларини йиғиши технологик жараёнида шартли равишда гурухларга ёки йиғма бирликларга ажратиш, йиғиши жараёнини режалаш учун қулайликлар келтиради.

Машина ва механизmlарни йиғиши технологиясини яратишдан олдин уларнинг умумий ва қисмлари бўйича йиғиши технологик схемаларини тузиб олиш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун ҳам улар биринчи, иккинчи ва н-чи тартибли йиғма бирликларга ажратилади.

Умумий йиғув жараёнида, буюм таркибига бевосита кирувчи (бирлаштирилувчи) йиғма бирликка биринчи тартибли йиғма бирлик

деб аталади. Биринчи тартибли йиғма бирлик таркибиға киравчи йиғма бирликка иккинчи тартибли йиғма бирлик деб аталади ва ҳ.к., н -чи тартибли йиғма бирлик охирида фақат деталларга ажралади. Бу ҳолда буюмнинг ўзи 0–нчи тартибли йиғма бирлик бўлиб хисобланади.

База детал деб, – барча қолган қисм ва деталларни ўзига бирлаштирувчи деталга айтилади. Масалан: Трактор учун база детал-рама; двигател учун – цилиндрлар блоки; редуктор учун –пастки корпуси ва ҳоказо.

Комплекс – буюмнинг икки ёки ундан ортиқ ихтисослаштирилган қисимлари бўлиб, улар ушбу буюмни тайёрловчи корхонада ийгиши амали орқали бир-бiri билан бирлаштирилмайди, аммо ўзаро боғлиқ бўлган эксплуататсион функцияни бажарии учун мўлжалланган бўлади.

Масалан: автоматик линия, участка ёки сех-автомат, рақамли дастур билан бошқариладиган (РДБ) дастгоҳлари ва бошқалар.

Комплект – икки ёки ундан ортиқ маҳсулотдан иборат бўлиб, улар ишлаб чиқарии корхонасида ийгиши амали орқали ўзаро бирлаштирилмаган буюмлар тўпламидан иборат бўлади ва ёрдамчи хусусиятга эга бўлган умумий эксплуататсион вазифани бажарии учун мўлжалланган бўлади. Масалан: асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар, ўлчаш воситалари ва ҳоказо.

Агрегат деб, ўз вазифасини маҳсулотда ёки мустақил равишда бажараоладиган ийёма бирликка айтилади. У тўла ўзаро алмашинувчанлик хусусиятига эга. Агрегатлардан йиғилган маҳсулот агрегатли ёки модулли дейилади.

Агрегатли (модулли) тамойил асосида лойиҳаланган ва тайёрланган маҳсулотлар, албатта, юқори даражадаги техник – иқтисодий кўрсаткичларга эга бўлади. Агрегатли (модулли) маҳсулотлар эксплуататсия ва таъмирлаш вақтида кулайликка ҳам эга, йиғиш муддати ҳам уларда анча қисқа бўлади.

Машиналарнинг асосий кўрсаткичи унинг сифат кўрсаткичидир. Сифат кўрсаткич бир-бiri билан узвий боғлиқ бўлган аниқлик, пухталик, ресурс, чидамлилик ва умироқийлик кўрсаткичларни ўз ичига олади.

Пухталик деб, – маҳсулотнинг вақт давомида ўз иш қобилиятини сақлаш хусусиятига айтилади. Пухталик бузилиш ва бузилишга қадар ишчанликлари билан тавсифланади.

Бузилиш деб, маҳсулотнинг иш қобилиятини бирдан йўқотишига айтилади.

Иишанлик деб, – маҳсулотнинг бузилишига қадар ишилаш қобилиятига (муддатига) айтилади.

Маҳсулотнинг бузилишига қадар вақт (соат ҳисобида) маҳсулотнинг ишилаш муддати бўлиб, у тасодифий миқдордир.

Ресурс маҳсулотнинг рухсат этилган хизмат муддати бўлиб, соат билан аниқланади. Ресурс тасодифий эмас, аксинча, маҳсулотнинг рухсат этилган иш муддати бўлиб, унинг чидамлилигини белгилайди.

Маҳсулотнинг пухталиги умумий хоссага эга бўлиб, бузилмасдан ишилаш ва чидамлилик хусусиятларни ўз ичига олади.

Умирбоқийлиги деб, – маҳсулотнинг ишилаши мумкин бўлган чегарали ҳолатига этишигача ўз иш қобилиятини сақлай олиш хусусиятига айтилади. Бунда маҳсулотни эксплуататсия қилиш даврида белгиланган техник хизмат ва таъмирлаш тизими асосида унинг иш қобилияти сақлаб турулади.

Машинанинг сифатини; тайёрлашда, таъмирлашда ва эксплуататсия давридаги тежамлилик, иқтисодий ва технологиябоплик кўрсаткичлар тизими аниқлайди. Булардан бири иш ҳажмидир, яъни нормал интенсивликда меҳнат қилиб маҳсулотни тайёрлаш вақтини соат бўйича аниқланишига айтилади.

Маҳсулотнинг барча деталларини тайёрлаш учун дастгоҳларнинг ёки бошқа жиҳозларнинг банд бўлиш давомийлигини дастгоҳларнинг ишилаш вақти аниқлайди.

Маҳсулотни тайёрлаш ёки таъмирлаш жараёнининг бошидан оҳиригача кетган вақт оралиғига ишлаб чиқарии сикли деб айтилади. Сермеҳнатлиликка қараб ишчилар сони аниқланади.

Сердастгоҳлик деб, дастгоҳларнинг маълум муддат (вақт) ичida тайёрлаган маҳсулотлар сонига айтилади. Сердастгоҳлик бўйича дастгоҳлар сони аниқланади.

Машинасозлик мамлакат иқтисодиётининг устувор мажмуаси ҳисобланади. Чунки иқтисодиётнинг ҳеч бир тармоғи машиналар билан таъминланмай туриб ривожлана олмайди. Ҳозирги замон машинасини тайёрлаш учун кўп миқдорда металл, пластмасса, бўёқлар, резина, газлама, ёғоч-тахта керак бўлади. Машинасозлик юзлаб, ҳатто минглаб деталлардан тайёрланади. Бу қадар хилма-хил деталларни биттагина заводда ясаш ноқулай ва самарасиздир. Шу сабабли машинасозликда **деталлар ясашга ихтисослашиш**, яъни тайёр маҳсулотнинг айрим деталлари ва қисмларини ясашгам шунингдек, **предметлар ясашга ихтисослашиш**, бошқача айтганда, тайёр маҳсулот (автомобил, трактор, станок) ишлаб чиқариш устувор бўлади. Бинобарин, хомашёнинг хилма-хиллиги ва машиналар тузилиши айрим

деталларни ишлаб чиқарувчи кўп машинасозлик заводларининг бир-бirlари билан, шунингдек, метал, пластмасса, резина ва ҳоказоларни етказиб берувчи бошқа тармоқлар корхоналари билан ишлаб чиқариш алоқалари бўлишини, яъни **кооперативлашиш** ларини талаб қилади. Бундай алоқаларни транспорт тизими такомиллашган шароитдагина амалгам ошириш мумкин.

Машинасозлик маҳсулоти мураккаб дастгоҳлардан малакали меҳнат эвазига қимматбаҳо маҳсулот беради. Ўрта ҳисобда олганда машинанинг таннархи шу машина ясашга сарфланган хомашё-металл таннархидан юзлаб марта ортиқ бўлади.

Шу сабабли машинасозликни жойлаштиришида малакали иичи ва илмий-техник кадрлар миқдорининг етарли бўлиши ҳам ҳисобга олинади.

1. Машинасозликнинг турли тармоқлари бир хил миқдорда металл ишлатмайди. Агар бир дона машинани ясаш учун кўп металл (ёки бошқа кўп материал) керак бўлса, бундай машинасозликни кўп металл ёки кўп материал талаб қилувчи машинасозлик дейилади. Масалан, кон ва металлургия асбоб-ускуналари, темирийўл вагонлари ишлаб чиқариш бунга мисол бўлади.

Шу сабабли машинасозлик корхоналарини жойлаштиришида истеъмолчининг яқинлиги ва металлургия базаси ҳам ҳисобга олинади. Шундай қилиб, сарф қилинадиган материал ва малакали меҳнат миқдори, шунингдек, хомашё ҳамда тайёр машиналарни ташиб шароити машинасозлик заводларини транспорт магистраллари, малакали кадрлар, истеъмолчилар ва йирик металлургия корхоналари мавжуд ерларда жойлаштириш тамойилларини белгилаб беради.

Машинасозлик мажмуаси- иқтисодиётнинг барча соҳалари учун машина ва асбоблар ишлаб чиқарувчи, аҳолини телевизор, музлаткич сингари истеъмол буюмлари билан таъминловчи саноат тармоқлари уйғунлигидир.

Машинасозлик – саноати 1913-йилларда саноат маҳсулоти 1% ташкил этган бўлган бўлса темир йўл машиналар таълим ускуналарни таъмирлаш саноати ҳиссасига тўғри келади. Саноат даврида жуда тез ривожлана бошланади. М-н: 1940-1975 йиллар орасида Ўзбекистон саноат ялпи саноати маҳсулдорлиги 13 марта ошган бўлса машина саноатида 587 марта ошди.


Ўзбекистон машинасозлиги датслабки йирик корхоналари ТТЗ, экскаватор таъмирлаш заводи, Самарқанд Қишлоқ Хўжалиги Машиналарини Таъмирлаш заводи, Андижон Коммунал заводи бор эди.

Уруш вақтида Авиатсия заводи, Корборум заводи, Подёмник ва Образев заводи, Красноокса заводи кўчирилиб келтирилган Ўзбекистонга.

Ўзбекистон машинасозлигигининг халқаро миқёсидаги ўрни пахтачилик мажмуи билан боғлиқ ва унга хизмат қилувчи тармоқлар белгилайди. Республика машинасозлиги 45% пахтачилик мажмуи билан боғлиқдир.

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИ**



"Машинасозлик технологияси" кафедраси

«Йўналишга кириш» фанидан

АМАЛИЙ МАШГУЛОТ



Бухоро – шахри

1-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ.

ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ВА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ БИЛАН ИШЛАШ, УНИНГ МОДДАЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Ишнинг мақсади:

Таълим тўғрисидаги қонун. Қонуннинг мақсади, қонун ҳужжатлари, таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари. Таълим тизими ва турлари. Таълим жараённида қатнашувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш. Таълим тизимини бошқаришни ўрганиш/

Топшириқ:

1. Таълим тўғрисидаги қонун. Қонуннинг мақсади, қонун ҳужжатлари, таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари.
2. Таълим тизими ва турлари. Таълим жараённида қатнашувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш. Таълим тизимини бошқариш.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Миллий дастурнинг мақсади ва вазифалари.
4. Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели. Кадрлар тайёрлаш тизимининг асосий йўналишлари

Умумий маълумот

"**Таълим тўғрисида**"ги қонун 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX-сессиясида қабул қилинган. Ушбу Қонун фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-хунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конститутсиявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги қонун **В боб, 34 моддадан** ташкил топган.

Қонуннинг мақсади: қонун фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-хунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конститутсиявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари: ушбу Қонундан ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида таълим соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари: Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилинади.

Таълим соҳаидаги давлат сиёсатининг асосий принципларини қўйидагилардан иборат:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда экандиги;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;

- умумий ўрта, шунингдек ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги;
- ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг йўналишини: академик литсейда ёки касб-хунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;
- таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
- билимни бўлишни ва истеъодни рағбатлантириш;
- таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғулаштириш.

Таълим тизими:

Ўзбекистон Республикасининг **таълим тизими** қўйидагиларни ўз ичига олади:

давлат стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;

таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар;

таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксизdir.

Таълим турлари:

Ўзбекистон Республикасида таълим қўйидаги турларда амалга оширилади: мактабгача таълим;

умумий ўрта таълим;

ўрта маҳсус, касб-хунар таълими;

олий таълим;

олий ўкув юртидан кейинги таълим;

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

мактабдан ташқари таълим.

Таълим олувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш.

Таълим муассасасида таълим олувчилар қонун хужжатларига ва норматив хужжатларга мувофиқ имтиёзлар, стипендия ва ётоқхонада жой билан таъминланади.

Таълим муассасасини бошқариши. Таълим муассасасини унинг раҳбари бошқаради. Таълим муассасаларида қонун хужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатадиган жамоат бошқарувি органлари ташкил этилиши мумкин.

Таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари билан нодавлат таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар. Таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари нодавлат таълим муассасаларида таълим тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилишини назорат қилади.

Нодавлат таълим муассасалари таълим тўғрисидаги қонун хужжатларини бузган тақдирда, аккредитатсия қилган органлар уларнинг фаолиятини қонун хужжатларига мувофиқ тўхтатиб қўйишга ҳақли.

Нодавлат таълим муассасаларига қабул давлат ўкув юртлари учун белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида 1997 йил 29
августда қабул қилинган.**

Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури умумий қоидалар, В боб, 25- бўлимдан ташкил топган.

Мазкур дастурниң мақсади таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла ҳалос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир.

Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш қуйидаги **вазифалар** ҳал этилишини назарда тутади:

- «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат мухитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўкув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш;
- таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик ҳукуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаш;
- кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини қўтариш;
- кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютукларидан келиб чиқкан ҳолда қайта қуриш;
- таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестатсиядан ўтказиш ва аккредитатсия қилиш сифатига баҳо беришнинг холис тизимини жорий қилиш;
- янги ижтимоий- иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар таерлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишининг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи норматив, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш;
- таълим, фан ва ишлаб чиқариш самарали интегратсиялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек нодавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизmlарини ишлаб чиқиш;

- узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимиға бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан чет эл инвеститсиялари жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш на амалиётга жорий этиш;
- кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари босқичма-босқич рўёбга чиқарилади.

Биринчи босқич (1997-2001 йиллар) – мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиши асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳукуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий – услубий, молиявий – моддий шарт – шароитлар яратиш.

Иккинчи босқич (2001-2005 йиллар) – Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий – иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш.

Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар) – тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувоғиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари қўйидагилардан иборат:

шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва обьекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

давлат ва жамият – таълим ва кадарлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;

узлуксиз таълим – малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият қўрсатиш мухитини ўз ичига олади;

фан – юқори малакали мутахассилар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи;

ишлаб чиқарииш – кадрлар бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Давлат ва жамият узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими барча учун очик бўлишини ва ҳаёт ўзгаришларига мосланувчанлигини таъминлайди.

Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришининг асосий йўналишлари:

Кадрлар тайёрлаш тизимни шакллантириш ва ривожлантириш қўйдаги устувор йўналишларни қамраб олади:

Таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш

Таълимнинг ўз ичига мактабгача таълим, умумий ўрта ва ўрта маҳсус, қасб-ҳунар таълимини қамраб олувчи янги узлуксиз ва изчил тизими барпо этилади. Олий қасб-ҳунар таълимининг бакалаврлар ва магистрлар тайёрлашни назарда тутувчи икки босқичли тизими жорий этилади. Аспирантура

ва докторантура фаолияти ривожланиб боради. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича рақобатбардош таълим муассасалари вужудга келтирилади.

Педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаши, қайта тайёрлаши ва уларнинг малакасини ошириши

Педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг замон талабларига мослашувчан, таълимнинг юқори сифатли ва барқарор ривожланишини кўзловчи тизими вужудга келтирилади. Педагог кадрларни илдам қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, рақобатбардош даражада уларнинг касб сифатини қўллаб-қувватлаш таъминланади.

Олий таълим муассасаларида давлат таълим стандартларига мос юқори малакали ўқитувчилар тайёрлаш бўйича маҳсус факультетлар, шунингдек республика вилоятларида умумий ўрта маҳсус, касб-хунар таълими учун ўқитувчилар ва мутахассислар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш юзасидан маҳсус марказлар ташкил этилади.

Таълим жараёнини мазмунан ислоҳ қилиши

Кадрларни ўқитиши ва тарбиялаш миллий тикланиш принциплари ва мустақиллик ютуқлари, ҳалқнинг бой миллий, маънавий ва интеллектуал салоҳияти ҳамда умумбашарий қадриятларга таянган, инсонпарварликка йўналтирилган таълимнинг мазмуни давлат таълим стандартлари асосида ислоҳ қилинади. Таълим олувчининг шахсиға, унда таълим ва билимларга бўлган иштиёқни кучайтиришга, мустақил иш тутишни, ифтихор ва инсоний қадр-қиммат туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор берилади.

Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар

Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда ҳалқнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади. Шахсни тарбиялаш ва уни хар томонлама камол топтиришнинг устуворлиги таъминланади. Умумий ҳамда педагогик маданиятни ошириш мақсадида, мамлакат, аҳолиси орасидаги маърифий ишлар такомиллаштириб борилади.

Иқтидорли болалар ва исътедодли ёшлар

Иқтидорли болалар ва исътедодли ёшларни аниқлаш ва ўқитиши услубияти, психологик-педагогик ва ташкилий шароитлари яратилади, бундай болалар ва ёшларга оид маълумотларнинг республика банки ва мониторинги шаклланади. Маҳсус ўкув дастурлари ва прогрессив педагогик технологиялар илаб чиқиш учун энг яхши педагог ва олимлар жалб қилинади, ўқувтарбия жараённада уларнинг фаол иштироки таъминланади. Фан ва техникани, сиёsat ва иқтисодиётни, маданият ва саънатни ўргатиш марказлари қабилидаги ҳамда миллий (елита) таълим муассасалари ташкил этилади.

Таълим тизимини бошқариши

Узлуксиз таълим тизимини ва кадрлар тайёрлашнинг давлат ва нодавлат таълим муассасаларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва уларни изчил ривожлантириш давлат йўли билан бошқариб борилади. Барча даражадаги таълим бошқарув органларининг ваколат доиралари «Таълим тўғрисида»ти Конунга мувофиқ белгиланади. Таълимнинг норматив-хуқуқ

базаси ривожлантирилади. Молия- хўжалик фаолияти олиб бориш ҳамда таълим жараёнини ташкил этишда ўкув юртларининг ҳуқуқлари кенгайяди ва мустақиллиги таъминланади. Таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аттестатсиядан ўтказилади ҳамда аккредитатсияланади. Аккредитатсия якунларига кўра таълим соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуки берилади.

Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорлик

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг ҳалқаро-хуқукий базаси яратилади, ҳалқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари рўёбга чиқарилади, ҳалқаро таълим тизимлари ривожлантирилади, илмий-педагог кадрлар, талабалар ва ўқувчилар алмашиш кенгаяди. Таълим тўғрисидаги миллий ҳужжатлар ҳалқаро миқиёсда эътироф этилиши учун асос яратилади. Манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг, Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги элчиҳоналарининг кадрлар тайёрлаш соҳасига чет эл инвеститсияларини бевосита ва билвосита кенг жалб қилиш борасидаги фаолияти кучайтирилади.

2-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТУЗИЛМАСИ БИЛАН ТАНИШИШ

Ишнинг мақсади:

Олий таълим. Олий таълимнинг тузилиши. Институт, факултет ва кафедра ҳақида нушунчага эга болиш.

Топшириқ:

1. Олий таълим. Олий таълимнинг тузилиши.
2. Институт, факултет ва кафедра ҳақида тушунча.
3. Бакалавр. Магистр.

Умумий маълумот.

Олий таълим ўзи танлаган фаолият соҳасида чукур умумилмий ва маҳсус билимни зарур касбкор кўникмаси билан уйғунлаштирадиган юқори малакали мутахассислар, шунингдек илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш мақсадини кўзлайди.

Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш умумий ўрта, ўрта ҳунар техника, ўрта маҳсус таълим асосида амалга оширилади. Олий ўқув юртларида таълим олиш учун саралаш ва ўқишига қабул қилиш қонунлар билан тартибга солинади.

Олий ўқув юртларидаги таълим икки босқичли асосда, Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати тасдиқлаган Низомга мувофиқ изчил тарзда бакалавр ва магистр даражаси бериш орқали амалга оширилади.

Олий ўқув юртларининг фаолияти ўз уставлари билан тартибга солинади. Олий ўқув юртлари қонунларда белгиланган тартибда вақти-вақти билан аттестатсия ва аккредитатсиядан ўтказиб турилади.

Бакалавриат – олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим беради, ўқиши муддати камида тўрт йил бўлиб, оилӣ маълумот ва таянч мутахассислик дипломини олиш билан тугайди.

Магистратура – аниқ мутахассислик бўйича бакалавриат негизида камида икки йил давом этадиган олий таълим бўлиб, ундаги таҳсил якуний квалификатсион давлат аттестатсияси ва магистрлик диссертатсиясини ҳимоя қилиш билан ниҳоясига етказилади.

Аспирантура – магистрлик негизида 3 йил давом этади ва номзодлик диссертатсиясини ҳимоя қилиш ҳамда танланган мутахассислик бўйича «фан номзоди» илмий даражасини олиш билан якунланади.

Докторантуратура – фан номзоди илмий даражаси негизида 3 йил давом этади, «фан доктори» илмий даражасини олиш учун диссертатсия ҳимоя қилиш билан ниҳоясига этади.

Ректор - лотинча «ректор» сўзидан олинган бўлиб, олий таълим муассасасининг раҳбари деган маънони англатади. Ректор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади ва у, ўзи раҳбарлик қилаётган олий таълим муассасасида «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» асосида таълим соҳасидаги ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга маъсул. Шу билан бирга ректор олий таълим муассасаси фаолиятига таалуқли келажакка мўлжалланган ишларни режалаштиради ва уларни амалга оширишни таъминлайди, олий таълим муассасаси ваколати доирасида ходимлар ва талабалар бажаришлари мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради, талабаларнинг ўқиш шароитларини яхшилашга ва уларни ўз вақтида стипендия билан таъминлаб туришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади. Ректор олий таълим муассасасига раҳбарлик қилишда ўз хузурида тузилган илмий кенгаш, ўринбосарлари – проректорлар, факултет деканлари ва кафедра мудирлари фаолиятларига таянади.

Илмий кенгаш – олий таълим муассасасининг ректори раҳбарлигига проректорлар, факултет деканлари, етакчи мудирлари, профессор-ўқитувчилар, аъло даражада ўқийдиган фаол талабалар таркибидан иборат жамоатчилик ташкилоти бўлиб, у таълим муассасасидаги ўқув, илмий-услубий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни уйғунлаштиришга қаратилган асосий масалаларни муҳокама этади ва улар бўйича қарорлар қабул қиласи. Талабалар илмий кенгаш мажлисига киритилган масалаларнинг муҳокамасида ундаги ўз вакиллари орқали иштирок этишлари мумкин.

Проректор – сўзи «про» - бирга ва «ректор» сўзларидан ташкил топган бўлиб, бирга бошқариш маъноасини билдиради. Олий таълим муассасаларида проректорлар, асосан, қўйидаги масалалар бўйича фаолият юритадилар: маънавият ва маърифат масалалари бўйича проректор; ўқув ишлари бўйича проректор; илмий ишлар ва ахборот технологиялари бўйича проректор; иқтисод ва тадбиркорлик ишлари бўйича проректор.

Факултет – лотинча «факултас» сўзидан олинган бўлиб, олий таълим муассасасининг ўқув-илмий ва маъмурий бўлинмаси маъноасини билдиради. Факултетни декан бошқаради. Факултетда унинг йўналишига қараб бир нечта кафедралар фаолият кўрсатишлари мумкин.

Декан – лотинча «десанус» - ўнбоши; Қадимий Рим қўшинида 10 та аскарнинг бошлиғи бўлган. Олий таълим муассасасида факултетнинг ўқув, илмий ва тарбиявий ишлари раҳбари. Факултет деканининг маънавият ва маърифат масалалари ҳамда ўқув ишлари бўйича ўринбосарлари бўлади.

Деканнинг идораси деканат деб аталади. Деканат олий таълим муассасасининг талабалар билан ишлайдиган асосий бўлинмасидир.

Кафедра – юонча «катхедра» - стул, ўриндик деган маъноларни билдиради.

1) минбар, унга кўтарилиб маруза ўқилади, нутқ сўзланади ва аудитория олдида чиқиш қилинади;

2) олий таълим дастуридаги ўзаро боғлиқ фанларни ўқитиши ва шу соҳа бўйича илмий ва илмий-услубий тадқиқотлар ўтказувчи бўлинма.

Кафедралар умумтаълим, умумкасбий ёки ихтисослик йўналишлари бўйича ташкил этилади. Кафедра олий таълим муассасасининг бошланғич ва асосий ўкув – илмий марказидир. Кафедрани унинг мудири бошқаради

Профессор – лотинча «профессор» - мураббий деган маънони англатади. У тегишли илмий унвонли, олий таълим муассасасида асосий назарий машғулотлар (лекциялар)ни олиб борувчи ҳамда илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилувчи юқори малакали ўқитувчи.

Дотсент - лотинча «досенс» сўзидан олинган бўлиб – ўқитаётган деган маънони англатади. Дотсент тегишли илмий унвонли, фанлар бўйича назарий ва амалий дарслар, илмий тадқиқотлар олиб борувчи етакчи ўқитувчи.

Катта ўқитувчи – кўп йиллик илмий-педагогик иш тажрибасига эга бўлган, одатда, илмий даражаси бўлмаган ўқитувчи.

Ассистент (лотинча ассистент – қатнашаётган, ёрдамлашаётган) – профессор ёки дотсент раҳбарлиги остида талабалар билан лабаратория ва амалий машғулотларни ўтказувчи ўқитувчи. У кафедранинг илмий-тадқиқот, илмий-услубий ишларида иштирок этади.

Куратор - лотинча «суратор» сўзидан олинган бўлиб, бирор иш, бирор шахс, бирор нарса устидан назорат олиб боориш топширилган ҳомий. Олий таълим муассасасида гурӯҳ мураббийси талабалар билан маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни олиб боради, яккама-якка сұхбатлар ўтказади, ҳаётий маслаҳатлар беради, зарур бўлган ҳолларда талабалар ота-оналари билан боғланади, ўз фаолияти тўғрисида деканатга мунтазам равишда ҳисобат бериб боради.

Ўқитиши муддати – талабалар томонидан ўкув режа ва дастур ўзгартирилиши учун белгиланган меёрий муддатдир. Бакалавриат учун бу камида 4 йил, магистратура учун камида 2 йил. Ўкув жараёни ўкув йиллари бўйича амалга оширилади.

Ўкув йили – 2 сентябрдан 30 июнгача бўлган олий таълим муассасасининг фаолият даври. Ўкув йили, одатда, икки ўкув семестрига бўлинади.

Ўкув семестри – олий таълим муассасасида ўкув йилининг ярмини ташкил этувчи, ўзаро боғлиқ фанларнинг маълум мажмуини ўзлаштиришга мўлжалланган ва улар бўйича якуний назорат билан тугалланадиган қисми.

Ўкув режаси – тегишли йўналиш ва мутахассисликлар бўйича ўқитиладиган ўкув фанлари ва курсларининг таркибини ҳамда уларнинг ўкув семестри бўйича ҳажмини соатларда белгилайдиган меёрий хужжат.

Дарс жадвали - олий таълим муассасасида ҳар ўкув семестри бўйича ўкув ҳафтасида (олти кунлик) муайян фандан машғулотларни ўтказиш кетма-

кетлигини белгилайдиган ҳужжат. Дарс жадвали, одатда, факултет декани томонидан тасдиқланади.

Лектсия – ўқиши, ўқитувчининг ижодий тавсифидаги аудиторияда ўкув режаси бўйича ўтказиладиган назарий дарс машғулотидир. Зарур холларда ўқитувчи тегишли мавзу бўйича дарсдан олдин қўшимча материаллар тарқатиши мумкин.

Лабаратория ишлари – ёки амалий машғулот назарий билимларни чуқур ўзлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган аудиториядаги ўкув машғулотидир.

Семинар – лотинча «семинариум» - қўчириб ўтказиш. Талабаларни мустақил таълим олиш, мустақил фикрлаш ва ижодий меҳнатга тайёрлаш учун мўлжалланган, уларнинг фан бўйича билимларини чуқурлаштириш ва кенгайтиришга қаратилган аудитория ўкув машғулотларининг тури.

Талабалар уйи – таълим олиш даврида бошқа вилоятлардан келган талабаларни вақтинчалик яшаш жойи билан таъминлади. Талабалар уйидан жой олиш учун факултет декани номига ариза ёзилади. Мазкур ариза ўрнатилган тартибда кўриб чиқилгач, талабага яшаш жойи берилади.

Стипендия – лотинча «стипендиум» - тўлов, маош – давлат олий таълим муассасасининг кундузги бўлимида яхши баҳолар билан ўқиётган талабаларга мунтазам (ҳар ойда) тўлаб бориладиган пул.

Фуқаролар **иккинчи ва ундан кейинги** олий маълумотни шартнома асосида олишга ҳақлидирлар.

олий ўкув юртидан кейинги таълим — жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга йўналтирилган узлуксиз таълим тури;

катта илмий ходимлар-изланувчилар институти — ишлаб чиқаришдан бўшаган ҳолда мутахассисликни чуқур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида улар томонидан илмий изланишлар олиб бориш бўйича фан доктори даражаси изланувчилари учун олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасаларида ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлар бўйича олий ўкув юртидан кейинги таълим шакли;

мустақил изланувчилик — ишлаб чиқаришдан бўшамаган ҳолда докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида мутахассисликни чуқур ўрганиш ва улар томонидан илмий изланишлар бўйича фан доктори илмий даражаси изланувчилари учун олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасаларида ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар бўйича олий ўкув юртидан кейинги таълим шакли;

катта илмий ходим-изланувчи — олий таълим муассасасига ёки илмий-тадқиқот муассасасига катта илмий ходим-изланувчи лавозимига белгиланган тартибда қабул қилинган шахс;

мустақил изланувчи — олий таълим муассасасига ёки илмий-тадқиқот муассасасига мустақил изланувчиликка белгиланган тартибда қабул қилинган шахс.

**З-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ.
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАСНИФЛАГИЧИ. СОХА ДАВЛАТ ТАЪЛИМ
СТАНДАРТИ ВА МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ**

Ишнинг мақсади:

Олий таълим таснифлагичи. Соха давлат таълим стандарти. Билим ва таълим соҳалари ўрганиш.

Топширик:

1. Олий таълим таснифлагичи.
2. Соҳа давлат таълим стандарти.
3. Билим ва таълим соҳалари.
4. Олий таълимнинг малака талаблари.
5. Йўналиш. Мутухассислик.

Умумий маълумот.

Олий таълим йўналишлари таснифлагичи. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори олий маълумотли кадрлар тайёрлаш учун бакалавриат таълими йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг тизимлаштирилган рўйхати.

Классификаторда таълим босқичлари, билим ва таълим соҳалари, таълим йўналишлари ва мутахассисликлари **еттита рақамли код** билан белгиланади.

Таълимиинг халқаро «стандарт» классификатсиясига биноан таълим босқичлари бакалавриат йўналишларида 5 рақами, магистратура мутахассисликларида — 5A (рақам ва ҳарф) билан белгиланган. Масалан: бакалаврлар коди 5140100, 5211300, 5520400 ва ҳоказо; магистрлар 5A140101, 5A211301, 5A520403 ва ҳоказо.

Масалан: 5321500:

- 5- таълим дастурлари босқичи коди;
- 3 -билим соҳаси коди;
- 2- таълим соҳаси коди;
- 15- йўналиш коди;
- 00- мутахассислик коди.

320 000- Ишлаб чиқарии технологиялари таълим соҳасининг давлат таълим стандарти «Таълим түгрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сон қарори ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив -хуқуқий хужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

320 000 - Ишлаб чиқарии технологиялари таълим соҳаси давлат таълим стандарти (ДТС) ўқув жараёнини, таълим муассасалари фаолиятини, кадрлар, дарслерни ўқув қўлланмалари тайёрлаш сифатини баҳолашни тартибга солувчи тегишли норматив хужжатлар: бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун малака талаблари, ўқув режалари, фанлар дастурлари ва бларни яратиш учун асос хисобланали.

320000 - Ишлаб чиқарии технологиялари таълим соҳасининг умумий

таснифи:

320 000 - Ишлаб чиқарииш технологиялари таълим соҳасининг муайян бакалавриат таълим юналишлари буйича бакалаврлар тайёрлаш олий таълимнинг малака талаблари, ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади. Фан дастурларининг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестатсиясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» даражаси ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидағи расмий ҳужжат берилади.

320 000 - Ишлаб чиқариш технологиялари таълим соҳасининг муайян магистратура мутахассисликлари бўйича магистрлар тайёрлаш олий таълимнинг малака талаблари, ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади. Фан дастурларининг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, магистрлик диссертатсиясини муваффақиятли ҳимоя қилган, якуний давлат аттестатсиясидан муваффақиятли ўтган шахсга «магистр» даражаси ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидағи расмий ҳужжат берилади.

Мазкур ДТС ишлаб чиқишида қўйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланилади.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури». Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги 5-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2004 йил 20 июлидаги 341-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-153 3-сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий- педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестатсияядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ- 1875-сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестатсияядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365-сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги “Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 371-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 26 мартағи “Ахборот- коммуникатсия технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1942-сонли Қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 10 январдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида”ги З-сон Қарори.

Кўлланиш соҳаси:

Мазкур ДТС 320 000 - Ишлаб чиқариш технологиялари таълим соҳаси бўйича олий маълумотли бакалавр (магистр)лар тайёрловчи Ўзбекистон Республикаси худудидаги олий таълим муассасалари учун умумий талаблар мажмuinи ифодалайди.

Олий таълим муассасаси 320 000 - Ишлаб чиқариш технологиялари таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда ушбу ДТС ва малака талаблари асосида тайёрланган ўкув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

ДТСнинг асосий фойдаланувчилари:

олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, бўлимлар ходимлари ва талабалари;

ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари;

Давлат аттестатсия комиссиялари;

олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

олий таълим тизимини аккредитатсия ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

абитуриентлар, ота-оналар ва бошқа манфаатдор шахслар.

Мазкур ДТСда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Конуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда олий таълим соҳасидаги халқаро хужжатларга мос равишда қуидаги атамалар ва таърифлардан фойдаланилган:

касбий фаолият тури - таълим йўналишига ўзгартишлар киритиш мақсадида касбий фаолият обьектига таъсир қилишнинг усуллари, услублари ва тавсифи;

компетентсия - тегишли соҳада касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўнирма, малака ва шахсий сифатлар мажмуи;

модуль - тарбиялаш ва ўқитишига йўналтирилган мақсадлар ва натижаларга нисбатан муайян мантиқий тугалланганликка эга бўлган ўкув фани (курси) ёки ўкув фанлари (курслари)нинг маълум бир қисми;

касбий фаолият обьекти - предметлар, воқеликлар, жараёнлар ва фаолият доирасида ҳаракатга йўналтирилган тизимлар;

касбий фаолият соҳаси - илмий, ижтимоий, иқтисодий, ишлаб чиқаришда намоён бўладиган касбий фаолият обьектларининг мажмуи;

профиль - таълим дастурининг аниқ касбий фаолиятнинг муайян тури ёки объектига йўналганлиги;

ДТС - Давлат таълим стандарти;

АРМ - ахборот ресурс маркази;

ИТИ - илмий тадқиқот институтлари;

ОТМ - олий таълим муассасаси.

Йўналиш — 5-боскичнинг таълим дастури бўйича олий таълим муассасаси битирувчиси томонидан эгалланган ва бериладиган «бакалавр» академик даражаси доирасида касб фаолиятининг муайян турини бажаришни таъминловчи базавий ва фундаментал билимлар, ўқувлар ва қўникмалар комплекси.

Мутахассислик - 5A-боскичнинг таълим дастури бўйича олий таълим муассасаси битирувчиси томонидан эгалланган ва бериладиган «магистр» академик даражаси доирасида касб фаолиягининг муайян турини бажаришни таъминловчи муайян мутахассислик бўйича билимлар, ўқувлар ва қўникмалар комплекси.

Олий таълим узлуксиз таълимиинг юқори малакали мугахассислар тайёрловчи мустақил тури. Олий таълим муассасаларида амалга оширилади. Олий таълим икки босқичдан иборат:

- бакалавриат ва магистратура, бакалавриат ўрта маҳсус, касб-хунар таълими негизида олий таълим йўналишларидан бири бўйича фундаментал билимлар берадиган, ўқиш муддати тўрт йилдан кам бўлмаган таянч олий таълим;
- магистратура бакалавриат негизида ўқиш муддати камида икки йил бўлган аниқ мутахассислик бўйича олий таълим;
- бакалавр, магистр олий таълимиинг тегишли боскичига мувофиқ дастурларни муваффакиятли ўзлаштирган шахсларга бериладиган академик даражалар.

4-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ. ИНСТИТУТ УСТАВИ ВА ИЧКИ ТАРТИБ ҚОИДАЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ

Ишнинг мақсади: Институт Ички тартиб қоидалари “Таълим тўғрисида”ги Конун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мехнат Кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг олий таълим тизимини тартибга солишга йўналтирилган қарорлари, фармойишлари билан танишиш.

Топшириқ:

7. Институт устави билан танишиш.
8. Институт ички тартиб қоидаларини ўрганиш.

Умумий маълумот.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги норматив-хуқуқий хужжатларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 14

июнда 746-сон билан рўйхатга олинган “Корхона, муассаса, ташкилот Ички меҳнат тартибининг намунавий қоидалари”га мувофиқ ишлаб чиқилган.

Бухоро мухандислик - технология институти Ички тартиб қоидалари:

а) ходимларга нисбатан: меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишни, иш ва дам олиш вақтидан фойдаланишни;

б) талаба, стажёр-тадқиқотчи-изланувчи, тингловчиларга нисбатан: ўқиш жараёнини ташкил этиш, уларни ўқишига қабул қилиш, бошқа таълим йўналишига ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва талабалар сафидан четлаштириш, ҳомиладорлик, туғиши ва бола парваришиш таътилларидан фойдаланиш, меҳнат ва ўқув интизоми, ректор билан ходим ҳамда талабалар ўртасида юзага келадиган бошқа хуқуқий муносабатлар масалаларни тартибга соладиган асосий норматив хужжат ҳисобланади.

Қоидалар институтнинг ходимлари ва талабалари касаба уюшма қўмитаси билан келишиб, ректор томонидан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради ва институтда кўлланилади.

Қоидаларга риоя қилиш ректор, ходимлар ҳамда талабалар учун мажбурий бўлиб, бажармаслик қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Ректорнинг мажбуриятлари:

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент қарорлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим ва ёш авлодни тарбиялаш соҳасидаги қарорларини амалга оширишни ташкил этиш;

2. Кадрлар тайёrlаш Миллий дастури тадбирларини босқичма-босқич амалга оширишда Давлат таълим стандартлари бажарилишини таъминлаш;

3. ходимларнинг меҳнатини, таълим олувчиларнинг ўқишини ташкил этиш, ўқиш сифатини ошириш ҳамда меҳнат унумдорлигини юксалтириш, шунингдек қонун хужжатлари ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатларда, меҳнат шартномасида, тўлов-контракт асосида мутахассис тайёrlаш бўйича контрактда кўзда тутилган шарт-шароитларни яратиш;

4. “Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини белгиланган тартибда ва муддатда холисона кўриб чиқилишини таъминлаш;

5. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги номенклатурасига қарашли бўлган проректор, декан лавозимларига номзодларни ўрнатилган тартибда мутасадди вазирликка киритиш ҳамда уларнинг қарорлари билан тайинланган (деканлар учун - келишилган) номзодлар билан меҳнат шартномасини тузиш;

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли “Ижро интизомини мустахкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги карорига мувофиқ институт ходимлари томонидан ижро интизомига риоя этиш ҳамда ходимлар томонидан ижро интизомига қатъий риоя этилишини таъминлаш.

Ўқув ишлари бўйича проректор:

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва фармойишлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим ва кадрлар тайёrlаш соҳасидаги қарорларини, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг норматив-хуқуқий хужжатларини, кўрсатмаларини амалга ошириш;

2. давлат таълим стандартлари асосида таълим жараёнини ташкил этиш ва малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш, давлат таълим стандартлари га мувофиқ билимлар мазмуни ва тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар мажмуасини барча деканлар, кафедра мудирлари ва педагог кадрлар томонидан тўлиқ ўзлаштирилишини ташкил этиш;

3. ўкув жараёнларига оид масалалар бўйича институт Илмий кенгashi қарорлари ва ректор буйруқларининг бажарилишини ташкил қилиш;

4. илғор мамлакатлар таълим тизими ривожланиш тенденсияларини ўрганиш, “Таълим тўғрисида”ги Қонунда, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа таълимга оид норматив-хуқуқий хужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш борасидаги услугуб ва воситаларининг ишлаб чиқилишини ташкил этиш ва уларни амалга оширилишини таъминлаш;

5. ўкув-тарбия жараённида ўқитишининг илғор шаклларини, янги педагогик ва ахборот-коммуникатсия технологияларидан самарали фойдаланишини ташкил этиш;

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ижро интизомига, меҳнат ва ўкув интизомига, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидалар, институт Устави, Ички тартиб ва Одоб-ахлоқ қоидалари, Илмий кенгаш қарорлари, ректор буйруқлари ҳамда таълим тизими га доир норматив-хуқуқий хужжатларда қўйилган мақсад ва вазифаларга, шунингдек ўзининг хизмат вазифаларига риоя этиш.

Маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректор:

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва фармойишлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги қарорларини, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг норматив-хуқуқий хужжатларини, кўрсатмаларини амалга ошириш;

2. юксак маънавий-ахлоқий фазилатли, мустақил фикрлашга қодир бўлган юқори маълумотли, малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш;

3. ижтимоий-туманитар фанлар кафедралари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда уларни институт маънавий-маърифий ишларида фаол қатнашишларини таъминлаш;

4. талабалар онгига миллий ғояни сингдириш, маънавий-ахлоқий тарбия ишларини олиб боришининг амалий, таъсирчан механизмларини шакллантириш, маънавий-маърифий жараённи бошқариш ва изчил такомиллаштириб бориш;

5. маънавий-маърифий ишларнинг жорий ва истиқболли режаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг қатъий амалга оширилишини назорат қилиш тизимини вужудга келтириш;

6. маънавий-маърифий ишлар тизими учун зарур меъёрий ҳамда услубий хужжатларни, амалий тадбирлар режаларини ишлаб чиқиш;

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар мазмун-моҳиятини талабаларга, профессор-ўқитувчиларга ўз вақтида тушунтириш ишларини ташкил қилиш.

Илмий ишлар бўйича проректор:

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва фармойишлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги қарорларини, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг норматив-хукуқий хужжатларини, кўрсатмаларини амалга ошириш;

2. институтнинг муаммоли илмий лаборатория, кафедра ва бошқа илмий бўлинмаларининг фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш ва назоратини олиб бориш ҳамда илмий лойиҳалар ва грантларни жалб этиш, тадқиқот ишларининг натижавий самарадорлиги юзасидан мунтазам мониторинг олиб бориш, ишлаб чиқариш корхоналари билан инноватсион ҳамкорликни йўлга кўйиш, инноватсияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш масалаларини ҳал қилиш, илмий-технологик ишланмаларни турли ярмарка ва кўргазмаларда тақдимот этилишини таъминлаш;

3. илмий ишлар материалларини, шу жумладан, журналлар ва илмий ишлар тўпламларини институт ходимлари томонидан тайёрлаш ва нашр этиш жараёни ҳамда институтнинг барча таълим ва илмий фаолияти йўналишлари бўйича ўқув-услубий ва илмий даврий нашрлар билан кутубхона фондини тўлдириб бориш бўйича умумий раҳбарликни олиб бориш;

4. илмий, илмий-амалий анжуманларни режалаштириш, ташкил этиш ва ўтказишни мувофиқлаштириш ҳамда бошқа ташкилот ва корхоналарда ўтказиладиган илмий анжуманларда институт профессор-ўқитувчилари ва ходимларининг қатнашишини таъминлаш, институтда илмий мактабларни шаклланишига кўмаклашиш, ҳар қандай самарали илмий фаолиятни рағбатлантириш ишларини олиб бориш.

Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор:

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва фармойишлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги қарорларини, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг норматив-хукуқий хужжатларини, кўрсатмаларини амалга ошириш;

2. молия-иктисодиёт ишларини бошқариш ва мувофиқлаштириш;

3. режа-молия бўлими, бухгалтерия, хўжалик, шунингдек ректор буйруғи асосида бириктирилган бошқа бўлиmlар ишини бошқариш ва мувофиқлаштириш;

4. талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушган бюджетдан ташқари маблағлар ва бошқа маҳсус бюджетдан ташқари маблағларни шакллантириш;

5. давлат бюджети, талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушган ва тадбиркорлик асосида топилган маблағларнинг даромадлар ва харажатлар сметаларини ишлаб чиқиш, Молия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилишини таъминлаш;

Факултет декани:

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва фармойишлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги қарорларини, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг норматив-хукуқий хужжатларини, кўрсатмаларини амалга ошириш, шунингдек, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим

вазирлигининг 2011 йил 5 декабрдаги 487-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаси факултети тўғрисида”ги Намунавий Низом асосида амалга ошириш;

2. меҳнат интизомига риоя қилиш, ректорнинг қонунга мувофиқ келадиган фармойишлар ва кўрсатмаларини ўз вақтида ҳамда аниқ бажариш;

3. факултетда ўқув-илмий, маънавий-маърифий ва илмий-услубий ишларга раҳбарлик қилиш, тарбиявий ишларни ташкил қилиш;

4. факултетни тамомлаганлар билан алоқа ўрнатиш, уларнинг амалий ишлари сифатини таҳлил қилиш;

5. факултет ихтисослиги бўйича халқ хўжалигига банд бўлган олий маълумотли мутахассисларнинг малака оширишини ташкил этиш;

6. талабалар тураг жойларида яшаётган ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва фойдали меҳнат машғулотлари билан шуғулланишларини таъминлашга йўналтирган тадбирлар ташкил этиш, талабаларни хар ҳил норасмий оқимларга қўшилиб қолишиларнинг олдини олиш;

7. ўқув-тарбия тизимиға янги ахборот технологияларининг жорий этилишини назорат қилиш;

8. ўқув-тарбия жараёни ҳамда талабаларнинг битирав малакавий иши, магистрлик диссертатсияси ва амалиёти устидан назорат қилиш;

9. ўқув машғулотлари жадвалини тузишга раҳбарлик қилиш, унинг бажарилишини назорат қилиш, талабалар давомати учун масъуллик;

10. талабаларнинг мустақил иши, шунингдек уларнинг билимини рейтинг тизими асосида баҳолаш устидан назоратни ташкил этиш;

11. талабаларни курсдан курсга ўтказиш, давлат аттестатсиясига, битирав малакавий ишларини ва магистрлик диссертатсиясини ҳимоя қилишга киритиш, академик таътил бериш ва стипендия тайинлаш, исми, шарифи, фамилиясини ўзгартирган талабалар тўғрисида буйруқ лойихаларини тайёрлаш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тегишли Низомларида кўзда тутилган ҳолларда маъмурият ташаббуси билан талабалар сафидан четлаштиришга тавсия бериш, факултетда хорижий талабалар мавжуд бўлган ҳолларда, улар билан ишлашни институт халқаро бўлими билан келишилган ҳолда амалга ошириш;

Кафедра мудири:

1. Кафедра мудири Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 5 декабрдаги 487-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаси кафедралари тўғрисида”ги Намунавий Низомга асосан:

2. меҳнат интизомига риоя қилиш, ректорнинг қонунга мувофиқ келадиган фармойишлар ва кўрсатмаларини ўз вақтида ҳамда аниқ бажариш;

3. институтнинг мол-мулкини авайлаб, муносабатда бўлиш ва ундан оқилона фойдаланиш;

4. институт жамоасининг аъзолари, (маъмурият, ходимлари, талабалари) ва иш жараёнида алоқа қиласиган бошқа шахслар билан хушфеъл муносабатда бўлиш, кийиниш маданиятига риоя этиш;

5. замонавий педагогик ва ахборот-коммуникатсия технология-ларини жорий этиш, педагогик фаолият билан шуғулланишни бошлаган ёш ўқитувчиларга педагогик малака ва кўникмаларни эгаллашда ёрдам бериш, ахборот базасини яратиш, ўқув машғулотларида замонавий ўқув-техника воситаларидан, якка тартибда ўқитиш ва мустақил таълим олиш услубларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, масофали ўқитиш элементларини ривожлантириш;

6. битирувчиларни ишга тақсимлаш, битирув малакавий иш, магистрлик диссертациялар мавзуларини шакллантириш, бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш, шунингдек, илмий-техникавий ёрдам кўрсатиш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа хўжаликлар билан алоқа ўрнатиш;

7. талабаларнинг қизиқишиларини эътиборга олган ҳолда турли мавзулар, ўйналишлар ва ихтисосликлар, касб-хунар турлари бўйича тўгараклар ташкил қилиш, талабаларни дарсдан бўш вақтини унумли ва фойдали меҳнат билан банд қилишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

8. кафедрада ўқитиладиган фанлардан лаборатория ишларини тўлиқ ва сифатли ўтказилишини таъминлаш, кафедра лабораторияларини замонавий ускуна, қурилма ва жиҳозлар билан жиҳозланиши бўйича таклифлар киритиш;

9. талабаларнинг малакавий амалиёти, курс лойиҳалари (ишлари), битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертацияларига, шунингдек мустақил ишлари ва илмий-тадқиқот ишларига раҳбарликни ташкил қилиш;

10. талабалар билимининг рейтинг назоратини жорий этиш, талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш бўйича тадбирлар ўтказиш;

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ижро интизомига, ўқув ва меҳнат интизомига, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидалар, институтнинг Устави, Ички тартиб қоидалари, Илмий кенгаш қарорлари, ректор буйруқлари ҳамда таълим тизимиға доир норматив-хукуқий хужжатларда қуилган мақсад ва вазифаларга, шунингдек ўзининг хизмат вазифаларига риоя этиш.

Институт талабалари:

1. Талаба:

- сифатли ва юқори савияда билим олиши, танлаган ихтисослиги бўйича юқори малакали мутахассис бўлиб этишиши учун зарур бўлган ҳуқуқлардан фойдаланишга;

- фан, техника, замонавий технологиялар ютуқларига мос келувчи билимлар олиш, институт ахборот-ресурс марказида мавжуд бўлган китоблар, даврий нашрлар, электрон таълим воситаларидан белгиланган тартибда бепул фойдаланишга;

- бепул маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар олишга;

- аудиториялар, таълим воситалари саналувчи ашёлардан ўрнатилган тартибда бепул фойдаланишга;

- таълим жараёни самарадорлиги ва таълим сифатини ошириш юзасидан ўз тақлиф-мулоҳазаларини, танқидий фикрларини белгиланган тартибда

институт, деканат ва кафедра раҳбариятига билдиришга ва уларни кўриб чиқилишини талаб қилишга;

- институт ва факултет миқёсида ўтказиладиган оммавий тадбирларда иштирок этишга;

- илмий тадқиқот ишларида ва илмий конферентсияларда қатнашишга ва уларнинг натижаларини нашр этишга ва бу ҳақда ахборотлар беришга;

- институтда қонуний равишда фаолият юритаётган жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш ва улар ишида қатнашишга ҳақли.

2. Талаба:

- ўқув жараёни талабларига бўйсуниши, ўқув машғулотларини узрли сабабсиз қолдирмаслиги, дарсларга кеч қолиб келмаслиги, машғулотлар тамом бўлмасидан аввал кетиб қолмаслиги;

- таълим жараёни билан боғлиқ вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариши, ўқитувчиларнинг фанни ўзлаштириш билан боғлиқ топшириқларини ўз вақтида ва талаб даражасида бажариши, машғулотларга зарур ўқув қуроллари билан келиши;

- тегишли кафедра ва деканат билан мустаҳкам алоқада бўлиши, деканатнинг қонуний топшириқларини ўз вақтида бажариши;

- билимларни эгаллашда ташаббус ва ғайрат кўрсатиши, лоқайдликка йўл қўймаслиги;

- ўқув машғулотига келмагандан (шу жумладан, касаллиги туфайли) уч кундан кечикмасдан бевосита ўзи ёҳуд гуруҳ раҳбари орқали деканатни ёзма равишда хабардор қилиши, қатнашмаслик сабабларини кўрсатиши;

- хорижий ташкилотлар грантларида қатнашгани тақдирда бу ҳақда факултет деканини хабардор қилиши, грант билан боғлиқ ҳолда чет элга жўнаб кетишдан аввал ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги раҳбариятининг розилигини олиши;

- ўз илмий, маънавий-ахлоқий, ғоявий-сиёсий савиясини мунтазам ошириб бориши, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги ислоҳотлар ва янгиланишлардан хабардор бўлиши;

- институт Устави, Ички тартиб ва Одоб Қоидаларига, ўқув интизомига, Илмий кенгаш қарорлари, ректор буйруқлари ҳамда таълим тизимиға доир норматив-хукуқий хужжатларда қуйилган мақсад ва вазифаларга, шунингдек ўзининг мажбуриятларига риоя этиши шарт.

3. Талабанинг одоб-ахлоққа оид мажбуриятлари:

A) институт ҳудудида:

- ҳудудга киришда талабалик гувоҳномасини кўрсатиб кириш;

- ҳудудни ифлослантираслик ва чиқиндиларни фақат жойлардаги маҳус жойларга ташлаш;

- устозларга дуч келганда салом бериш;

- ўқув машғулотлари вақтида ҳудудда сабабсиз юрмаслик;

- институт мулки (қўчар ва қўчмас мулки, ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёси ва ҳоказо)га эҳтиёткорона муносабатда бўлиш;

- кийиниш ва ўзаро сухбат одбларига риоя қилиш;

- мутасаддиларнинг руҳсатисиз турли реклама воситаларини осмаслик;

- майший тинчликка риоя қилиш;

- наркотик ва психотроп моддалар, алкогол ва тамаки маҳсулотлари истеъмол қилиниши ва тарқатилишига қарши курашиш ҳамда мазкур ҳолатлар юзасидан тегишли ташкилотларга ўз вақтида хабар бериш.

Б) Аудиторияда:

- уяли алоқа воситасини ўчириб қўйиш;
- дарс вақтида гаплашмаслик;
- жиҳозларга маданий муносабатда бўлиш, парталарга ёзмаслик;
- қоғоз ва бошқа кераксиз нарсаларини қолдириб кетмаслик;
- овқатланмаслик ва сақич чайнамаслик.

В) Умумий овқатланиш жойларида:

- таомларни олишда навбат тартибига риоя қилиш;
- тирбандлик ҳолатида устозлар, аёллар, ёши катталарга ҳурмат кўрсатиш;
- овқатланиш вақтида шовқин солмаслик;
- умумий овқатланиш шахобчасида белгиланган тартиб қоидаларга риоя қилиш.

Г) Ахборот ресурс марказида:

- АРМ ходимлари билан хушмуомалада бўлиш;
- китоблар ва жиҳозларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш;
- баланд овозда сўзлашмаслик ва атрофдагиларга халақит бермаслик;
- қоғоз, сақич ва бошқа чиқиндиларни қолдириб кетмаслик;
- китобларни олиш ва топшириш тартиб қоидаларига риоя қилиш.

Д) Талабалар тураг жойларида:

- мавжуд жиҳозларни асрар, уларга заар етказмаслик;
- электр энергияси, газ ва сув ресурсларидан тежамкорона (оқилона) фойдаланиш;
- санитария ва гигиена хоналаридан фойдаланиш қоидаларига амал қилиш;
- талабалар тураг жойи Низоми ва мазкур Қоидаларга қатъий риоя қилиш.

Е) Спорт мажмуаларида:

- спорт мажмуасига хос бўлган кийим ва пояфзалларда кириш;
- спорт инвентарларига нисбатан маданий муносабатда бўлиш;
- машғулотлардан кейин спорт инвентарларини белгиланган жойларга қайта топшириш;
- спорт мажмуасининг белгиланган тартиб қоидаларига риоя қилиш.

Ж) Маданият саройи ва бошқа оммавий тадбирлар ўтказиш жойларида:

- ўриндиқ ва бошқа жиҳозларга нисбатан маданий муносабатда бўлиш;
- оммавий тадбирлар вақтида хуштак чалмаслик, бақирмаслик, тадбир тугашидан олдин сабабсиз чиқиб кетмаслик;
- ухлаб ўтирмаслик, ўриндиқларга ётиб олмаслик, бир-бири билан гаплашмаслик, ён атрофдагиларга халақит бермаслик.

Шунингдек, талаба

- турли давраларда ўзининг намунавий хулқи ва билими билан институт ҳақида юксак ижобий таассурот ҳосил қилишга интилиши;

- доимо комилликка интилиш, ҳалоллик ваadolat билан ҳаёт кечириш каби олийжаноб фазилатларни чукур англаши;

- институт манфаати, унинг шаъни ва шонли анъаналари, обрўси ҳамда нуфузи тўғрисида қайғуриши, уларни сақлаб қолишга жонкуярлик қилиши ва уларга хурмат билан муносабатда бўлиши лозим.

Талабаларни ўқиши ва жамоат ишларидаги ютуқлари учун рағбатлантириш.

1. Талабалар ўқишида юқори кўрсаткичларга эришганлиги, илмий-тадқиқот ишлари ва институт ижтимоий ҳаётида фаол иштироки учун қўйидаги тартибда рағбатлантирилади:

- ташаккурнома эълон қилиш;
- стипендияга қўшимча қилиш ёки мукофотлаш;
- фахрий ёрлиқ ёки қимматбаҳо совға билан тақдирлаш.

2. Рағбатлантириш институт “Камолот” ЁИҲ бошланғич ташкилоти, Хотин-қизлар қўмитаси, Касаба уюшмаси томонидан ёки уларнинг тавсиялари асосида ректор буйруғига мувофиқ амалга оширилади.

3. Рағбатлантиришга тегишли маълумот ва буйруқдан кўчирма талабанинг шахсий хужжатлар тўпламида сақланади.

Интизомий таъсир чоралари.

1. Талаба ўзига юклатилган мажбуриятларни бузган, институт ўқув интизомига, Ички тартиб ва Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилмаган тақдирда, унга нисбатан қўйидаги интизомий жазо чоралари кўрилади: ҳайфсан (30 соатдан ортиқ дарс қолдирган ҳамда институт Ички тартиб ва Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилмаган тақдирда) ҳамда талабалар сафидан четлатиш.

Талаба институтдан қўйидаги ҳолларда четлаштирилиши мумкин:

- а) ўз ҳоҳишига биноан;
- б) ўқишининг бошқа таълим муссасасига кўчирилиши муносабати билан;
- в) саломатлиги туфайли (тиббий комиссияси маълумотномаси асосида);
- г) академик ўзлаштира олмаганлиги (қарздорлиги) учун;
- д) ўқув интизоми, институт Ички тартиб ва Одоб ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилмаганлиги учун;
- е) бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирганлиги сабабли;
- ж) ўқиши учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун);
- з) талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;
- и) вафот этганлиги сабабли.

2. Институт маъмурияти ташаббуси билан талабаларни ўқишдан четлаштириш касаба уюшманинг ёзма розилигини инобатга олган ҳолда (касаба уюшмаси аъзоси бўлган талабалар учун) амалга оширилади. Шунингдек, талаба мазкур Қоидаларнинг 7.1-банди “д” кичик бандига кўра четлаштирилаётган ҳолда, таълим институтсининг Касаба уюшмаси ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти билан ҳам келишилиши мумкин.

3. Интизомий жазога тортилган талаба ўзига қўлланилган жазо чорасининг қонунийлиги ва адолатлилиги юзасидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда шикоят билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ёки судга мурожаат этиши мумкин.

4. Талабага нисбатан қўлланилган интизомий жазо юзасидан маълумот унинг шахсий хужжатлар тўпламида сақланади.

5. Харбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиши, шунингдек болаларни парвариш қилиш таътиллари даврида талабага Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган тартиб асосида академик таътил берилиши мумкин.

5-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ. БИБЛIOГРАFИЯ УСТИДА ИШЛАШ

Ишнинг мақсади.

Ҳозирги замон библиографик амалиётни илмий таҳлил қилишнинг методологик негизини ўрганиш, библиографиянинг ва библиографик фанларнинг ахборот фаолияти ва информатика, кутубхоначилик иши ва кутубхонашунослик, китоб иши ва китобшунослик билан ўзаро алоқасини таҳлил қилиш.

Топширик:

1. Босма асарлар.
2. Библиографиянинг тарихи.
3. Китобнинг жамиятдаги урни.
4. Намунавий ўқув режалар
5. Ишчи ўқув режалар

Умумий маълумотлар.

„**Библиография**“ сўзи биринчи марта Қадимги Гретсияда қўлланилган. Сўзма-сўз таржима қилинганда *библион* — „**китоб**“, *грапҳо* — „**ёзаман**“ деган маънени англатади. Китоб нашр этиш иши бошлангунга қадар бу тушунча китобни ёзиш, кўчириб ёзиш маъносида қўлланилган. У вақтларда китобни ёзиш ва кўчириб ёзиш қўл меҳнати билан амалга оширилган. Бу ишни бажарганларни библиографлар деб аташган. Ўша пайтда библиографлардан алоҳида мукаммал билим талаб этилмасдан, фақат ёзишни ва ўқиши билиш талаб қилинган бўлсада, бу иш жуда юқори малакали ва истиқболли иш ҳисобланган. Қоғоз кашф бўлгунга қадар Ўртаер денгизи мамлакатларида папирус, Месопотамияда лой пластинкалардан, Хитойда ибакдан, Ҳиндистонда палма дарахти баргларидан фойдаланган ҳолда ахборотнинг қўллўзма шаклларини тарқатишган

Библиография назарияси — библиографиянинг моҳиятини ва ижтимоий аҳамиятини ўрганади, илмий концепсиясини ва тушунчалар тизимини ишлаб чиқади, ҳозирги замон библиографик амалиётни илмий таҳлил қилишнинг методологик негизини ишлаб чиқади, библиографиянинг ва библиографик фанларнинг ахборот фаолияти ва информатика, кутубхоначилик иши ва

кутубхонашунослик, китоб иши ва китобшунослик билан ўзаро алоқасини таҳлил қиласи. Рус библиографиясининг, жумладан, ҳамдўстлик мамлакатлари библиографиясининг ривожланишида муносиб ҳисса қўшган А. И. Барсук, М. Г. Вохришева, Н. Э. Добринина, Й. С. Зубов, О. П. Коршунов, А. В. Мамонтов, И. Г. Моргенштерн, И. И. Решетинский, Н. А. Сляднева, А. В. Соколов, С. А. Өрубников, Й. М. Өугов, В. А. Фокеевлар фаолиятини ўрганади.

Библиография тарихи — унинг қонуниятлари ва ривожланиш тенденсияларини ўрганади. Бунда библиография тарихи жамиятлар тарихи, сиёsat тарихи, жамиятнинг иқтисодий, маданий-маънавий 12 ҳаёти билан боғлик ҳолда ўрганилади. Рус библиографияси тарихи масалаларини машҳур библиографлар Н. В. Здобнов, М. В. Машкова, Л. М. Равич, С. А. Рейсер, Б. А. Семёновкер, К. Р. Симонлар ўргангандар. Ўзбекистон библиографияси, умуман, Ўрта Осиё библиографияси тарихини ўзбек библиограф олимларидан М. М. Өуропов, Ш. М. Шамсиев, э. О. Охунжонов, Ҳ. Маматраимова, туркманистанлик олим А. Язбердиевлар тадқиқ қилиб ўргангандар.

Библиография технологияси — ахборот ресурсларини, библиографик маҳсулотларни қайта ишлаб чиқиши маҳорати. У ахборотни йиғиш, ташкил этиш, сақлаш, тўплаш, қайта ишлов бериш, қидириш, хулоса қилиш, нусха кўпайтириш, уни узатиш ва тарқатишни таъминловчи технологик комплексларни такомиллаштиришда иштирок этади.

Библиографиянинг методикаси — библиографиянинг назарияси, тарихи, технологияси, амалиёти билан узвий боғлик. У библиографик ахборот тайёрлаш ва истеъмолчиларга етказишнинг мақсадга йўналтирилган усуллари ва услублари йигиндисидир. Библиографиянинг методикасини ишлаб чиқишида библиографлардан М. А. Брисман, М. П. Бронштейн, М. П. Гастфер, М. А. Сақдова, С. П. Бавин, С. В. Бушуев, Г. Э. Миронов, А. М. Горбунов, О. А. Гурболикова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими М. Й. Носирова, М. Өуропов, Ш. М. Шамсиев, Ҳ. Маматраимовлар фаолият кўрсатадилар.

Библиографияни ташкил этиш — мамлакатда кутубхоначилик ва ахборот марказларини ташкил этиш, библиография хизмати тизимини яратиш, режалаштириш, мувофиқлаштириш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, жамиятнинг ахборотга бўлган талабини тўла қондириш имконини яратиш учун хизмат қиласи.

Библиографик тавсиф — белгиланган маълум бир қоидага кўра нашр ҳақидаги умумий ва хусусий маълумотларни акс эттириш мақсадида, маълум бир кетма-кетлиқда бир қанча библиографик элементлардан ташкил топган тавсиф соҳалари йигиндиси. Бу тавсифдан муаллиф, сарлавҳа, унга тааллуқли маълумотлар, мазмуни, аҳамияти ва мақсади, нашр тури, ҳажми ва бошқа хусусиятлари ҳақида маълумот олиш мумкин. Кутубхоначилик-библиографик амалиётида элементлар таркиби, тўлалиги ва тавсиф обектига кўра турли хил библиографик тавсиф қўлланилади.

Босма асарлар тўғрисидаги тизимлаштирилган маълум библиографик қулланмалар қидиришлар натижасида тузилиб, кўрсаткич, рўйхат ва адабиётлар обзори шаклида бўлади. Адабиёт ҳақида кенг маълумот берадиган қидиришларни осонлаштирадиган ёрдамчи кўрсаткичлари ҳам бўлган катта ҳажмли библиографик қўлланма адабиёт кўрсаткичи ёки библиографик

кўрсаткич дейилади. Оддий тузилган, ёрдамчи кўрсаткичлари бўлмаган кичик хажмли библиографик қўлланма рўйхат (адабиёт рўйхати) дейилади.

Обзор маълум масалага ёки мавзуга доир адабиётларнинг изчил текст тақриз характеристикаси бўлиб, унда айрим босма асарлар тўғрисидаги маълумотлар кўпинча соатлар тагида ёки кўшимча рўйхат қилиб берилади. Библиографик – (юононча библион- китоб ва графия) – илмий ва амалий фаолият соҳаси. Асосий вазифаси босма асарлар ҳақида ахборот беруб туриш ва уларни муайян ижтимоий мақсадларда тарғиб қилишдан иборат.

Кутубхонада қуидаги асосий булимлар иш олиб боради:

- босма нашрлар билан тўлдириш;
- босма нашрларга ишлов бериш;
- китобхоналарга хизмат кўрсатиш ва босма нашрларни сақлаш;
- чет эл нашрлари бўлими;
- маълумотнома-ахборот бўлими;
- методик бўлими;
- техник - норматив ҳужжатлар бўлими.

Кутубхонада янги олинган китоб ва рисолаларнинг келажак кўрсаткичларини, чет эл журналларининг йиғиши каталогининг «Республика андозаларини (стандарти) ва техник шартлар» ахборот кўрсаткичини нашр этади.

Ўқув режа - олий таълимнинг муайян йўналиш ёки мутахассислиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатлардаги ҳажмини белгилайдиган меъёрий ҳужжат.

Ўқув режаси давлат ҳужжати бўлиб, ўқув ишлари тартиби, мазмuni, шаклларини аниқ белгилаб беришда, шунингдек, талабаларнинг билимини назорат қилиш ҳамда баҳолашда алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўқув режасида МАЪРУЗА ва амалий машғулотлар, жорий, оралиқ ва якуний баҳолашлари, биттирув малакавий ишлари, таътиллар ўтказишнинг муддатлари аниқ кўрсатилади. Ўқув режасига мувофиқ бошланғич курсларда эса (мутахассис) кўпроқ умумий фанлар ўқитилади. Юқори курсларда эса йўналишлар бўйича маърӯза ва амалий машғулотлар олиб борилади.

Ўқув режалари ҳамма ўқув юртлари учун бир хилда эмас, чунки уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ўқув муддатини белгилашда ҳисобга олинади. Масалан, айрим ўқув юртлари тўрт йил, баъзилари беш йил, бошқалари эса олти йилга мулжалланган. Шунга мувофиқ ўтказиладиган фанлардан назоратлар ва курс ишлари микдори семестрлар бўйича аниқ белгилаб чиқилади.

Ишчи ўқув режа мазкур бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)нинг намунавий ўқув режаси асосида ишлаб чиқилади. Ишчи ўқув режа лойиҳаси факултетларда тайёрланиб унинг илмий кенгаш томонидан ОТМ илмий кенгаши муҳокамасига тавсия этилади. Ўқув режаси ОТМ илмий кенгаши қарорига кўра ректор томонидан тасдиқланади.

Ўқув фани дастури - таълим мазмuni, унинг талабалар томонидан ўзлаштиришининг энг мақбул усуслари, ахборот манбаалари кўрсатилган меъёрий ҳужжат.

Ўқув режасидаги ҳар бир фан ўзининг ўқув дастурига эга бўлади. Дастурларни олимлар ва тажриба ўтказувчи ўқитувчилар тузиши мумкин. Дастурлар маърўза ва амалий машғулотларни олиб борувчи олим-педагоглар томонидан тайёрланганлиги маъқул. Чунки ўқув режасини мохиятини тўла очиб бериши лозим.

Дастур қисқагина сўз билан бошланиб, сўнгра бир неча боблар ёки бўлимларга ажратилади. Ҳар бир боб ёки бўлимда алоҳида ўтиладиган мавзулар берилиб, охирида зарурий ва қўшимча адабиётлар рўйхати келтирилади.

Дастурда фанлар боб, қисм ва бўлимларга ажратилиб, ҳар бир мавзу бўлимларга бўлинади, ҳар бир боб, бўлим ёки қисмдан сўнг фойдаланиши лозим бўлган адабиётлар алфавит тартибида рўйхатга келтирилади. Бу ўқитувчининг маърўза ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўришини осонлаштиради. Шунинг учун ўқитувчилар дастурдаги адабиётларнинг бир қисмигина талабаларга мустақил ишлаш учун тавсия этишлари лозим.

Намунавий ўқув дастури мазмунига қўйиладиган талаблар

- 1) фан, техника, технологияларнинг сўнги ютуқларини акс эттириши;
- 2) таълим турлари ўртасидаги узвийлик ва изчилликни амалга ошириш;
- 3) оддийдан мураккабга, хусусийдан умумийга ўтиш.

Намунавий ўқув дастури таркиби:

- 1) кириш
- 2) фаннинг мақсади ва вазифалари
- 3) фанни ўқитиши жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар
- 4) фан бўйича талабаларнинг билимига, малака ва кўникмасига қўйиладиган талаблар
- 5) фаннинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги
- 6) фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни
- 7) фанни ўқитишида фойдаланиладиган замонавий ахборот ва педагогик технологиялар
- 8) Назарий машғулотлар мазмуни
- 9) Амалий (семинар) машғулотларининг мавзулари
- 10) мустақил таълим мавзулари
- 11) тавсия этилдиган адабиётлар рўйхати

Ишчи ўқув дастури таркиби:

- 1) кириш
- 2) фаннинг мақсади ва вазифалари
- 3) фанни ўқитиши жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар
- 4) фан бўйича талабаларнинг билимига, малака ва кўникмасига қўйиладиган талаблар
- 5) фаннинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги
- 6) фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни
- 7) фанни ўқитишида фойдаланиладиган замонавий ахборот ва педагогик технологиялар
- 8) фан бўйича соатлар тақсимоти
- 9) Назарий машғулотлар мазмуни
- 10) Амалий (семинар) машғулотларининг мавзулари ва режалари
- 11) мустақил таълим мавзулари ва уларга ажратилган соатлар миқдори

- 12) рейтинг графиги, ЖН, ОН ва ЯНлар бўйича баҳолаш мезонлари
- 13) тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати.

Иш юритишни бевосита асосий хужжатлар ташкил қиласди. Бирон-бир корхона, муассаса ёки ташкилотнинг фаолиятини бугунги кунда ана шу хужжатларсиз мутлақо тасаввур қилиш мумкин эмас. Мазмунан, хажман ва шаклан хилма-хил бўлган хужжатлар каттаю- кичик меҳнат коллективларининг, умуман кишилик жамиятининг узликсиз фаолиятини тартибга солиб туради. Зоро, хужжатлар кечагина пайдо бўлган нарса эмас, кишилик жамияти шакланиши биланоқ бу жамият аъзолари ўзаро муносабатларидаги муайян муҳим ҳолатларни мунтазам ва қатъий қайд этиб боришга эҳтиёж сезганлар. Ана шу эҳтиёжга жавоб сифатида, табиийки, илк, ибтидоий ҳужжатлар юзага келган.

А д р э с. Почта жунатмалари (хат – хабар, буюм ва пул жунатмалари кабилар) устидаги ёзув бўлиб, унда жўнатма етиб бориши зарур бўлган жой (қаерга), уни оловчи шахс ёки муассаса (кимга) номи ва жўнатувчи ҳақидаги маълумотлар (жўнатувчи адреси) кўрсатилади.

А р и з а. Муайян муассасага ёки мансабдор шахс номига бирор илтимос, таклиф ёки шикоят мазмунида ёзиладиган расмий хужжат. Ариза ижтимоий хаётда энг кўп қўлланиладиган ва кенг тарқалган иш қофозидир.

Б и л д и р и ш н о м а. Муайян муассаса раҳбарига хизмат фаолияти билан алоқадор муҳим масалалар юзасидан ёки юкори идора, мансабдор шахсга бирон-бир воқеа ва ҳодиса ҳақида хабардор қилиш зарурати туғилганда тақдим этиладиган муфассал ёзма ахборот. Унда, одатда, баён қилинаётган масалалар бўйича тузувчи таклифлари акс этади.

Б у й р у қ. Давлат бошқарув органи раҳбарларининг якка хокимлигига асосланган хуқуқий хужжат, муайян муассаса олдида турган асосий ва кундалик вазифаларни ҳал қилиш мақсадида қўлланади. Моҳият-еътибори билан буйруқлар иккига бўлинади: асосий фаолиятга оид ва кадрлар шахсий таркибиغا оид. Улар кетма-кет тартибда алоҳида ракамланади ва айро сақланади.

Айрим фаолиятга оид буйруқлар доимий, кадрларнинг шасий таркибиға оид буйруқлар эса 40 йилгача муддатда сақланади.

Ф а р м о й и ш. Муассаса маъмурияти (директор, унинг ўринбосалари, бош мухандис, унинг ўринбосарлари), шунингдек бўлимлар раҳбарлари томонидан амалий масалалар юзасидан қабул қилинадиган хужжат. Одатда, фармойишларда харакат муддати чекланган бўлиб, унинг кучи бўлимларнинг тор доирасига, айрим мансабдор шахслар ва фуқароларга тааллуқли бўлади. Фармойишнинг матни худди буйруқдаги каби зарурий қисмлардан таркиб топади, фақат унинг асос (кириш) қисмида «БУЮРАМАН» сўзи ўрнига «ТАВСИЯ ҚИЛАМАН». «РУХСАТ БЕРАМАН» каби иборалар ишлатилади.

Г у в о х н о м а. Муайян шахснинг хизмат ва бошқа ҳолатларини шунингдек, бирор ишга ваколатини кўрсатувчи хужжат.

Ҳар бир киши ишга қабул қилинганда кадрлар бўлими томонидан гувохнома олади. Бундай гувохнома ёнда олиб юришга мослаштирилиб, дафтарча шаклида тайёрланади.

Д а л о л а т н о м а. Муассаса ёки айрим шахслар фаолияти билан боғлик бирон-бир бўлган воқеа, ҳодиса, иш-ҳаракатини ёки мавжуд ҳолатни тасдиқлаш,

унга гувохлик бериш мақсадида бир неча киши томонидан тузилган хужжат. Далолатнома тузиш хилма-хил мақсадларни кўзлайди, лекин унинг асосий мақсади содир бўлган воеа-ходисаларни ёки мавжуд холатни қонуний-хукуқий жихатдан исботлаш ёки тасдиклашдир. Бир қанча ҳолларда далолатнома тузиш маҳсус ҳукуқий нормалар билан қатъий белгиланган. Масалан, корхоналарнинг хисоб-китоб бўлимлари фаолиятида далолатномалар аввалдан белгиланган мазмун ва даврийликка асосан тузилади ва улар ҳукуқий жихатдан муҳим ўрин тутадилар.

И ш о н ч и н о м а. Муайян муассасаса ёки айрим шахс ўз номидан иш қўриш учун иккинчи бир шахсга ишонч билдирадиган ёзма ваколатли хужжат. Ишончномалар ўз мазмунига кўра, мол – мулкни бошқариш, пул ва моддий – буюм бойликларини олиш, суд идораларида иш олиб бориш ва бошқа ишларни амалга оширишни ифодалайди. Муайян иш – ҳаракатни бажаришга ваколат бериш ким томондан (муассаса томониданми ёки айрим шахс томониданми) расмийлаштирилишига қараб, ишончномалар расмий (хизмат) ва шахсий турларга бўлинади.

Расмий (хизмат соҳасидаги) ишончномалар давлат муассасалари, касаба уюшмаси ва бошқа кооператив ҳамда ижтимоий ташкилотлар томонидан муайян ловозимли шахсга унинг мазкур ташкилотлар томонидан иш юритишга вакил қилинганини билдириш учун берилади; улар муассаса раҳбари томонидан имзоланиши ва муҳр билан тасдиқланиши керак.

Й у р и қ и н о м а. Қонун ёки бошқа меъёрий хужжатларни тушунтириш мақсадида чақириладиган ҳукуқий хужжат. Муассаса (уларнинг бўлимлари хизматлари), мансабдор шахс ва фуқароларнинг ташкилий, илмий – техникавий, молиявий ва бошқа маҳсус фаолият томонлари хусусида тартиб – қоида ўрнатиш мақсадида давлат бошқаруви органлари томонидан чақирилади. (ёки уларнинг раҳбарлари тасдиқлайди). Халқ депутатлари Советлари ижриоя комитетлари, уларнинг бошқарма ва бўлинмалари йўриқномалар чақирмайди.

Қ о и д а – муайян ҳаракат тартиботини белгилайди (идора жойлашган уй-жойдан фойдаланиш қоидаси; архивга хужжат материаллари топшириш қоидаси) ёки ўрнатилган меъёрдан келиб чиқиб бажариладиган фаолиятни кўрсатади (ички тартибот қоидаси, олий ўқув юртига қабул қилиш қоидаси).

Н и з о м. Муассаса ёки унинг таркибий бўлинмалари тузилиши, ҳукуқи, вазифалари, бурчлари, ишни ташкил қилишлари тартиботини белгилайдиган ҳукуқий хужжат. Низом айрим мансабдор шахсларга ва турли тадбирлар (қўрик, мусобақа, конкурс ва бошқалар)га нисбатан ҳам тузилиши мумкин.

У с т а в. Муайян муносабат доирасидаги фаолият ёки бирор давлат органи, муассасанинг тузилиши вазифасини йўналтириб турадиган асосий низом ва қоидалар мажмуи. Устав бирор орган ёки муассаса вазифалари ва ҳукуқий холатини тавсифлайдиган норматив аҳамиятга эга. Бинобарин устав низомга нисбатан кенг тушунчадир. У кўпроқ маълум бир тармоқ, соҳалар, йирик муассасалар бўйича тўзилади. Чунончи, давлат нашриётлари бўйича намунавий устав қабул қилинган, шу асосда ҳар бир нашрёт ўз низомини қабул қиласди. Уставнинг энг зарурый қисмлари низомнинг зарурый қисмларига ўхшаш бўлади.

М а ж л и с б а ё н и. Турли йиғилиш, кенгаш ва бошқа тур анжуманларнинг боришини, мажлис қатнашчиларининг чиқишлигини ва улар қабул қилган

қарорларни аниқ, сиқиқ холда қайд қилувчи расмий хужжат. У вокеаликнинг ўрни, вақти ва ҳолати ҳақида маълумот бериш билан биргаликда, қарорларнинг тўғри қабул қилинганligини текшириш ва унинг бажарилишини текширишга имкон беради. Доимий иш курувчи органлар (илмий кегаш, хайъат ва бошқалар), шунингдек, вақтинчалик иш кўрувчи органлар (конферентсиялар йиғилишлар, слётлар, комиссиялар) фаолиятларида, албатта, мажлис баёни ёзилиши керак. Мажлис баёнини ёзишни ташкил қилиш котибнинг асосий вазифаларидан биридир. Мажлис баёнлари турли органларнинг доимий котиблари томонидан тузилади ва расмийлаштирилади. Вақтинчалик иш кўрувчи органлар мажлисларида эса йиғилиш жараёнида сайланган котиб айнан шу ишни бажаради.

Маълумотнома. Бўлган воқеа ёки мавжуд ҳолатларни билдириш – ахборот бериш мазмунида ифодалайдиган хужжат. Маълумотномалар, одатда, юқори идора, мансабдор шахс ҳамда оддий кишиларнинг кўрсатмасига, талабига ёки илтимосига биноан тузилади; сўраклаётган ёки илтимос қилинаётган ахборот ва маълумотларни ўзида акс эттиради.

Мэҳнатдағтарчаси. Ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат фаолиятини кўрсатувчи асосий хужжат. Унда меҳнат стажининг ҳамма тури (умумий, ўзулуксиз, маҳсус) белгиланади, шунинг учун уни тўғри тўлдиришга, ёзувларни аниқ ёзишга алоҳида эътибор берилади.

Муносабатбелгиси. Хизмат ҳужжатлари устига мансабдор шахслар томонидан муайян фикр билдириб ёзиладиган қайдлар. Бундай қайдлар, одатда, ниҳоятта қиска лўнда шаклда, кўрсатма тарзида ёзилади; бирор қоғозга – ҳоҳ у юқоридан келган йўриқнома ёки буйруқ бўлсин, ҳоҳ у муайян ходимнинг талаби ёки шикояти бўлсин – муносабат белгисини ёзишдан олдин раҳбар у билан яхши танишиб чиқиши, мохиятини чукур англаши ва ижросини тўғри белгилаши керак. Муносабат белгиси ижросини вақти–вақти билан назорат қилиб туришга ҳам эътибор бериш лозим.

Тавсифнома. Маълум бир шахснинг меҳнат ва ижтимоий фаолияти, шунингдек, унинг ўзига хос хислат ва фазилатларини акс эттирувчи расмий хужжат.

Тавсифнома муассаса маъмурияти томонидан ўз ходимига бир қанча максадлар учун (ўқув юртига киришда хорижий мамлакатларга ишлаш ва бошқа юмушлар учун кетишда, лавозимга тайёрлашда ёки шаходатлантиришда ва бошқаларда) берилади.

Тавсиянома. Бирор шахсни маълум ловозимга ёки ижтимоий сиёсий ташкилотларга аъзо булиш учун тавсия этувчи расмий хужжат.

Тавсияномалар ижодий уюшмалар, муассаса маъмурияти ва алоҳида шахс томонидан берилиши мумкин.

Таклифнома. Бирор бир тантанали тадбирга таклиф этиш учун кўлланувчи ёзма ахборот.

Таклифноманинг асосий зарурий қисмлари.

Таржимаиҳол. Маълум бир шахс томонидан ўз шахсий хаёти ва фаолияти ҳақида баён қилинган ёзув. Таржимаи хол бир хил андозага эга эмас, муфассал ёки муҳтасар ёзилиши мумкин. У муаллиф томонидан мустақил

тузиладиган хужжатдир. Гарчи у эркин (ихтиёрий) тузилса-да, бироқ таржимаи холда айрим қисмларнинг бўлиши шарт.

Т е л е г р а м м а. Мухим хабарнинг телеграф орқали берилган нихоятта қиска шакли. У бирор муассасадан иккинчисига йўлланган расмий хужжат ҳисобланади. Хизмат ёзишмаларининг бошқа турлари белгиланган манзилга хабарни ўз вақтида етказишни таъминлай олмаса, бундай холларда хабарни зудлик билан етказиш учун телаграфдан фойдаланилади.

Т е л е ф о н о г р а м м а. Шошилинч хабарнинг матнини белгиланган жойга телефон орқали етказишидир. Телефон воситасида бўладиган бундай мулоқот расмий хужжат сифатида қабул қилинади ва иш қоғозининг бир тури ҳисобланади.

Хизмат муомаласининг бу тури кўпинча шаҳар ёки раёнда жойлашган муассасалар ўртасида амалга оширилади.

Т и л х а т. Маълум шахс ёки муассасадан пул, хужжат, қимматбаҳо буюмлар ёхуд бошқа нарса олингандигини тасдиқловчи расмий ёзма хужжат.

Тилхат биргина нусхада тайёрланади ҳамда пулли ва қимматбаҳо хужжат сифатида сақланади.

Т у ш у н т и р и ш х а т и. Хизмат соҳасидаги, хизматга алоқадор масалани, унинг айрим жихатларини ёзма изоҳловчи ва муассаса (бўлим) раҳбарига (ички) ёки юқори ташкилотга (ташқи) йўлланувчи хужжатдир.

Х и з м а т х а т л а р и. Муассасалар орасида хизмат алоқаларини амалга оширувчи асосий хужжатдир. Хат орқали бажариладиган масалалар кўлами жуда кенг бўлиб, бундай ёзишмалар воситасида турли кўрсатмалар, сўровлар, тушунтиришлар, жавоблар, илтимослар, таклифлар, хабарлар, кафолатлар берилади ёки қабул қилиб олинади. Мазмун жихатдан турлича бўлган бундай хужжатлар умумлаштирилган ҳолда хизмат хатлари деб юритилади. Хизмат хатлари ташкилотда иш юритиш жараёнида кўлланиувчи хужжатларнинг умумий миқдорига нисбатан 80 фоизни ташкил қиласи.

Д а ъ в о х а т. Маълум бир муассасанинг бошқа бир идора ёки транспорт ташкилотларига нисбатан талаб ва эътиrozлари баён қилинган хатлар – даъво хатлар ёки даъвономалар деб юритилади.

Даъво хатлар ижара пудрати, қурилиш ишлари, ижара, юк ташиш ва шу каби бир қанча ишлар бўйича тузилган шартномалар бажарилмай қолганда ўз қонуний хуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тузилади.

И л о в а х а т. Хатни қабул қилиб олувчиларни жўнатилган хужжатлар хақида ёзма хабардор қилиш учун кўлланувчи қисқача хабар қоғозидир. Илова хати иш юритишда кенг тарқалган. Муассасаларда бундай хатлар шартнома лойихаларини, зиддиятли мажлис баёнларини, даъво материалларини жўнатишда кўлланилади.

И л т и м о с х а т. Муассасалар маълум бир ишни амалга ошириш ёки тутатиш мақсадида бошқа бир муассасаларга расмий хат орқали илтимос қилиши мумкин. Муассасалар ўртасидаги бундай ўзаро ёзишмалар илтимос хат воситасида бажарилади. Илтимос хат хизмат хатлари орасида энг кўп тарқалган турлардан ҳисобланади. Илтимос хатлар ҳам бошқа хатлар каби муассасаларнинг мос иш қоғозига ёзилади ва албатта жўнатилиш санаси ва жўнатма тартиб рақами кўрсатилади.

К а ф о л а т х а т и. Муайян бир шарт ёки ваъдани тасдиқлаш мақсадида тузилади. Хатларнинг бу тури қоидага кўра бажарилган иш учун хақ тўлашда, ишнинг бажарилиш муддати ҳақида, тураг жой билан таъминлашда, ишга қабул қилишда, бажарилган ишнинг сифати ҳақида кафолат бериш учун тайёрланади ва ташкилот ёки алохига шахсларга жўнатилади.

С у р о в х а т. Жавоб талаб қиласидан бундай ёзишмаларда маълумотлар, хужжатлар ёки бошқа зарурий нарсалар сўралади.

Биргина хатда турли масалаларга доир бир неча сўровлар акс этмаслиги керак. Баён қилинаётган масалалар аниқ ва равшан бўлиши лозим, факат шу ҳолдагина йўлланган сўровга тез ва мукаммал жавоб олиш мумкин.

Т а с д и қ х а т. Маълум бир муассаса томонидан юборилган илтимос ва сўровларга жавоб тарзида ёзиладиган хатларнинг бир туридир.

Тасдиқ хатининг қайси хатга жавоб битилганлиги иложи борича аниқ кўрсатилиши керак. Бундай хат матнида қўлланувчи асосий сўзлардан бири «тасдиқламоқ» феълидир.

Ф а р м о й и ш х а т и. Бир тармоққа тегишли қуий муассасаларнинг барчасига йўлланган расмий хужжатдир. Фармойиш хатлар хизмат алоқаларининг кўпгина соҳаларида қўлланилади. Уларнинг асосий вазифаси айнан бир хил мазмундаги хабарни бир неча манзилга етказишидир.

Е с л а т м а х а т. Жўнатилган илтимос ва сўров хатларга жавоб олинмаса, шунингдек, тузилган шартномалар муддати бузилганда ёки унга амал қилинмаган холларда эслатма хат юборилади.

Ш а р т н о м а . Икки ёки ундан ортиқ томоннинг гражданлик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаш, ўзгартириш ёки тўхтатиш йўлидаги келишувиdir. Бошқача қилиб айтганда, шартнома томонларнинг бирон – бир муносабатлар ўрнатиш ҳақидаги келишуви (битими) ни қайд этувчи ва бу муносабатларни тартибга солувчи хужжатдир.

Е ъ л о н . Кўпчилик ёки маълум гурухдаги шахсларни яқин орада (келгусида) бўладиган бирор – бир тадбир – мажлис, учрашув, сухбат, шунингдек, ишга, ўқишига қабул қилиш ва бошқалар ҳақида хабардор қилишга қўлланувчи ёзма ахборот.

Х и с о б о т. Муайян вақт учун режалаштирилган иш ёки вазифа, топшириқларнинг бажарилиши, амалий долзарб ишлар, хизмат ва илмий сафарлар якуни ҳақида маълумот берувчи хужжат.

Ҳисоботда келтирилган маълумотлар аниқ, ишонарли ҳамда ишлаб чиқариш, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик бўлиши керак.

6-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ. МЕТРОЛОГИК АСОСИЙ АТАЛАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

Ишнинг мақсади:

Ўлчашларнинг умумий назариясини; катталикларнинг бирликлари ва уларнинг тизимлари; ўлчаш усувлари ва воситалари; ўлчашларнинг аниқлигини топиш усувлари; ўлчашлар бирлиги ва ўлчаш воситаларининг бир хиллигини таъминлаш асослари; эталонлар ва намунавий ўлчаш воситаларини ўрганиш.

Топшириқ:

1. Метрологик асосий аталамалар
2. Метрологик асосий түшунчалар
3. Стандартлаштириш бўйича атамалар
4. Стандартлаштириш бўйича түшунчалар
5. Ўлчаш усуллари, турлари
6. Ўлчашнинг сифат мезонлари

Умумии маълумот

Метрология – ўлчашлар, уларнинг бирлигини таъминлаш усуллари ва воситалари ҳамда керакли талаб этилган аниқликка эришиш йўллари ҳақидаги фан ҳисобланади.

Ўлчашларнинг умумий назарияси; катталикларнинг бирликлари ва уларнинг тизимлари; ўлчаш усуллари ва воситалари; ўлчашларнинг аниқлигини топиш усуллари; ўлчашлар бирлиги ва ўлчаш воситаларининг бир хиллигини таъминлаш асослари; эталонлар ва намунавий ўлчаш воситалари;

Метрологик таъминотнинг вазифасига қўйидагилар юклатилган:

Ўлчаш воситаларининг ишга яроқлилигини ташкил этиш, таъминлаш ва тадбиқ этиш; ўлчашларни амалга ошириш, унинг натижаларини қайта ишлаш ва тавсия этиш борасидаги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш; ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш, ўлчаш воситаларининг давлат синовлари, ўлчаш воситаларининг ва услубларининг метрологик аттестатсияси.

Метрологик таъминотнинг ташкил этиувчилиари: Илмий асоси: метрология - ўлчашлар ҳақидаги фандир; Техникавий асослари - катталиклар бирлигининг давлат эталонлари, катталиклар бирлигини эталонлардан ишчи воситаларга узатиш, ўлчаш воситаларини яратиш ва ишлаб чиқишни йўлга қўйиш, ўлчаш воситаларининг мажбурий давлат синовлари ва уларни бажариш услубларининг метрологик аттестатсияси, ўлчаш воситаларини ишлаб чиқишида, таъмирлашда ва ишлатишида мажбурий давлат қиёслашидан ўтказиш, модда ва материалларнинг таркиби ва хоссалари бўйича стандарт намуналарни яратиш, стандарт маълумотномалар, маҳсулотнинг мажбурий давлат синовлари; **Ташкилий асоси** - давлат ва маҳкамалардаги метрологик хизматдан ташкил топган Ўзбекистон Республикаси метрология хизмати; **Меъёрий-қонуний асослари** - тегишли республика қонулари, давлат стандартлари, давлат ва тармоқларнинг меъёрий ҳужжатлари.

Метрологик таъминотнинг ўз олдига қўйган асосий мақсадлари:

маҳсулот сифатини, ишлаб чиқариш ва уни автоматлаштиришнинг самарадорлигини ошириш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш; деталлар ва агрегатларнинг ўзаро алмашувчалигини таъминлаш, саломатликни сақлаш; моддий бойликларнинг ва энергетик ресурсларининг ҳисобини олиб бориш ишончлилигини таъминлаш.

Метрологик текширув ва назорат қўйидагиларга нисбатан кулланилади: Улчов бирликлари; улчаш ва синаш воситалари, шу жумладан эталонлар, модда ва материаллар таркиби ва хоссаларининг стандарт

намуналари, ахборот-улчаш тизимлари; улчаш ва синашларни бажариш методикалари; улчашларни амалга оширувчи шахслар.

Атроф мухит холатини текширишда; озик-овкат мадсулотларининг сифати ва хавфсизлигини текширишда; меҳнат шароитлари ва транспорт харакатининг хавфсизлигини текширишда.

"Метрология тугрисида" Конунга мувофиқ давлат метрологик текшируви ва назорати объектлари қўйидагилардан иборат: эталонлар, улчаш воситалари, моддалар ва материаллар таркиби ва хоссаларининг стандарт намуналари, ахборот-улчаш тизимлари; улчашларни бажариш методикалари, метрология меъёрлари ва коидаларида курсатилган бошка объектлар; ходимлар.

МОЗМ фаолиятининг асосий юналишлари қўйидагилардан иборат:

Метрологик хизматларни энг қулай шаклларини ишлаб чиқиш ва уларни жорий этиш бўйича давлат кўрсатмаларининг бирлигини таъминлаш; Ривожланаётган мамлакатларда метрологик ишларни таъмин этиш ва уларни зарур техник воситалари билан таъминлашда илмий техникавий ёрдамлашиш; Метрология соҳасида турли даражаларда кадрлар тайёрлашнинг ягона қонун - коидаларни белгилаш.

Ўлчаш воситаси бу - метрологик тавсифлари меъёрланган, ўлчами (белгиланган хатолик чегараси) маълум вақт оралиғида ўзгармас деб қабул қилинадиган, катталиктининг ўлчов бирлигини қайта тиклайдиган ва (ёки) сақлайдиган, ўлчашлар учун мўлжалланган техник восита.

Еталон бу - катталиктининг ўлчамини қиёслаш схемаси бўйича қуйи воситаларга узатиш мақсадида шкалани ёки катталик бирлигини қайта тиклаш ва (ёки) сақлаш учун мўлжалланган ва белгиланган тартибда эталон сифатида тасдиқланган ўлчашлар воситаси ёки ўлчаш воситаларининг мажмуи.

Метрологик хизматнинг вазифаси - ўлчашлар бирлилигини таъминлаш ишларини бажариш ва метрологик текширув ва назоратни амалга ошириш учун қонунга мувофиқ ташкил этиладиган хизмат.

Метрологик текширувнинг вазифаси – ўлчаш жараёни элементларини меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш ва тасдиқлашни ўз ичига олган ваколатли идоралар ва шахслар фаолияти.

Ўлчаш воситаларини текширувдан ўтказиш мақсади- ўлчаш воситаларининг белгилаб қўйилган техникавий талабларга мувофиқлигини аниқлаш ва тасдиқлаш мақсадида давлат метрология хизмати идоралари (ваколат берилган бошқа идоралар, ташкилотлар) томонидан бажариладиган амаллар мажмуи.

Халқаро системанинг асосий бирликлари қўйидагилар ҳисобланади:

м - метр-узунлик бирлиги, кд - қандела-ёруглик кучи бирлиги, мол - модда миқдори бирлиги, с - секунд-вақт бирлиги, кг - килограмм-масса бирлиги, А - ампер-электр ток кучи бирлиги, К –kelvin - термодинамик температура бирлиги.

Ўлчаш деб, шундай солишириш, англаш, аниқлаш жараёнига айтиладики, унда ўлчанадиган катталик физик эксперимент ёрдамида, худди шу турдаги, бирлик сифатида қабул қилинган миқдори билан ўзаро солиширилади.

Маълумотни тавсиф этишига қараб ўлчаш воситалари қуидагиларга бўлинади: шкалали ўлчаш воситалари; рақамли ўлчаш воситалари; ўзи ёзар ўлчаш воситалари.

1993 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўгрисида”, “Метрология тўгрисида” хамда “Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўгрисида”ги Конунлари кабул килинган

Стандартлар даражасига қараб - халқаро, минтакавий давлатлараро, миллий ва корхона микёсида фаолият курсатади.

Стандартлаштириш маҳсулоти муомалада бўлганида транспортда олиб юришда; юқлашга ва жойлаштиришга; сақлашга. талаблар белгиланади.

Стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари- Ресурсларнинг барча турларини тежашга, ишлаб чиқаришнинг техникавий ва иқтисод кўрсаткичларини яхшилашга кўмаклашиш; ижтимоий – иқтисодий, илмий – техникавий дастурлар ва лойихаларни амалга ошириш; ўлчашларнинг бирлигини таъминлаш.

Стандартлаштиришнинг асосий вазифалари: Метрологик меъёр, қоида, низом ва талабларнинг белгиланиши; технологик жараёнларга талабларни белгилаш; техника – иқтисодий ахборотни таснифлаш ва кодлаш тизимини яратиш ва жорий қилиш; маҳсулотнинг эргономик (инсон-машина) хоссаларига талабларнинг белгиланиши.

Мослашувчанликда - маълум шароитларда белгиланган талабларни бажариш учун номакбул таъсир кўрсатмасдан маҳсулот, жараён ёки хизматларни биргаликда кулланишига яроқлилиги деб тушунилади.

Ўзаро алмашувчанликда- бир хил талабларни бажариш мақсадида бир буюм, жараён, хизматдан фойдаланиш ўрнига бошқа бир буюм, жараён, хизматнинг яроқлилигидан иборат.

Халқаро стандарт - стандартлаштириш билан шуғулланадиган халқаро ташкилот томонидан қабул қилинган ва истеъмолчиларнинг кенг доирага яроқли бўлган стандартдир.

Республика стандартлаштириш бўйича ишларнинг ташкил этилишини, мувофиқлаштирилишини ва ишларнинг мақбул даражада олиб борилишини қуидаги идоралар таъмин қиласидар:

Тармоқлараро йўналишга белгиланган маҳсулот бўйича «Ўзстандарт» Агентлиги; қурилиш ва қурилиш саноати, лойиҳалаш ва конструкциялаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси; **табиий** ресурслардан фойдаланишни йўлга кўйиш, атроф - мухитни ифлосланишдан ва бошқа заарли таъсиротлардан муҳофаза қилиш соҳаси бўйича - Ўзбекистонда Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси; **тиббиёт** юналишидаги маҳсулотлар, таббий техника буюмлари, доривор моддалар ва республика саноати ишлаб чиқарадиган маҳсулот таркибида инсон учун заарли моддалар миқдорини тартибга солиш соҳасида - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги.

Корхона стандарти - маҳсулотга, хизматга ёки жараёнга корхонанинг ташаббусси билан ишлаб чиқиладиган ва унинг томонидан тасдиқланган ҳужжатдир.

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкил килиш тўгрисидаги карор 1992 йил 2 мартағи 93-сонли карорига мувофик Ўзстандарт Агентлаги тасдикланган

Халқаро стандартлаштириш ташкилоти ИСО (Интернатионал Стандардс Организатион) 1946 йилда ташкил топди.

ИСО ва МЕК фаолиятлари - ИСО электротехника, электроника, радиоалоқа, асбобсозлик соҳалари бўйича шугулланса, МЕК эса қолган бошқа ҳамма соҳалар бўйича стандартлаштириш билан шуғулланади.

7-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ. СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

Ишнинг мақсади.

Сертификатлаштириш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишни, сертификатлаштиришни утказиш буйича умумий коидаларни урнатишни; Сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш буйича дастурларнинг лойихаларини ишлаб чикишни ўрганиш.

Топширик:

1. Сертификатлаштириш бўйича асосий атамалар
2. Сертификатлаштириш бўйича асосий тушунчалар

Сертификатлаштириш - ишлаб чиқилаётган турли хил маҳсулотлар муайян сифат кўрсаткичларига эга бўлиши керак; гувохлик бериш, қайд ёки шаҳодат этиш, ишонч билдириш маъноларини билдирувчи сертифус (лотинча) сўзидан олинган; керакли ишончлилик билан маҳсулотнинг муайян стандартга ёки техникавий ҳужжатга мувофиқлигини учинчи, холис ва тан олган томон тарафидан тасдиклайдиган фаолиятини билдиради;

Сертификатлаштириш буйича Миллий идора: Узстандарт Агентлиги.

Миллий идорага куйидаги вазифалар юклатилган:

Сертификатлаштириш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, сертификатлаштиришни утказиш буйича умумий коидаларни урнатиш; Сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш буйича дастурларнинг лойихаларини ишлаб чикиш ва уларни Узбекистон Республикасининг Хукуматига куриб чикиш учун тавдим этиш; Узбекистон Республикасининг вазирлар Махкамаси билан келишилган холда халкаро сертификатлаштириш тизимларига кушилиш, шунингдек сертафикатлаштарниш натижаларини узаро тан олиш буйича битим тузиш тугрисида карор кабул килиш.

Сертификатлаштириш миллий тизиминда (СМТ) фаолиятнинг куйидаги турлари назарда тутилган: Махсулот ва хизмагларни сертификатлаштириш; Сифат ва ишлаб чиқаришлар тизмиларини сертификатлаштириш, мажбурий сертификатлаштириш коидаларига риоя килиниши устидан назорат; Сертификатлаштирилган махсулот, хизматлар, сертификатлаштирилган сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришлар устидан инспекцион текширув.

Ўзбекистон Сертификатлаштириш миллий тизиминда да қуидаги реестрлар бошқарилади: бир турли маҳсулогни сертификатлаштириш буйича аккредитланган идоралар; сифат ва ишлаб чикариш тизимларини сертификатлаштириш буйича аккредитланган идоралар, сертификатлаштирилган маҳсулот, руйхатга олинган бир турли маҳсулогни сертификатлаштириш тизимларининг реестрлари; аккредитлаиган синаш лабораториялари (марказлари), сифат буйича аттестатланган экспертлар-аудиторлар, сертификатлаштирилган сифат ва ишлаб чикаришлар тизимлари.

Сертификатлаштириш мажбурий ва ихтиёрий бўлади.

Мажбурий сертификатлаштириш деганда сертификатлаштириш ҳуқуқига эга бўлган идора томонидан маҳсулот, жараён, хизматнинг стандартлардаги мажбурий талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш тушунилади.

Ихтиёрий сертификатлаштириш ишлаб чиқарувчи /бажарувчи/, сотувчи /таъхминловчи/ ёки истеъмолчи ташаббуси билан ихтиёрий равишда утказилладиган сертификатлаштириш тушунилади.

8-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ. МУТАХАСИСЛИК ФАНЛАРИНИНГ МАЗМУН ВА МОХИЯТИ Ишнинг мақсади.

Машинасозлик материалларининг турлари, ишлатилиши, хоссалари ва таркибини, ишлаб чикариш жараёнининг автоматлаштиришни, Ишлаб чикаришда ЭХМ. ўрганиш.

Топшириқ:

1. Машинасозлик материаллари.
2. Метал кесиш дастгохлари
3. Автоматлаштириш жараёнлари.

Умумий маълумот

Материалшунослик ва конструкцион материаллар технологияси фанини ўрганишни осонлаштириш мақсадида, уни қуидаги асосий бўлимларга бўлиб ўрганиш тавсия этилади.

1. Металлургия. Бу бўлимда металлар ва уларнинг қотишмаларини табиий бирикма ҳолидаги фойдали қазилмалардан ажратиб олиш жараёнлари ўрганилади.

2. Металшунослик. Бу бўлимда металлар ва улар қотишмаларининг тузилиши, хоссалари ва бу хоссаларни ҳар хил воситалар ёрдамида ўзтартиришга доир масалалар ўрганилади.

3. Қуймакорлик. Бу бўлимда эритилган металлни маълум шаклли қолилларга қуиб, қўйма буюмлар олишга доир масалалар ўрганилади.

4. Металларни босим билан ишлаш. Бу бўлимда металларнинг ташқи куч таъсирида парчаланмасдан ўз шаклини ўзгартира олиш хусусиятларига асосланиб, уларни босим билан ишлаб, маълум шаклли буюмлар олиш технологиясига оид масалалар ўрганилади.

5. Металларни пайвандлаш. Бу бўлимда металлни қиздириш натижасида уни суюқ ёки хамирсимон ҳолга келтириб, айрим металл бўлакларини битта яхлит бўлакка айлантириш технологияларига оид масалалар ўрганилади.

6. Металларга механик ишлов бериш. Бу бўлимда металл кесиш асбоблари ёрдамида металларни йўниб, ундан маълум шаклли ва ўлчамли буюмлар олиш технологиясига оид масалалар ўрганилади.

7. Металларга ишлов беришнинг маҳсус усуслари. Бу бўлимда қийин суюқланадиган металл ва қотишмалардан буюмлар ясаш технологияси, шу билан бирга деталларга пластик деформациялаш усулида ишлов бериш жараёнлари ўрганилади.

8. Металлмас материаллар. Бу бўлимда машинасозликда кенг кўламда ишлатиладиган металлмас материалларнинг тузилиши, асосий хоссалари ва улардан турли шаклли буюмлар олиш технологиясига оид масалалар ўрганилади.

Металлар деб, ўзига хос ялтироқлиги, иссиқлик ва электр ўтказувчанигининг юқорилиги, шаффоф эмаслиги, суюқланувчанлиги билан ажралиб турадиган кимиёвий оддий моддаларга айтилади; баъзи металлар болғаланувчанлик ва пайвандланувчанлик хоссаларига ҳам эга бўлади. Металл ва унинг қотишмалари қора ҳамда рангли металларга бўлинади. Қора металларга темир ва унинг қотишмалари бўлмиш чўян ва пўлат, шунингдек, ферроқотишмалар киради. Қолган металлар рангли металлар гурухини ташкил этади. Ҳозирги замон индустряси асосан қора металлардан фойдаланишга асосланган. Рангли металлардан мис, алюминий, қўрғошин, қалай, никел, титан каби металлар саноат аҳамиятига эгадир. Рангли металлар қатор муҳим физик-кимёвий хоссаларга эга бўлиб, техникада уларнинг ўрнини бошқа ҳеч қандай материал боса олмайди. Масалан, мис ва алюминийнинг иссиқлик ҳамда электр ўтказувчанлиги юқори бўлганлиги учун электротехника саноатида муҳим рол ўйнайди; алюминийнинг зичлиги кичик бўлганлигидан авиация саноатида ишлатилади; қалайнинг коррозияга чидамлилиги юқори бўлганлиги учун у оқ тунука тайёрлашда, шунингдек қозонларни оқартиришда ишлатилади, унинг қўрғошин билан ҳосил қилган қотишмасидан подшипниклар ишлаб чиқаришда ишлатилади.

Узбекистон мустакил Республика булгандан кейин кенг халк исътемол маҳсулотлари ишлаб чиқариш зарур булиб колди. Эҳтиёжларни коплаш ҳамда ракобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарib жаҳон бозорига олиб чикиш ва экспорт килиши ҳам муҳимдир. Чунки кайси давлат чет элга купрок маҳсулот экспорт килса шу давлатнинг иктисадиёти бакувват булади.

Жаҳон бозорида ракобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун замонавий технологияни олиб келиш ва янги технологияни яратиш зарур. Замонавий энг сунги дасгоҳларни олиб келиб, ишлаб чиқаришни ташкил этишдек муҳим масалаларни хал килиш керак булади.

